

**Бахтиёр ИСОҚОВ**

**ЖАМИЯТ  
ТАРАҚҚИЁТИ  
АСОСИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Бахтиёр ИСОҚОВ**

# **ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ АСОСИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ “МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ  
ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ  
ПҚ – 451- СОНЛИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ  
БЎЙИЧА ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

“НАМАНГАН” нашриёти  
2007

Масъул муҳаррир -

юридик фанлари доктори  
**Йўлдошали Раҳимов**

Тақризчилар -

тарих фанлари номзоди  
**Қаҳрамон Асқаров**  
тарих фанлари номзоди  
**Рўзимат Жўраев**

**Б. Р. ИСОҚОВ.** Жамият тараққиёти асоси. / Масъул муҳаррир Й. Раҳимов – Наманган, “Наманган” нашриёти, 2007. – 120 б.

Мазкур илмий-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ – 451- сонли қарори ижроси масалаларига бағишланган. Ушбу қўлланмада глобаллашув жараёнлари, ахборот хуружи кучайган ҳозирги даврда мафкуравий сиёсатнинг ўрни, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш воситалари, усуллари ва шакллари ҳақида сўз боради.

Илмий-услубий қўлланма Наманган Давлат университети Илмий Кенгашининг 2006 йил 27 декабрдаги 4- сонли мажлисида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

**НГ** 615-1360,86-1256800 2007  
616-7,0-(03)-07

**ISBN 978-9943-344-00-6**

**Бахтиёр Исоқов, “Наманган” нашриёти.**

## **МАЪНАВИЯТ–МАЪРИФАТ ВА ЗИЁЛИЛАР (МУҚАДДИМА ЎРНИДА)**

Халқимиз тақдирида бутунлай янги тарихий давр – ўтиш давридан ўсиш даврига ўтилди. Бу давр истиқлол ғоялари орқали шаклланаётган соғлом, ҳар томонлама ҳаётий ва инсон манфаатларига хизмат қиладиган ғоялар замони сифатида дунёга келди. Ана шу миллий истиқлол, миллий ғояга асосланган муносабатлар зиёлилар олдига ҳам янгидан-янги вазифаларни қўймоқда.

Янги тарихий давр маънавият даври, маърифатчилик даври сифатида вужудга келмоқда. Миллий ғоя асосида бош ислохотчилик вазифасини бажараётган давлат томонидан одамлар онги ва тафаккурида туб бурилиш яшаш, ҳар қандай ислохотларни фуқаролар онги, тафаккури ва қалби орқали ўтказиш йўлини танланди. Ана шу йўл одамларнинг мозий, бугун ва келажакка муносабатларини ўзгартириш, муайян манфаатларга ёндашиш руҳиятини янгилаш орқали аста-секинлик билан уларни маърифатли, комил инсон, баркамол авлод қилиб вояга етказишга олиб боради. Фуқароларнинг маърифатлилиги орқали маърифатли жамият барпо этилади. Ўтмишни англаш, уни тўғри тушуниш орқали кишилар руҳиятида жиддий ўзгаришлар ясашга, бу орқали ҳаётни, турмуш тарзини, охир-оқибатда эса жамиятни маънавий ислох қилишга эришилади.

Улуғ маърифатпарвар, зиёлилик масъулиятини ғоят теран англаб, элни ғафлат уйқусидан уйғотишга даъват этган Фитрат таъбири билан айтганда: «Қайси миллат яшашни (равнақу тараққиётни) истаса тарихини билиши лозим бўлади, зеро, тарих бир кўзгуга ўхшайди, ҳар бир қавм ўзининг аҳволи ва ижтимоий ҳаёт қоидасини унда кўриб, яхшини ёмондан фарқ қиладиган бўлади. Равшанроқ тушунтирсак, яъни қайси миллат юксалиш фикрида бўлса, ўтган қавмлар тарихига мурожаат қилади, уларни ҳалокатга етказган сабабларни билиб, уларни тарк этиб, бирон-бир миллатнинг ривожига ва тараққиётига сабаб бўлган қонунлар бўлса, уларни қабул қилади».

Биз оламни тарих орқали, инсоният тараққиётининг босқичлари, эволюцияси орқали англаймиз. У орқали бугунги кунимизнинг мазмун-моҳиятини тушуниб оламиз, эртанги кунга дахлдор орзу-умид, мақсад-муддаоларимизни белгилаб оламиз. Шу жиҳатдан қараганда, биз ўзимизни оламдан ажратилган ҳолда тасаввур эта олмаймиз. Олам ва одам ўртасидаги боғлиқлик айни олам яхлитлиги ва одам бутунлигидир. Тарихнинг буюк қудрати, тарбиявий кучи, мураббийлик моҳияти мозийни ўрганиш, тадқиқ этиш орқали бугунни баҳолаш, бугунги одамларни англаш ва уларни эзгулик, бунёдкорлик йўлига солиш борасидаги фикрларни, ғояларни ўзида мужассам этганида!

Ўзликни англаш, энг аввало, ўтмишни ўрганишдан, тарихни билишга эҳтиёж сезишдан бошланади. Дарҳақиқат, ўзини англаётган ҳар бир шахс қандай оилада дунёга келгани, ўз аجدодлари кимлар бўлгани, ота-боболари нималар билан шуғулланиб, қандай умр кечирганликларини билиб, англаб олишга интилади. Уларнинг фазилатлари, мерос ва кадриятлари билан фахрланиб яшайди. Ўз наслу насабини билиш кишининг бу ҳаётда омонат ёки тасодифий эмаслигини тушунишга имкон беради. Шу билан бирга атроф-муҳит, уни ўраб турган олам ҳақида ўйлашга ундайди. Оламни англаш ҳисси – инсонни ўзлигини англашга, олам ва одам ҳақида ўйлашга даъват этувчи бекиёс қудрат ҳисобланади. Бундай маънавий-руҳий эҳтиёж эса комиллик ва етукликка интилиш ҳиссини уйғотади. Ана шу ички туйғу инсоннинг ўз ўтмишига, аجدодларига, улар мероси ва кадриятларига қизиқиш билан қарашини тақозо этади.

Президент Ислом Каримов «ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ибботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур», деган бунёдкор ғояни илгари суриш билан туб ислохотларни амалга ошириш заруриятга айланган шароитда инсонни уйғонишга, ўзлигини англашга даъват этмоқда. Қалбимизда ҳамиша тарихга ворислик туйғуси билан «у менинг мулким, менинг бойлигим, менинг

наслу насабим ва инсоний шаънимнинг бир қисми» деб қараганимиздагина унинг нақадар мазмуни теран, моҳияти беқиёс қадрият эканлигини англай оламиз.

XX аср бошларида таниқли рус шарқшуноси, академик Сергей Ольденбург (1863–1934) Европанинг маънавият соҳасида шу кунгача қўлга киритган ютуқлари ўтмишда Шарқ маънавияти кўтарилган камолот чўққиларига нисбатан гўдак боланинг «чуғур-чуғури» даражасидадир, деган эди. Бу ҳулоса Шарқда минглаб йиллик маънавий такомил жараёнида онгли равишда ишлаб чиқилган мукаммал маърифат йўллари, маънавий, ғоявий тарбия воситалари ва усулларида хайрат заминида шаклланган.

Маънавият кўп қиррали ҳодиса бўлиб, ахлоқий (одоб, бурч, масъулият туйғулари), илмий, эстетик-ижодий, амалий малакалар (меҳнат, ижодкорлик, истеъдод, қобилият) диний, мафкуравий қарашларнинг яхлит бирлигидан иборат. Бу қарашлар алоҳида-алоҳида олинганда эмас, балки бир бутун, яхлит ҳолдагина маънавиятни ташкил этади. Ҳақиқий маънавият – бу эзгулик ва меҳр-муҳаббат, улуғворлик, ва гўзаллик, виждонийлик ва меҳр-шафқат, билимга, бошқа кишиларга ҳамда табиат билан уйғунликни сақлаш ғояси ва туйғуларига садоқат йиғиндисидир. Агар инсон умрини дарахтга қиёсласак, унинг мазмуни, ўқ илдизи маънавиятдир. Илдизи соғлом ва бақувват дарахтнинг бўйи ҳам, меvasи ҳам ўзгача бўлгани каби маънавияти бой инсоннинг ҳаёт йўли ҳам сермазмун, шижоатли, самарали бўлади. Инсон камолотининг муҳим омили бўлган маънавият ҳар бир шахс, халқ, миллат ва жамиятга баркамоллик бағишлайди.

Маънавият фақат инсонга хос хусусият. Лекин у илоҳий ёки ғайритабиий ҳодиса эмас, балки ижтимоий воқелик бўлиб, инсон фаолияти билан ҳамбарчас боғлиқ. Табиатда маънавият йўқ. Инсон онгли фаолияти, тафаккур салоҳиятининг ҳар қандай шакли маънавият бўла олмайди. Инсон руҳий оламидаги муайян ижобий, ижтимоий аҳамият касб эта оладиган фазилатларгина маънавият деб аталади. Инсон табиати тушунчаси ҳам, маънавият тушунчаси ҳам «Инсоннинг яшашдан асл мақсади нима?» деган масала ечими билан бевосита боғлиқ. Элимизнинг минглаб йиллик турмуш тажрибаси асосида шаклланган кундалик онгида бу саволга қуйидагича жавоб берилади: инсоннинг яшашдан асл мақсади – эзгу ишлар қилиб, муносиб фарзандлар тарбиялаб, яхши ном қолдиришдир. Бу содда ва ғоят доно фикр асосида маънавият – инсоннинг эзгуликка йўналтирилган мақсадларига эришиш борасида хизмат қиладиган орзу-ҳаваслари, ақл-заковати, билимлари, амалий фаолияти замирида ётган иродаси дейиш мумкин.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Маънавият узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлади».

Маънавиятнинг шаклланиши ва ривожини одатда уч таркибий бўғинда намоён бўлади. Мафкура кўринишидаги биринчи бўғин маълумот, ахборот тўплаш, асосан сўз, мулоҳаза, ибрат, ғоя ва назариялар даражасида ифодаланади. Инсон маънавий мерос, қадриятлар билан танишади ва уларни ўзлаштиради, янгиликларни ўз дунёқарашига сингдиради. Бу – ишонч бўғинидир.

Иккинчи бўғин – инсонга ёшлигидан сингдирилган маданий-маънавий қарашлар, ахлоқий қадриятлар, анъаналар, диний-руҳий туйғулардан иборат. Бу бўғинда у ўз оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалласи, миллати билан яқдиллиги, бирлигини ҳис этади. Натижада, унинг онги ва қалбида миллий ғурур, ифтихор, ватанпарварлик туйғуси шаклланади. Бу бўғин – имон бўғини. Шу боисдан ҳам аجدодларимиз қадим замонлардаёқ «Ватанни севмоқ имондандир» ғоясини илгари сурганлар.

Учинчи бўғин – билим, ижодий изланиш, фахм-фаросат билан ифодаланади. У бизнинг тафаккуримизда маърифат, дунёвий маънавият тимсолида намоён бўлади. Буюк алломаларимиз, зиёлиларнинг қудрати ана шу дунёвий маънавиятни илоҳий маънавият билан узвийликда камолга етказганликларидадир.

Агар биринчи бўғин янгиликларни қабул қилиш, иккинчиси қадриятларга, аجدодлар руҳига таяниш бўлса, учинчи бўғин – янгиликларнинг ижодий раванқи ҳисобланади. У аждодлар меросига ҳақиқий ворис бўлиб, уларнинг қадриятга айланиб кетган қисмини ижодий ривожлантиришни назарда тутди.

Маънавият доимо бизни инсон ва жамият ҳаётининг туб, моҳиятий илдизларини чуқур англашга даъват этиб, ундаб туради.

Улар қуйидагилардан иборат: меҳнат зарурати; меҳнат – тарбиявий бешик, машаққат, имтиҳон; меҳнат – мақсадга мувофиқ, яъни ақл воситасидаги фаолиятдир; меҳнат – одамларнинг моддий-маънавий манфаатларини қондиришнинг ягона йўли; манфаатни меҳнат воситасида қондиришнинг моддий негизини мулк, мулкӣ муносабатлар ташкил этади ва, шу боис, улар барча нарсаларни тушунишнинг калитидир.

Табиий олам ҳаракат қонунига итоат қилади, маънавият дунёси, ундан кам бўлмаган даражада, манфаат қонунига бўйсунди. Айни манфаат туфайли кишилар юксакликка парвоз қилишлари ёки тубанликка юз тутишлари мумкин.

Аждодларимиз ташбеҳига кўра, маънавият инсон қалбида акс этган нур бўлиб, уни ўзида акс эттира олиши учун инсон қалби сайқал топмоғи зарур. Зеро, сайқалланмаган кўнгилни худбинлик, эгоцентризм занги, ғараз чирки эгаллаб олади ҳамда бундай инсон руҳиятида жаҳолат, ёвузлик ва зулмат устунлик қила бошлайди. «Кўнгил кўчалари қайларга бошламайди» дейилганда, ана шу зулматда қолган кўнгил кўчаларидаги адашув, гумроҳлик назарда тутилса керак.

Инсон қалбига сайқал бериш жараёни эса маърифат дейилади. Маърифат – маънавият сари элтувчи йўллардан иборат. Ҳар қандай жамият тараққиётининг асоси, уни мукаммал ҳалокатдан асраб қолувчи куч ҳам маърифатдир.

Асли маърифатнинг илк йўли ибрат ҳисобланади. Гўдак бу ёруғ оламга келиб, яшаш ишқи билан ҳаётга интилар экан, ишни аввало ибратдан бошлайди, она ибрати, ота ибрати, акалар ва опалар, бувилар ва боболар ибрати билан воқеликка ўз муносабатини шакллантира бошлайди. Бу дунё асли инсонга ибрат учун яралган. Тадбиркорлар ғайрати, оқиллар тадбири, ҳаё эгаларининг андишаси, оналар меҳри, оталар бағрикенглиги, гўдаклар беғуборлиги, кексалар улуғворлиги – барча-барчаси инсон учун ибратдир.

Ёмонликдан ёмонликни англаб, ундан қайтмоқ – ибрат, яхшидан яхшиликни англаб унга эргашмоқ – ибрат. Ўғрининг тақдири – ибрат, фоҳишанинг фожеаси – ибрат, донолар умри – ибрат, сотқинлар тубанлиги – ибрат. Нима ибрат эмас? Барчаси ибрат. Ибрат ақлни ҳам, кўнгилни ҳам бирдек бойитади. Маънавият айнан шу заминда – ақл ва кўнгилнинг ибрати асосида юксалиб боради. Ақл тўлишса-ю, кўнгил ғариблигича қолаверса, бу ҳол маънавийлашишга эмас, аксинча, бемаъниликка сабаб бўлади. Демак, ибрат ола билмоқ – маънавият, кўриб – ибрат олмаслик – маънавий сўқирликдир. Аммо, ибрат тақлид эмасдир, ибрат ўрнига тақлид – дил кўзининг кўрлигига далолатдир, қачонки, кимдаки, қаерда, қайси замонда ибрат ўрнини тақлид эгалласа, маънавиятнинг ўлгани – ана шу. Фитрат «Нажот йўли» асарида шундай ёзганди: «Менинг назаримда тақлидий ақлнинг зарари жаҳолат зараридан қолишмайди... Тақлид касалига гирифтор бўлганлар орқада қолиб, охири нобуд бўладилар». Тақлид – бутун маҳалла биладиган оқсоқолнинг чопонини бошқа биров кийиб юргандек гап. Инсон болалигида ўзлигини топиб олиш мақсадида дастлаб тақлид қилиши мумкин. Улғайгач эса унинг ўз мақсади, ўз йўли бўлмоғи даркор.

Ҳаётнинг ўзи доимий, азалий ва абадий синовдан иборат. Биз ҳар куни ўзимиз англамаган ҳолда ҳаёт – мураббийга имтиҳон топширамыз. Қўйилган баҳодан баъзан беҳабар қоламыз ҳам. Ҳар қадамда янгидан-янги муаммоларга дуч келиб турамыз. Ажойиб театрнинг худди ўзига ўхшайди ҳаёт деганлари. Дунё, ҳаёт театрида сахналар, декорациялар, актёрлар, иштирокчилар тинмай ўзгариб, янгиланиб туради. Жиддий назар ташласак, ҳаётнинг бошдан оёқ ўйин ва томоша эканлигига амин бўламыз. Бу ҳаётда ҳар биримизнинг қобилятимиз, иқтидоримизга мувофиқ ўз йўлимиз, ўз ролимиз мавжуд бўлмоғи даркор. Фақат ўйинга, унинг рўёларига алданиб қолмай куён шер ролини ўйнашга, эшак тулпор ролига даъвогарлик қилмай, йўлбарс йўлбарс вазифасини адо этса, бургут бургут ролини ўйнаган тақдирдагина кадр-қиммат, шаън-шавкат сақланиб қолади.

Бугунги дунёда бизни ўз таъсир доирасига олиш ва ҳамиша ўз таъсир доирасида тутиб туришга интилаётган ва вайронкор ғояларни ўз миллий мафкурасига айлантириб олган куч марказлари фаолият кўрсатмоқдалар. Улар кўпроқ ҳамма бир хил бўлиши, биз хоҳлаган мақсадни кўзлаши керак, деган континентализм ғояларига амал қиладилар.

Жаҳон микёсида кечаётган жараёнлар уларнинг ушбу мафкурадан воз кечиш ниятлари йўқлигини яққол кўрсатиб турибди. Шу боисдан ҳам ўзгалар таъсир доираси домига тушмаслик, улар асири, хизматкорига айланмаслик учун ўзгаларга тақлид қилмай, доимо ўз ўзагимизга содиқ бўлиб, мунтазам иродали кучга айланмоғимиз лозим.

Маърифатнинг яна бир буюк ўчоғи илмдир. Илм – тафаккур билан бўлади, ахборот йиғиш илмга тайёргарлик бўлиши мумкин, ундан ортиқ эмас. Умр бўйи таом пиширмак учун сабзи-пиёз арчиб овора бўлган, аммо олов ёқиб, қозон қиздирмаган одам очликдан ўлар, аммо қорни тўймас. Илм – асли аجدодлар ибратидир, ўтганлар, биз кўрмаганлар ҳақидаги хабар орқали ибратдир.

Маърифат тарқатиш йўли билан сиёсат ва иқтисод соҳаларида ҳам умумижтимоий ўзгариш, юксалиш содир бўлишига эришиш эса маънавият, зиё аҳлининг масъулиятидир. Маънавият ўтмиш, бугун ва келажакни қамраб олади. Маданият эса ўтмиш ва бугунги кунга тааллуқли. Маънавият келажакни белгилайди, маданият эса бугунги аҳволни кўрсатади.

Ўзбекнинг сўзи чиройли. Зиёли. Рус тилида «интеллигент» дейилганда, кўпроқ ўша шахснинг билим доираси, тафаккури, қолаверса, маданийлик даражаси назарда тутилади. «Интеллигент» атамаси «интеллект», яъни ақл билан боғлиқ ва, демакки, аслида ўзбекларнинг «оқил», «ақл эгаси» деган сўзлари билан муқобилдир. Аммо, чинакам зиёли фақат ақл ва билимгина эмас, эзгу қалб ва эҳтирос эгаси ҳам бўлмоғи даркор.

Зиёли ҳақиқатни севиши, ёниқ дил билан тинимсиз унга талпиниши, ҳақиқат, адолат, тараққиёт ҳаёли билан яшамоғи лозим. Шундагина у ўзидан зиё таратиб, ўзгалар йўлини ёрита олади. Зиёли бу – шифокор, муҳандис, муаллим, тадқиқотчи, ер илмининг билимдони, фаррош... Агар унинг ҳақиқатга меҳри товланиб турмаса, беморга ҳеч қачон шифо ато эта олмайди, мурғак ақлга билим зиёсини сингдира олмайди, одоб бера олмайди. Унинг муҳандислиги ҳам бир пул, ерни эса ўлдиради, ҳаммаёқни ахлат босади.

Зиёлилик тамойили ҳозир биз англайдиган тушунча маъносида нисбатан узок тарихга эга эмас. У жаҳидчилик ҳаракати билан бирга юзага келган, десак, хато қилмаган бўламиз. Лекин бу тамойилнинг инсон фаолиятидаги дастлабки унсурлари ўрта асрлар ва ундан кейинги даврлардаги маърифатпарварлар ҳаётида шаклланганини эътироф этмоғимиз лозим. Яъни, инсоният жамиятидаги маданий ва интеллектуал-ақлий тараққиёт билан боғлиқ. Шу боис уни инсон пайдо бўлганидан анча кейин вужудга келган ахлоқий ҳодиса деб талқин этиш мақсадга мувофиқ. Ўз пайтида нақшбандия тариқати зиёлиларга жуда катта масъулият юклаганди. Унинг «Агар мамлакат хароб бўлса, шохдан хафа бўлма, ҳақиқат аҳли наздида бу дарвешларнинг – зиёлиларнинг, илм аҳлининг гуноҳидир», деган ҳикмати ҳеч қачон ўз кучини йўқотмайди. Шу боисдан ҳам буюк немис файласуфи Теодор Адорно 2-жаҳон урушидаги геноциддан сўнг, зиёлилик – ахлоқий категория деган фикрга келган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, зиёлилик ахлоқий тамойил сифатида мураккаб ва кўпёқламалилик табиатига эга. Баъзилар зиёлилик деганда олий маълумотли кишига хос бўлган фазилатни тушунадилар. Ваҳоланки, зиёлилик тамойили табақа ёки гуруҳга мансублик маъноларини англабмайди. Оддий фермер-деҳқон ҳам, фаррош ҳам зиёлилик тамойили билан иш кўриши ва атрофидагилар томонидан: «Ҳа фалончими, жуда ажойиб зиёли одам-да», деган юксак ижтимоий баҳога лойиқ бўлиш мумкин. Бунда у одамнинг касбидан қатъи назар, ҳам билим, ҳам фаҳм-фаросат, ҳам олий мақсадлар эгаси экани тушунилади. Шўролар замонида зиёлилар гўёки «оқбилак текинхўрлар» ҳисобланарди. Ҳатто «интеллигент» деган сўзнинг ўзи ҳақорат сифатида ишлатиларди. Оддий ҳақиқат: ҳар бир инсон – академикдан тортиб фаррошгача ўз соҳасининг зиёлиси бўлиши шарт. Бусиз тараққиётга эришиб бўлмайди. Шундай қилиб, зиёлилик асосида инсоннинг маънавий-маърифий юксаклиги, қалбидаги ички нур, атрофни ҳам нурлантира оладиган зиёси билан белгиланадиган хатти-ҳаракатлар ётади.

Зиёлилик тамойилига қадимдан ҳукмрон-маъмурий доиралар ва халқ томонидан ўзига хос муносабатлар мавжуд бўлиб келган. Чунончи, биринчи тоифадагилар кўп ҳолларда зиёлиликка, умумий тарзда, ижобий муносабатда бўладилар, лекин, масала

муайян зиёли шахсларга бориб тақалганда, манфаатлар тўқнашуви рўй беради: зиёлилар ҳукмронлар тоифасидан зиёлилик тамойили асосида яшаш ва иш юритишни талаб қиладилар, бу эса уларга, табиийки, ёқмайди. Буни ҳокимият ишларига аралашиб деб ижирғанадилар, турли баҳоналар топиб, зимдан зиёлиларга қарши курашадилар. Бунга Лев Толстойдек буюк инсоннинг черков томонидан лаънатланиши ёки истиқлол фидойиси, мард саркарда, ҳақиқий зиёли – Жўрабекка суиқасд уюштирилиб, ўлдириш ҳодисалари яққол мисол бўла олади. Мустамлакачилик ва тоталитар тузумларга асосланган мамлакатларда зиёлилик тамойилига содиқ кишилар тўғридан-тўғри, очиқ қатағон қилинадилар. Бунга очиқ мисол қилиб, Фитрат, Қодирий, Чўлпон каби жадидларни ва Сталин-Гитлер лагерларида ҳалок бўлган минглаб зиёлиларни келтириш мумкин.

Зиёлилик тамойилига оддий фуқароларнинг муносабатида икки хил ёндашув кўзга ташланади. Уларнинг фаол ва илғор қисми зиёлиларга ҳавас билан қарайдилар, улар хатти-ҳаракатларини ўз фарзандлари ва яқинларига намуна қилиб кўрсатадилар. Аммо, «омма» деб аталадиганлар, маълумотлари олий ёки ўрталигидан қатъи назар, зиёлиларга истехзо билан, «ҳокимият билан ўйнашган эси пастлар», деб қарайдилар. Ана шу худбин ва махдуд «омма» қаерда қамайиб борса, ўша жамиятда тараққиёт юксак даражага кўтарилади. Зеро, зиёлилик кенг маънодаги фидойиликдир. Шу боис истиқлолнинг илк кунларидаёқ бизда зиёлилик тамойилини ҳар бир фуқаро қалби ва онгига сингдириш учун турли воситаларга таянган ҳолда мунтазам тарғибот-ташвиқот амалга оширилмоқда. Уни сингдириш эса маънавиятни юксалтириш орқали рўёбга чиқади.

Зиёли – маънавиятли инсондир. Шу нуқтаи назардан ҳар қандай касб эгаси, барча тоифа вакиллари зиё эгаси бўлишлари мумкин. Ҳатто хат-саводи бор-йўқлиги ҳам муҳим эмас. Баъзан оддий деҳқон учун маълум бўлган сир-синоат олий маълумотли агроном тасаввуридан ташқари бўлади.

Зиёлилар – халқнинг раҳнамолари, етакчилари. Улар кўпчиликини бир йўлга бошлашга қодир одамлар. Демак, улар йўл қўйган хато бир ўзлари ёки оила аъзолари, шогирдларинигина эмас, халқнинг кўпчилики қисмини йўлдан оздириши, адаштириши мумкин. Зиёлининг ёлғони оддий ёлғон эмас, ижтимоий ёлғон, халқни гумроҳликка бошловчи ёлғондир. Зиёлининг мулкка муносабати, унинг моддий таъминоти масаласи ҳам мавжуд. Зиёли агар бир пайтнинг ўзида ишбилармон ҳам бўла олса, қандини урсин. Аммо унда бундай қобилият бўлмаса-чи? **Фақат бир нарсани аниқ – ҳақиқатни қидирган зиёлисини кундалик қорин тўйдириш ташвишларига банд қилиб қўйган ҳар қандай жамият аста-секин заифлашиб, парокандаликка юз тутати.**

Башарият ҳаётида илм ва ижоднинг мавқеи ошиб борган сари, зиёли тоифасининг сафлари кенгайгани сайин, ижтимоий ҳаётда ҳам куч ўрнини ақл, зуғум ўрнини фаросат эгаллаб бораверади.

Жамиятдаги ўзга тоифаларга нисбатан зиёлининг юки оғир. Аммо, 4–5 одамга раҳбарлик, етакчилик масъулиятини зиммасига олган кишига янада оғирроқдир. Зиёли олим бўлса, ҳаётни илмий асосда тадқиқ этади, шу асосда таклиф-мулоҳазалар ва тавсиялар беради. Шоир ёки адиб бўлса, воқеликнинг муайян қирраларини бадиий тимсолларда акс эттириб, ибрат йўли билан одамларга ижобий таъсир этишга уринади. Муаллим таълим-тарбия беради. Деҳқон зироатчилик маданиятини ривожлантириб, одамгарчилик илмидан сабоқ беради, фаррош бўлса ободончиликка хизмат қилиб, кишилар руҳини кўтаради. Аммо, раҳбар қўл остидагилар тақдири учун масъулдир, уларни муайян йўлдан етаклаб, муайян амалий натижаларга эриштиришни ўз зиммасига олган. Зиёли сифатида маънавият ва маърифатни тарғиб этиш, жамоани эзгуликка чорлаш, даъват этиш эса раҳбарнинг бевосита вазифаси ва виждон ишидир. Раҳбар кадрни, тарғиботчини жамоа, қўл остидагилар, мажлис аҳли билан пайванд қилувчи восита – унинг сўзи.

Халқимиз сўз ҳақида омади гаплар айтган: «Билган топиб сўзлар, билмаган қопиб», «Яхши сўз – жон озиғи, ёмон сўз – бош қозиғи», «Яхши сўз билан илон инидан, ёмон сўз билан – қилич қинидан»... Доноларнинг сўз хусусидаги бу сингари мақол ва маталлари бизни ҳалол яшашга, эзгуликка интилишга, зиёли бўлишга, мураккаб ҳаётнинг чигал

йўлларида энг тўғриси танилашга ўргатади. Қадимдан сўз ва иш бирлиги ҳамиша одоб-икромнинг, зиёиликнинг муҳим тамойилларида бўлиб келган.

Сўзга бўлган муносабат мозийда бўлгани каби учинчи минг йиллик ибтидосида ҳам ўз долзарблигини, мавқеини, кучи, залворини сақлаб келмоқда. ХХІ асрга келиб глобаллашаётган дунёда сўз кучи, қуроли қурол сўзидан кучлироқ бўлиб қолди. Биз ҳозирги кунларда ҳам сўз ва иш бирлигини ўз ҳаётининг бирлиги деб биладиган ажойиб ишларни, зиёиликни биламиз. Улар учун ўзининг аҳду-паймонида содиқ қолиш, лафзи ҳалоллик, халқ ва Ватан манфаатларига садоқат – нафас олиш ёки чиқариш каби ҳаётий масала, идеалларининг ағишмай амал қилинадиган дастур амалларидандир. Шу босдан ҳам «Авесто»да «Барча рост сўзларни мадҳ этамиз» (Гоҳ, 71-Ясна, 10-банд), «Тўғри сўзни олқишлаймиз. Саодатли тинчликни олқишлаймиз. Биҳиштнинг олий тириклиги, осойишталик бағишловчи ҳар нечук ёруғликни олқишлаймиз» (Виспирад, 7-бўлим, 1-банд), дея тўғри, рост сўз ёруғликка, зиёга қиёсланган.

Афсуски, шундай масъулиятсиз раҳбарлар, одамлар ҳам учраб турадики, улар айтилган сўз – отилган ўқ эканлигини унутиб қўядилар. Худабехудага гап сотиб, миш-миш тарқатиб, ахборот террорига қўшилиб, ўзларининг ҳам, бошқаларнинг ҳам бошига бало орттираётганликларига ақллари етмай, ғафлатда қоладилар. Бундай кишиларга халқимизнинг «Аввал ўйла, кейин сўйла» деган доно ўғитини доимо эслатиб турмоқ лозим.

Элнинг сўзга бўлган эҳтиёткорона муносабати унинг доно, мутафаккир фарзандларига – шоирларга, файласуфларга, воизларга, қисқаси, зиёиликка ҳамиша дастуриламал бўлиб келган. Улар сўз одамзоднинг энг нозик, жузъий ҳаёт масалаларидан тортиб, энг улкан жабҳа – сиёсат майдонларига – барча-барчасида муҳим аҳамият касб этадиган муносабат қуроли эканлигини чуқур англаб эдилар. Шу сабабга биноан «Авесто»да «Воиз йигитни қоим кўрмоқ истайман» (Виспирад, 3-бўлим, 3-банд), дейилади.

Сўз ўзи изҳор қилаётган мазмундаги воқеа, ҳодиса, жараён, буюм ёки жонзотдан узоқ ҳаёт кечириши мумкин. Бироқ, модомики, сўз тирик экан, сўз билан ифода қиланаётган буюм ёки жонзот руҳи барҳаётдир. Сўз – ақл қуроли. Яхши сўз ҳам эҳсондир. Сўз воситасида билим тарқатмоқ, эзгуликка даъват этмоқ эса эҳсонларнинг улуғдир. Мавриди келганда, мутлақо ўринли аччиқ сўзни айтмасдан, тилни тийиб туриш ҳам эҳсондир. Чунки, «Билмаган ўз қадрини, не билгувчи сўз қадрини...»

Сўз мулкнинг султони Алишер Навоий таъбири билан айтганда «буюкликнинг кўз илғамас чўққиси» Мавлоно Жалолиддин Румий фикрича: «Сўзнинг хайрлиси далолати кўп бўлгандир ва энг яхши сўз кўп бўлгани эмас, балки фойдалидир. Баъзиларга оз сўз кўп сўздан кўра кўпроқ фойдали бўлур. Чунончи, ҳаддан ташқари кизиби, чирсиллаб турган тандирга яқинлашиб бўлмагани ҳолда, заиф бир чироқдан мингларча фойда олиш мумкин. Демак, мақсад фойдадир. Шундайлар ҳам борки, уларга кўринишнинг ўзи – кифоя. Сўз улар учун зарарлидир. Оз, лекин фойдали бўлган сўз ёниб турган бир чироқнинг ёнмаган бошқа чироқни ўпиб кетишига ўхшайди. Чунки, бу унга етарлидир, муддаоси шудир ва у ҳосил бўлгандир». Шу сабабдан ҳам сўзни дорига қиёслаш мумкин: унинг ортиқчаси дармонлик хусусиятини йўқотиб, зарарли, заҳарга айланиши мумкин.

Тарғиботчи-ташвиқотчи сўзи жамоа этикодини қувватлантирсагина, жамоа онгли, самарали меҳнатга, фаолиятга киришади. Ёниқ, ҳароратли нутқ одамларнинг ақли ва туйғуларига таъсир қилиб, тингловчини муайян фаолиятга отлантира олади.

Маънавий-маърифий ишлар, миллий ғоя тарғиботи – тараққиётнинг бебаҳо манбаи бўлмиш – инсон омилини сафарбар этиши билан қимматли. Зеро, ислохотлар аввал одамлар онгида, кейин эса ишларида, фаолиятида амалга ошади. Маънавий баркамоллик, мафкуравий собитлик намунасини халқ, аввало, жойлардаги раҳбарларда, барча зиёилиларда кўриши керак.

Раҳбар кадр, зиёилининг мафкураси, имон-этикоди мустаҳкам бўлса, унинг айтган ҳар бир сўзи тарғиботчининг сўзига айланади. Бу эса давлат, жамиятни янада қудратли қилади. Акс ҳолда, раҳбар кадр, зиёли ўзи англамаган ҳолда жамиятда бефарқлик,

лоқайдликнинг тарқалишига сабаб бўлади. «Ватанга хизмат қилиш», «Эл-юрт ишончини оқлаш», «Миллат учун фидокорлик кўрсатиш» деган гаплар кадрсизланади. Бунга эса зинҳор йўл қўйиб бўлмайди. Фақат эзгуликка чорлаш, маънавият, маърифат, бунёдкорлик орқалигина ўз олдимизга қўйган буюк мақсадга эриша оламиз. Қадимги замоннинг машҳур файласуфи Конфуций таъбири билан айтганда: «Фаровонлик – мақсад, ислохотлар – унга эришиш йўли, барқарорлик эса шарт-шароитдир ...» Фаровонлик ҳам, ислохотлар муваффақияти ҳам, барқарорликни таъминлаш ҳам аслида зиёлилар зиммасидаги юксак масъулият ҳисобланади.

## **МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ**

Глобаллашув жараёнлари кучайган милодий учинчи минг йилликнинг дастлабки юз йиллиги инсоният тарихига ахборот технологиялари асри сифатида кириб келди. Кўз ўнгимизда замонавий дунёнинг геосиёсий, геостратегик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация қиёфасида фундаментал ўзгаришлар ясайдиган чуқур жараёнлар рўй бермоқда.

Курраи Заминдаги турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайиши халқаро атамашуносликда биргина – глобаллашув сўзи билан ифодаланади. У гўёки об-ҳавога ўхшайди. Кунлар совиб кетса, иссиқроқ кийимларимизни кийиб оламиз, аксинча қизигудек бўлса, енгилроқ либосга ўтамиз. Демак, бу жараёндан четда туришнинг деярли иложи йўқ. Хусусан, алоқа воситаларининг ривожланиши, уларнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, интернет, космик телерадио алоқа тизимларининг техник-технологик воситалари кучайиб кетиши билан ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгайиб бормоқда. 2007 йил охирига келиб интернетдаги сайтларнинг умумий сони 155 миллионга етган. Халқаро тармоқ нечоғли шиддат билан ривожланаётганлигини биргина 2007 йилда 50 миллиондан ортиқ янги сайт пайдо бўлганлигидан ҳам кўриш мумкин. Ундан аввалги 2006 йилда эса бу рақам 30 миллионгани ташкил этган эди.

Ҳозирги кунда жаҳонда содир бўлаётган жараёнлар бир-бирини истисно қилувчи ва шу билан бирга бир-бирини тақозо этувчи дифференциация (табақалашув) ва интеграция (ҳамкорлик қилиш) қонуниятларига бўйсунди. Бир томонда, давлатлар парчаланиб кетмоқда, ҳатто бир мамлакатдаги турли этнослар қарама-қаршилиги олий чўққисига кўтарилиб, қонли тўқнашувлар юз бермоқда. Иккинчи томонда эса, кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган иплар яқин ва узоқ мамлакатларни, бутун қитъаларни мислсиз куч билан бир тугунга боғламоқда. Сиёсий онгда ҳам худди шундай жараёнлар: бегоналашиш, бир-бирини тушунишни истамаслик ва кескин, борган сари кучайиб бораётган қизиқиш жараёни кечмоқда.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида ҳам бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки йўналиш, тенденция намоён бўлмоқда. Биринчидан, инсоният цивилизацияси тарихида эришилган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқачасига айтганда, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув жараёни кечмоқда. Иккинчидан, миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги беқарорлик, улар манфаатларидаги ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва нарқобизнес ахлоқсизлик сингари ҳодисаларида намоён бўлмоқда. Бирон-бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада, ҳар бир одам маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг

манфаатларига хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг доимий босими остида қолиб кетмоқда.

Бу жараённинг энг муҳим хусусиятларидан бири – турли мамлакатларни мафкуравий жиҳатдан забт этиш мақсади ғоят катта иқтисодий манфаатлар билан қўшилиб кетганидир. Мафкуравий глобаллашув савияси паст аудио ва видеокассеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузликни тарғиб қиладиган «санъат асарлари»нинг ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда.

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири хусусида Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Моҳандас Карамчанд (Маҳатма) Ганди шундай ёзганди: «Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам бекитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман». Бундан ташқари, деразани очганимизда хонага тоза ҳаво билан бирга ташқаридаги чанг-ғубор ҳам албатта кириб келади.

Ушбу жараёнда уйимиз, ҳаётимизни тоза ҳаво билан таъминлаб, айти пайтда «довуллар»дан сақлаш омили – миллий истиқлол ғояси ҳисобланади. Инсоният тарихи аслида ғоялар кураши тарихидир. Бугун турли ғоялар, мафкураларнинг инсон онги ва қалбини забт этиш мақсадидаги ўзаро кураши ҳар қачонгидан кўра шиддатли тус олмоқда. Бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда. Бу ҳар қандай давлат мустақиллиги учун улкан таҳдид, хавф-хатардир.

Ана шундай фожеаларнинг олдини олиш, уларни тинч йўл билан бартараф этишнинг ягона воситаси мафкуравий таҳдидлардан сақланиш ва ўз миллий ғоясига эга бўлишдир. Миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, улар қалбига инсонпарварлик, одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек эзгу ишларимизда мададкор бўлиши зарур. Президентимиз таъбири билан айтганда: «Бу ишни бамисоли ёш нихолга мевали дарахт куртагини пайванд қиладиган уста боғбондек нозиклик ва меҳр билан, оқилона йўл билан амалга ошириш лозим».

Миллий истиқлол ғояси мамлакатнинг олдида турган улуғ, бунёдкорлик ишлари ундан кўзланган асосий мақсад инсонларнинг эркин ва фаровон ҳаётга эришиши, озод ва обод Ватан қуриш йўлида ҳар бир киши учун ҳаракат йўналиши бўлишга қаратилган. Миллий ғоя ҳеч қачон кишиларнинг онги ва дунёқарашини бошқаришга, уларни яна аллақандай «қолипга», «ягона андозага» солишга қаратилган эмас. Эркин фикрни уйғотиш ва фикр эркинлигини кафолатлаб бериш, ўзгалар фикрини тинглаш, эшитиш ва ўз фикрини айтишга имконият яратади. Демак, миллий ғоямиз «ҳукмрон ғоя»га интилишдан мутлақо бегона бўлганлиги билан ҳам бошқа носоғлом ғоялардан фарқ қиладди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Президенти томонидан масаланинг ҳамма жиҳатини эътиборга олган ҳолда қўйидаги фикр баён этилган: «Биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасига биноан «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас». Чунки, ҳаёт доимо ўзгаришда, ривожланишда. Инсон тафаккури, унинг интилишлари, ўз олдига қўйган мақсадлари ҳам доим ўзгариб, такомиллашиб боради. Шу сабабли унга ҳар қандай ғоявий, мафкуравий тазйик ўтказишга уриниш акс таъсир кўрсатиши, нохуш оқибатларга олиб келиши табиий. Қолаверса, жамиятнинг ривожланиш жараёни ҳам ундаги етакчи тамойилларнинг вақти-вақти билан янгиланиб, ўзгача маъно, ўзгача таркиблар ҳосил қилиб туришини тақозо этади. Ундаги ижтимоий тоифаларнинг мавқеи ва аҳамияти ҳам турли даврларда турли вазиятда бўлади. Бу ҳолатни англаш учун тадбиркорлар тоифаси

Шўро даврида қандай қувғин қилингани, таҳқирланганини эслашнинг ўзи кифоя. Бугунги даврда эса айнан ушбу тоифага тараққиётининг етакчи кучи сифатида алоҳида эътибор берилмоқда. Шунга мувофиқ сиёсий кучлар нисбати ҳам муайян ўзгаришларга учраши мумкин. Шундай экан, ҳеч қайси мафкура, жумладан, ҳатто миллий мафкура ҳам ҳаётий эҳтиёжлардан узоқлашиб, қотиб қолган ақида ҳолига тушмаслиги учун давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак.

Шу сабабдан ҳам миллий ғоя тарғиботи ва маънавий- маърифий ишлар самарадорлигини оширишни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ҳамда уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Негаки, бизга қарши ғоявий курашдан кўзланган мақсад – инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, уларни ўз дунёқарашига бўйсундириб, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилишдан иборат.

Улуғ маърифатпарвар Фитрат XX аср ибтидосида «Нажот йўли» асари орқали бу хусусда шундай ёзганди: «... бу дунё умумий бир жадалгоҳ, кураш майдонидир. Бу майдонда ғолиб чиққан ҳар бир одам бошқаларни ўзига ҳаммол ва мардикор қилиб олади. Масалан, инсонлар ақлий қувватлари туфайли ҳайвонот дунёсидан ғолиб чиқиб, улардан фойдаланиб келадилар. Инчунун, бу кураш майдонида ғолиб чиққан бир қавм ёки миллат бошқа қавмларни ўзига тобеъ қилиб олиши табиий бир ҳолдир. Ҳеч бир куч у қавмни бу ҳақдан манъ этолмайди. Бу умумий жадалгоҳда эҳтиёжларини тезлик ва осонлик билан ҳал қилган миллат ғалабага муяссар бўлади. Бас, кураш майдонида ғолиб чиқишни истаган ҳар бир миллат эҳтиёжларини тезроқ қондириш мақсадида ҳаракат қилиб, бунга муваффақ ҳам бўладилар, яъни ақл ва илм соясида эҳтиёжларни қондириш сабаблари, усулларини мукаммаллаштириб, бунинг натижасида турмуш лавозимларини зудлик билан яхшилаб, ўз ғалабаларини таъминлайдилар. Мағлуб бўлишни истамаган жуда кўп халқлар эҳтиёжларни қондириш сабабларини ривожлантириб, бошқа миллатлардан орқада қолмасликка ҳаракат қиладилар».

Мозий шундан далолат берадики, ҳар қандай зўравон босқинчилар, юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш мақсадида энг аввало миллий маънавият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни ғоявий жиҳатдан заифлаштириб, куч-қудратимизга зарба беришга уринганлар. Президент Ислом Каримов ибораси билан айтганда, «Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир». Агар оддий қилиб айтадиган бўлсак, халқимизнинг «Ёғочнинг бўшини қурт ейди», деган мақолини ёдга олишнинг ўзи кифоя. Худди шу каби маънавияти қашшоқ, ўзининг мустақил дунёқарашига, фикрига эга бўлмаган одамга ҳар қандай бузғунчи, вайронкор ғоя ўз таъсирини ўтказа олади.

Бугунги даврда Ўзбекистон ягона жаҳон ахборот тизимининг фаол субъектига айланди. Унинг дунё билан алоқаси, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларида иштироки, давлатлараро муносабатлар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий алоқалари умумжаҳон ахборот тизими таркибида амалга оширилмоқда. Бу бевосита электрон почта, электрон ахборот алмашиш тизими орқали ҳам миллий, ҳам дунёвий муаммоларни ҳал этишда фаолият самарадорлигини оширишда, вақтни тежашда, молиявий харажатларнинг кескин камайишида, қолаверса, замонавий ахборот алмашув салоҳиятини намоён қилишда катта самара бермоқда.

Лекин, бу жараён ҳам бир қатор муаммолардан холи эмас. Бу, энг аввало, ахборот бозоридан фойдаланаётганда қандай маълумотларни қабул қилиш, қай биридан фойдаланиш масаласига дахлдор. Бозорнинг оддий ҳақиқати шундаки, ҳар ким талаб ва таклиф қонунига биноан топганини савдога чиқаради. Сифати, мазаси, ранги, таъми ёки фойдаси жиҳатидан танлаш эса харидорнинг ихтиёрида. Ана шу ҳаётий қонуният нуқтаи назаридан қараганимизда, жаҳон ахборот бозорида бизнинг манфаатларимизга зид бўлган, миллий анъаналаримиз, турмуш тарзимизни менсимайдиган ахборотлар ҳам хуруж қилиб, ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Бу ўз-ўзидан ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш муаммосини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Ахборот турли ижтимоий қатламларга ҳар хил таъсир қилиши баробарида уни истеъмоли қилиш амалиёти турли гуруҳларда кескин фарқ қилиши мумкин. Бу, энг аввало, ахборот манбалари миқдори ўртасидаги фарқда намоён бўлади. Масалан, айрим одамларда ахборот манбаи минимал (телевидение, радио), баъзиларда энг кенг (газета, журнал, китоб, янги коммуникациялар тизими) бўлиши мумкин. Мутахассислар фикрига кўра, ҳозирги давр жамиятида айнан ахборотни олиш, унга йўл топиш соҳасида кескин бўлиниш, табақалашув содир бўлмоқда.

Ёшлар ўзининг ҳаракатчанлиги, янгиликларга интилувчанлиги ҳамда бўш вақт ресурсига эгалиги туфайли юқори даражада комуникатив фаоллик кўрсатадилар. Бошқа гуруҳларда эса нисбатан пассивлик кузатилади. Уларга хос бундай бефарқлик, лоқайдлик, дунё беҳабарлик хусусиятлари салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бу биринчи гуруҳ учун тобора фаоллашаётган агрессив, тажовузкор сиёсий таъсирга берилиб кетиш хавфининг мавжудлигида, иккинчи гуруҳнинг эса, позитив мазмунга эга ахборотлардан ташқарида қолиши билан белгиланади.

Бугунги кунда ахборот алмашинуви инсоният тараққиётининг муҳим шартларидан бирига айланиб бўлди. «Кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгалик қилади», деган фикрнинг шаклланиши ҳам ахборотнинг энг таъсирчан қуролга айланганлиги омили билан бевосита боғлиқ. Бундай вазият ўз-ўзидан мавжуд ахборот дунёсидан ижтимоий тараққиётга хизмат қилувчи маълумотларни саралаб олиш борасидаги билимлар, қобилият ва малака – ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришни талаб этади.

Ахборот истеъмоли ижтимоий, аниқроғи, маънавий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ жараёндир. Ахборот истеъмоли хизматлар истеъмолининг ўзига хос шакли ҳисобланади. Одатда, ҳар қандай товар, хизматни истеъмоли қилишдан аввал унинг сифати, нархи, фойдаси, қулайлиги ва бошқа шу каби хусусиятларига этибор қаратилади. Бу жараёнда, истеъмоли қилинаётган хизматнинг талаб-таклиф хусусиятлари ҳам албатта инобатга олинади. Масалан, таклифи камайиб кетган хизматларнинг истеъмоли даражаси юқори бўлиб, уларга талаб кучаяди. Мазкур хусусиятлар ахборот истеъмоли жараёнига ҳам хосдир. Бироқ, маънавий неъмат бўлган ахборотни истеъмоли қилиш, турган гапки, ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Хусусан, ахборот конкрет шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият ва давлат томонидан истеъмоли қилиниши даражаларида жараёнлар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, бирор-бир шахс учун қизиқарли бўлган маълумот муайян ижтимоий қатлам ёки гуруҳ учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Шунингдек, ахборот макон ва замон хусусиятларига ҳам эга. Чунончи, Ғарб ўта оммабоп бўлган шов-шувли ахборотлар Шарқ халқлари томонидан кам истеъмоли қилиниши мумкин. Бундан ташқари, маълум бир тарихий даврда катта қизиқиш билан кутиб олинган сенсацион, теша тегмаган маълумотлар, вақт ўтиши билан одатий ҳолга ва узунқулоқ гапларга айланиб қолиши мумкин.

Ахборот ким томонидан истеъмоли қилинишидан қатъи назар, қабул қилиш, англаш, талқин этиш каби бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган босқичларда амалга ошади. Бундай шароитда ахборот истеъмоли инсоният маънавий маданиятининг таркибий қисмига айланиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ахборот истеъмоли маданияти глобаллашув жараёни тезлашган, Интернет тармоғи жадал ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда ўта муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирга давр кишиси талабини қондира олмайдиган маълумотлар бир зумда ўз қимматини йўқотади. Шу нуқтаи назардан қараганда бугунги кун ахборот истеъмоли аввалги даврдигидан кескин фарқ қилади.

Зарур, муҳим, керакли ахборотларга эга бўлишга интилиш – замон талаби. Аммо, шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият ва давлатнинг ўзи ҳақидаги маълумотларни тарқатиши ҳам муҳим аҳамиятга молик. Бу масаланинг икки асосий жиҳати мавжуд. Биринчидан, Интернет тармоғидан мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамятида тутган ўрнини мустаҳкамлашда кенгроқ фойдаланмоғимиз лозим. Чунки, жаҳонга ўзлигимизни намоён этиш учун нафақат реал дунёда, шу билан бирга, ахборот дунёси (виртуал олам)да ҳам жадал ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, «бу борада ишни тўғри ташкил этиш учун Интернет тизимидан самарали ва оқилона фойдаланиш, уни ўзимизнинг маълумотлар билан тўлдириш керак... бизнинг заиф томонимиз шундаки, Интернетда Ўзбекистон билан боғлиқ маълумотлар жуда кам. Нега деганда, бизда бу жараённинг техникаси ва технологияси талаб даражасида эмас. Миллий кадриятларимиз, тарих ва меросимиз, бугунги фан, санъат ва адабиётимизнинг энг яхши намуналарини Интернетга киритиш дастури ишлаб чиқилмаган».

Масаланинг иккинчи муҳим жиҳати шундаки, юртимиз ҳаётига доир айрим ноҳолис, тор доирадаги манфаатлардан келиб чиқиб тарқатилаётган маълумотларга жавобан ахборотларни, миллий ғоямизни глобал миқёсда тарғиб-ташвиқ этиш ташқи ахборот таҳдидлари, хуружларига қарши ўзига хос қалқон вазифасини бажаради. Бу эса, турли геосиёсий, геостратегик манфаатлар доирасидаги ахборот хуружлари таъсирини камайтириш ва миллий ахборот макони хавфсизлиги таъминланишининг муҳим шарт ҳисобланади.

Бунинг учун, кишиларда юксак даражадаги ахборот истеъмоли маданияти шакллантирилмоғи лозим. Фақат шундагина сохта маълумотларга кўр-кўрона эргашиш, тўғри ахборотларни эса нотўғри талқин этишнинг олдини олинади. Энг асосийси, ахборот истеъмоли маданиятига эга инсон, халқ, жамият ғаразли манфаатлар доирасидаги геоахборотлар таъсирига тушиб қолмайди. Ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш эса мураккаб жараён бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тизимли саъй-ҳаракатларни тақозо этади.

Ахборот истеъмоли маданияти ҳам маданиятнинг бошқа шакллари каби коммуникатив, регулятив (тартибга солиш), аксиологик (баҳолаш) сингари қатор функцияларни бажаради. Ахборот истеъмоли маданиятининг аксиологик функцияси алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, Интернет орқали жуда кўп ижобий, фойдали маълумотлар билан бирга, Шарқ маданиятига, хусусан, халқимиз ахлокига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлар узатилмоқда. Бу ҳолат ёшлар ғоявий тарбиясига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Агар ахборот истеъмоли маданияти шакллантирилган бўлса сурункали, узлуксиз ахборот ҳужумига бардош бера олиш қobiliяти пайдо бўлади. Шунингдек, «биз баъзан Ғарб маданияти тўхтовсиз кириб келаётгани ҳақида таассуф билан гапирамиз. Бу шундай кучли оқимки, унга қарши чиқиш жуда мушкул. Бунинг фақат битта йўли бор. У ҳам бўлса, Интернетга ўзимизга мос бўлган маълумотларни ўз вақтида киритишдан иборат» (И. А. Каримов).

Демак, биз тармоқдан иллат қидиш билан овора бўлмасдан, унинг имкониятларидан ота юртимиз шон-шухратини дунё миқёсида кенг ёйиш йўлида фойдаланишимиз мақсадга мувофиқроқ келади. Чунки, Интернет виртуал, аммо, объектив ҳодисадир. Унинг ҳаётимизга кириб келишини назорат қилиб бўлмайди. Бундай ҳолатда кишиларни Интернет тизимидан узоқроқ тутишга интилиш эмас, балки, ундан оқилона фойдаланишга ўргатиш, ахборот истеъмоли маданиятини юксалтиришга ҳаракат қилиш тўғрироқ бўлади. Агар кишиларда ахборот истеъмоли маданияти шаклланган бўлса, миллий кадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларни баҳолаш чоғида, албатта, ҳар бир шахснинг ўз қарашлари, кадриятлар тизими муҳим роль ўйнайди. Аксарият ҳолларда баҳоланаётган ҳодиса ўзга маданиятга тааллуқли бўлса, ўзимиз мансуб бўлган маданият руҳимиз, қалбимиз, онгимизга сингдирган кадриятлар тизими устувор бўлади. Маданиятнинг баҳолаш функцияси туфайли танланиш юз беради. Натижада, маданиятдаги барқарорлик, ҳар бир даврдаги айнийлик, ўзига хослик, шу билан бирга, давомийлик, ворисийлик таъминланади.

XXI аср ибтидосидаги аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, мустақил тараққиёт, янги жамият куриш йўлини тўсмоқчи бўлган кучлар, аввало, ҳали суяги қотмаган ёшлар қалби ва онги мўртлигидан фойдаланиб, уларнинг маънавиятини бузиб, миллий кадриятларга зид ғоялар билан чалғитиб, ўзларининг жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида курулға айлантиришга уринмоқдалар. Бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга, деганда Президент айнан шу жиҳатни назарда тутган.

Мафкуравий полигон деганда одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли ғояларнинг синови майдонини англамоғимиз даркор. Одатда, «полигон» деганда қурол-аслаҳа ва техникани синаш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ёки ҳарбий соҳада тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган махсус майдон тушунилади. Ҳарбий полигонлар синовдан ўтган қуролларни узлуксиз равишда ҳар куни, ҳар соат ва ҳар дақиқада инсоният бошига ёғдириб туриш имкони йўқ. Лекин, мафкура полигонларида тайёрланаётган, кўзга ташланавермайдиган, таъсири бирданига сезилмайдиган «ғоявий бомба»лар дунёни ўргимчак тўридек ўраб олган. Агар биз мозийга бир назар ташласак, ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида қўлланадиган жанг, уруш қуролларининг узлуксиз такомиллашиб борганлигини кўрамиз. Дастлаб камон, оддийгина тош ёки таёқдан иборат бўлган қурол-найзалардан тортиб автомат-у, пулемётларгача, палахмон, манжанақ, замбараклардан – ер юзининг ҳар қандай нуқтасига беҳато етиб борадиган қитъалараро баллистик ракеталаргача бўлган узоқ такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши лозим бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Милодий учинчи минг йиллик, янада аниқроғи ХХІ аср ибтидосида эса, ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини жисман маҳв этиш унчалик шарт бўлмай қолди. Чунки турли ғоявий, фикрий таъсирлар оқибатида онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари «маъқул» йўналишга ўзгартирилган маҳаллий аҳоли ёрдамида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин. Бу эса шу жой аҳолисининг онги ва қалби ёт ва бегона вайронкор, бузғунчи ғоялар синаб кўриладиган майдонга айланганини англатади.

Буюк аллома Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» асарида бузғунчи мафкуралар хусусида: «Ўзга, бегона ғоялар кириб келиб, халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналарини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин», дея огоҳликка чорлаган эди. Мафкуравий курашнинг кишиларни доимо огоҳ бўлишга чорловчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин. Аммо, ғоявий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб олиш ғоят мушкуллиги билан ажралиб туради.

Мана шундай бир вазиятда ҳар қандай одам, айниқса ёшлар ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмасалар, турли вайронкор ғоялар босимида, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош беришлари анча мушкул. Биз ҳатто дам олаётганимизда, кўча-кўйда сайр қилаётган пайтимизда, газета-журнал ўқиётганимизда, телекўрсатувлар томоша қилаётган ёки радио тинглаётган пайтимизда турли товарлар ва хизматлар рекламасига дуч келамиз. Биз бу жараёнда ўзимиз ёқтирган, хоҳлаган, истаган ахборот билан бир қаторда «қўшимча» тиқиштириладиган ахборотдан ҳам «баҳраманд» бўлишга мажбурмиз.

Дарҳақиқат, жаҳон афкор оммаси тобора ахборотлар гирдобига тушиб қолмоқда. Кўплаб шов-шувлар илмий манбалар билан қоришиб кетиб, фисқу фужур шаклидаги тафаккурни оғуловчи, турли қонини зиён миш-мишларга айланмоқда ва нафақат инсоннинг онги ва қалби, шу билан бирга саломатлигига ҳам таъсир ўтказмоқда.

Фобиянинг юзлаб турлари мавжуд. Бу дардга ўта оми, яъни ахборотни таҳлил этиб, ўзига зарур қисмини қабул этиш қобилиятидан мосуво кишилар кўпроқ мубтало бўладилар. Зиёли бўлса-да, ўта ишонувчан кишиларда ҳам бу дардга мойиллик сезиларди. Бу дарднинг кенг кўламда урчиб кетиши сабабларидан бири «ғаразғўй» ахборотларни бўяб кўрсатувчи матбуот воситалари, ҳаттоки, интернет тизимидаги айрим салбий жихатлар ҳам салмоқли ўрин тутаяди.

Сўнгги пайтлар оммавий ахборот воситалари қаерда, қайси давлатда қандай тузум ёки мафкура таъсирида бўлишидан қатъи назар, тарғиб этаётган кўпгина дастурларида сохта ғоялар, бизнинг ўзимиз учун кераксиз бўлган молларни сотиб олишга ундайдиган рекламалар, ўз инсоний қадр-қимматимизни ташқи кўринишимиз, кийинишимиз, миниб юрган машинамиз русумига қараб белгилашимиз кераклигини кўрсатадиган матнларга кўзимиз тушади.

Рекламанинг маданий савияси, ахлоқ талабларига мазмунан қанчалик мослиги, уни тарқатиш воситаларининг маъқул ёки номаъқуллиги нафақат юридик, шунингдек ахлоқий талабларга ҳам мослашиши шарт. Лекин, амалда ахлоқий ва эстетик талаблар ҳар доим ҳам ҳисобга олинавермайди. Бу борада ибо ва ҳаё жуда зарур. Айрим рекламаларга эса мутлақо қараб бўлмайди. Бирор товарни гўзал аёллар орқали реклама қилаётганлар амалда ёшларни бузуқликка, ҳаёсизликка, маънавийсизликка чорлаётгандек бўладилар. Айниқса, маккорона ўйланган аёл танасидан реклама материали сифатида фойдаланиш ахлоқсизлик тарғиботи даражасига кўтарилиб бормоқда.

Ғарбона «маданий маҳсулот»ларнинг истеъмолчиси рекламалар тўрига ўралиб қолиб, алданган оддий кишилар ва ёшлардир. Оммавий ахборот воситалари томонидан ташкил этилган, аниқ мақсадларни кўзлаган турли шов-шувлар кишиларни ҳар қандай гапларга ишонишга мажбурлайди. Матнларга айёрлик ва маккорлик билан сингдириб юборилган фикрлар, очиқ-ойдин таъқиқланган уятсиз ва бемаъни ибораларнинг барчаси бир мақсадга – инсон қалбини жумбушга келтириш, қийноққа солиш, ҳаётининг маъносидан, мазмунидан маҳрум этиш, уни хароб қилиб, ўлимга маҳкум этишга қаратилган бўлади. Шу боисдан ҳам бундан уч минг йил муқаддам «Авесто»да бундайлар хусусида шундай ёзилган: «Ул хирадсизлар (ақлсизлар) ўз тиллари билан жаҳл ва укубатни зиёда қиладилар, ишга яроқли, парваришгар одамларни йўлдан урадилар. Улар зиён етказувчилар, гуноҳкорлар бўлиб, эзгуликни истамайдилар. Улар дурванд (нопок)лар дини ҳисобланмиш девлар оламидадилар» (Гох, 49-Ясна, 4-банд).

Санъат қадимдан инсон ҳис-туйғулари орқали унинг хулқ-атвори ва ижтимоий ҳаётига таъсир этишнинг энг кенг тарқалган ва ёқимли воситаси бўлиб келмоқда. Ғарб дунёси «санъати» «пулини ким тўласа, мусиқани ҳам ўша таклиф этади» тамойилига асосланган ҳолда одамлар ҳис-туйғуларини ўзгартириб, ўзига мослаб олмоқда.

Кейинги даврда жаҳон миқёсидаги турли кинофестиваллар ва кўрикларда гомосексуализм, наркоманлар ҳаётини акс эттирувчи фильмларга юксак мукофотлар берилиши ҳам бунинг далилидир.

Ҳикоя қилишларича, бир куни Номус кийимини йўқотиб қўйибди. У Завқ, Айш, Сафо, Бойлик ва Куч-Қувватга мурожаат қилиб, йўқолган кийимини топиб беришларини сўрабди. Аммо, уларнинг бирортаси ҳам Номуснинг либосини қидириб топиша олмабди. Ниҳоят, Номуснинг йўқотилган кийимини Афсус-Надомат топиб берибди.

Албатта, бу ҳикоядан хулосани Шарқ олами вакиллари, айниқса, ўзбеклар чиқара оладилар. Ғарб оламининг аксарият вакиллари учун аллақачон Уят, Андиша, Номус деган тушунчалар ўз аҳамиятини йўқотган. Қолаверса, Ор, Номус, Андиша деган муқаддас тушунчаларнинг муқобили йўқ уларда.

Ғарб оламида ОИТС ва венерик касалликлар эпидемияси кундан-кунга кўпайиб, ёшлар ўртасида турли наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Бу эса улар ўрасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат бизга ҳам сабоқ бўлмоғи даркор. Яширинча ва шу билан бирга умуман очиқ ахборот уруши яқин даврларда янги йўқотишларга олиб келиши муқаррар.

Ғарб демократиясининг сеvimли шиорлари – инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги, фикрлар ранг-баранглиги бўлиб, аслида бу ғоялар кўпинча айрим сиёсий кучлар қўлида ўз таъсир доираларини кенгайтириш, ўзга мамлакатлар бошқарув механизми тизгинини қўлга олиш учун ниқоб воситаси бажаради.

Ғарб давлатлари мустамлакачилик бошқаруви асосида жаҳон халқларини талаш, эзиш бўйича бир неча асрлик тажрибага эга бўлиб, мустақилликка эришган давлатларни ичидан емиришнинг янги йўллари излаб топишга тинимсиз уринмоқдалар. Янги мустамлакачилик (неоколониализм) соҳасига катта куч ва маблағ сарфламоқдалар. Бу давлатларнинг айрим гуруҳлари ҳаттоки ўз халқига наркотик моддалар, турли касалликлар орқали ва руҳий таъсир ўтказишдан, бу орқали улкан маблағ топишдан ҳам жирканиб ўтирмайдилар. Натижада, айрим кишилар ўзларининг тор доирадаги худбинликка асосланган манфаатларидан келиб чиқиб, ҳаётни фақат айш-ишрат, кайфу сафо,

лаззатланиш, роҳатланишдан иборат деб билиб, ҳатто ўз келажаги бўлмиш фарзандларидан ҳам бош тортмоқдалар.

Албатта, Ғарб давлатларида ҳам теран фикрли, доно, маънавияти юксак, инсонпарвар кишилар кўп, аммо, улар ўз фикр-мулоҳазалари билан чиқишда анчагина мушкулликларга дуч келадилар. Барча оммавий ахборот воситалари фақат бойлик ва даромад келтирадиган бўлар-бўлмас нарсаларни бот-бот тарғиб-ташвиқ этадилар. Соғлом фикрли, ҳаётга реал ёндашиб ҳақиқатни айтувчиларга ёпиқ бўлган эшиклар эса корчалонлар манфаатларини ҳимоя қилувчилар учун доимо очик.

Ғарб ахлоқсизлигининг бир кўринишини телеэкранлар орқали зўравонлик ва фаҳшни бемалол намоиш этишда кўриш мумкин. Телевидение орқали намоиш этилаётган зўравонликларга тўла кўрсатувларнинг болаларга таъсири бўйича жуда кўп тадқиқотлар амалга оширилган. Тадқиқотларнинг барчасидан эса бир хил хулоса чиқарилган. Бунинг сабаби, биринчидан, телеэкранда кўп зўравонликларни кўрган болалар ҳаётдаги барча муамоларни зўрлик билан ҳал этса бўлади деган хулосага келишлари мумкин. Иккинчидан, сахнада зўравонликни кўп кўрган бола, киши ҳаётда зўравонликлардан анча ҳимоясиз бўлиб қолади. Учинчидан, бола экранда қанча кўп зўравонликни кўрса, зўравонликлар қурбони бўлиш эҳтимоли шунча ортади. Тўртинчидан, бола бундай шакл ва мазмундаги телекўрсатувларни доимий кўриб борса, унинг келажақда бошқаларга нисбатан тажовузкор бўлиб ўсиши, ҳаттоки, жиноят содир этиш эҳтимоли янада ортиши кузатилади.

Юқоридагиларнинг исботини Америка мактабларида ўқувчилар ўз синфдошлари, ҳатто ўқитувчиларини отиб ташлаш билан боғлиқ фактлар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Албатта, биз Ғарб эришган ютуқлари билан бошқаларга намуна бўлаётганлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Яъни, постиндустриал жамиятда турмуш даражасининг юқори кўрсаткичларига, болалар ўртасида ўлимнинг жуда пастлигига эришиши, умумий ўрта таълимнинг тўлиқ амалга оширилиши цивилизация учун катта натижалар ҳисобланади.

Постиндустриал жамиятнинг синоними «эркин жамият» деб аталади. Инсон ҳақиқатан ҳам ҳар томонлама эркиндир: у Худога ҳам, президентга ҳам, табиатга ҳам боғлиқ эмас. Барча томонидан қабул қилинган қадриятлар тизими ҳам мавжуд эмас.

Ғарбда илгариги даврларда жамиятни бошқаришни интеллектуал элита ўз зиммасига олган. Жамиятдан ҳамма рози бўлиб, халқ маълум даражада ўзини эркин ҳис этган. Жамияда элитанинг борлиги билинмаган ҳам. Кейинчалик элитанинг ўрнини фан, маданият ва сиёсат соҳасида ўзидан бошқани ўйламайдиган эгоистлар эгаллай бошлаган. Натижада жамият бошқаруви тизгини ўртамиёна кишилар қўлига ўтиб қолган.

Ортега фикрича, ижтимоий жамиятда интеллектуал ўртамиёнларнинг ҳукмронлиги ҳозирги замоннинг ўзига хос хусусиятидир. «Олимлар чуқур билимга эга бўлсалар-да, баъзан ҳамкасбларининг фаолиятини реал баҳолашга қодир бўлмай қоладилар. Аниқ фанларда бу мезонлар у ёки бу тарзда ўз объективлигини маълум даражада сақлаб қолган. Ижтимоий фанлар соҳасида кимлар кўпроқ бақира олса ва мафкура талабларига яхши хизмат кўрсатса, муайян соҳаларни ўшалар бошқармоқда».

АҚШлик давлат арбоби Патрик Бьюкенен «Ғарбнинг ҳалокати» китобида христианлик ва Ғарбий Европа анъаналари ҳалокати кундан-кунга чуқурлашиб бормоқда, деб ҳисоблайди. Европада материализм, гедонизм ва «ширин ҳаёт» шиорига асосланган янгича турмуш тарзи амал қилмоқда. Бугунги европаликлар аجدодлари каби яшашни хоҳламай қолдилар. Шу боис улар «бугун ҳаётда яхши еб-ичиш, хурсандчилик қилиш лозим, чунки эртага ўлишимиз мумкин» деган ҳаёт услубини маъқул кўрмоқдалар.

Ғарб мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий муносабатларда маънавиятни четга суриб қўйиб, фақат фойда кетидан қувиш оқибатида аҳолининг кенг қатламларида истеъмолчилик психологияси ривожланмоқда. Бунинг учун ҳатто «тажовузкор» реклама орқали одамлар онгига таъсир кўрсатилиб, улар дунёқараши қисман бошқарилмоқда. Ҳамма нарса, ҳатто одамларнинг ўзаро таниш-билишчилиги истеъмол товарига, маълум бир ҳолатларини чиқариш воситасига айланмоқда. Бу ҳолат, табиий

равишда, Ғарб жамияти маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Турли-туман реклама ахбороти одамларнинг фаол онгидан мумтоз адабиёт, санъат ва илм-фан берган билимларни онгнинг нофаол қатламига сиқиб чиқармоқда.

Француз социологи А. Моль фикрича «Бугун оддий ишчи ақлини «тўлдириш»да унинг метро афишасида ўқигани, радиодан эшитгани, кино ёки телевизорда кўргани, ишга боришда йўлда газетадан ўқиб олгани ёки ҳамкасблари ва қўни-қўшниларидан эшитгани кўпроқ роль ўйнайди: мактабдан эса фақат ярим унут бўлган тушунчалар тугуни қолади холос». Далил ва мулоҳазаларини жамлаган А. Моль «Маданият социодинамикаси» китобида шундай хулосага келган: «Бизнинг давримизда билимлар асосан таълим тизими орқали эмас, балки оммавий ахборот воситалари орқали шаклланади».

Ғарбда аксилмаданият деб аталмиш ҳодисанинг вужудга келишида реклама усуллари ва истеъмолчилик психологиясининг анчагина таъсири мавжуд. Аксилмаданият тушунчаси инсонга қарши турли зўравонликлар, фахш, қотиллик, қўрқув ва даҳшат, инсоннинг ҳайвоний ҳирслари, тубанлашувни тараннум этиш, жамиятдаги ахлоқий ва эстетик меъёрларни инкор қилишни англатади. Биз бу ўринда аксилмаданиятни баъзи ҳақиқий бадиий асар савиясида юксак ишланган ва эзгулик тушунчаларига зид бўлмаган триллерлар – даҳшатли, қўрқинчли фильмлар – билан чалкаштирмаслигимиз даркор. Аксилмаданиятни вужудга келтирган асосий сабаб реклама эмас, балки Ғарбдаги маънавият инқирозидир. Аммо аксилмаданият рекламанинг баъзи бир «ностандарт қилиқларидан», хусусан, истеъмолчининг эҳтиросини жунбушга келтириб, унга ҳар қандай усул билан, ҳатто мавжуд меъёрларни атайлаб инкор этиб бўлсада, тарғиб-ташвиқ этаётган ғояни (товарни, хизматни) эслатиб қолиш кабилардан намуна олган дейишимиз мумкин. Аксилмаданият маълум бир муаммолар туғдиришига қарамай, Ғарб ижтимоий ҳаётида унчалик кучли аҳамият касб этмаяпти.

Ундан фарқли равишда дунё миқёсида, жумладан бизда ҳам, оммавий маданиятнинг таъсири кучайиб бормоқда. Оммавий маданият Ғарб дунёсида XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. У Ғарбда «популяр» ёки қисқартирилган ҳолда «попкультура» (яъни оммавий маданият) деб аталади. Гарчи «маданият» деб аталса-да, асли туб маъноси, мақсад-муддаосига кўра у чинакам маънавият ва маданиятнинг кушандаси ҳисобланади.

Файласуф, сиёсатшунос, социологлар фикрича, ҳали фанда «ғайримаданият» деган илмий тушунча шаклланмаганлиги сабабли «попкультура» (оммавий маданият) иборасидан фойдаланишга тўғри келмоқда. Чунки, у аслида маънавиятсизлик, маданиятсизлик, ахлоқсизлик синонимидир. Оммавий маданият, энг аввало, юксак истеъдод ва ўлмас маънавий-ахлоқий ғоялар байроқдори бўлган мумтоз маданият, санъатга қарши тиш-тирноғи билан курашиб, уни инкор этиб келмоқда. Ғарб дунёси файласуф, социологлари фикрича, «Бизга «Тўққизинчи симфония» (Бетховен) керак эмас!» ёки «Мона Лиза»ни лойга қориштирамиз!» каби жаҳолатпарастликка асосланган хитоблар оммавий маданият тарафдорлари ва мухлисларининг дастурий қарашлари негизини ташкил этади.

Оммавий маданият намоёндалари қора, захарханда, беҳаё кулгини «исён ифодаси» деб биладилар. Ўз-ўзидан «Нимага қарши исён?» деган савол туғилади. Агар оммавий маданият дунё аҳлига тикиштираётган оммавий «санъат», «мусиқа», «адабиёт» натижаларига қараб хулоса қиладиган бўлсак, ўзига хос нигилизмга, инкорга дуч келамиз. Улар инсоният томонидан минглаб йиллар мобайнида яратилган барча қадриятларни исёнкорлик билан инкор этадилар: Юксак маданият, маънавият, ахлоқ, орзу-мақсадларни менсимайдилар... Улар учун эзгулик тушунчасининг ўзи мавжуд эмас. Жумладан, санъат – алоҳида истеъдодлар томонидан яратиладиган маънавий бойлик, мўъжиза эканлиги каби ижод, яратишнинг олий мезонлари оммавий маданият тарафдорларининг ғашини келтиради. Улар фикрича, ҳамма санъаткор бўлиши мумкин. Уларнинг ушбу фикрига маълум даражада қўшилса бўлади, чунки ҳаммада у ёки бу даражада иқтидор, истеъдод мавжуд. Лекин, шу иқтидор тарбияланмаса, авайлаб-асралмаса, ишлатилмаса у ўзини намоён эта олмайди. Оммавий маданият тарафдорларининг «ҳамма нарса санъат деб

аталиши мумкин», деган фикрига эга биз қўшила олмаймиз. «Поп-арт» – оммавий санъат деб аталмиш хатти-ҳаракатлар айнан юқоридаги ҳулоса асосида вужудга келган.

«Поп-арт»чилар инсонни эмас, аксинча, нарсалар ва буюмларни эъзозлайдилар; маънавий дунёни эмас, маиший истеъмолчилик ҳис-туйғуларини қадрлайдилар ва уларни жаҳон миқёсида кенг оммалаштиришга интиладилар. Уларнинг маънавий позицияси – маънавиятни ўлдириш ва «нарсаларга куллик»ни рағбатлантиришдир. Американинг таниқли адиби Р. Бредбери фикрича, оммавий маданият мактабидан ўтган авлод учун ҳаётнинг маъноси – автомобил, телевизор, музлатгичга эга бўлиш. Агар телевизор иккита бўлса, уларга шунча яхши.

Оммавий маданиятда «поп (оммавий) – мусиқа» алоҳида ўрин тутди. Унинг киёфасини, ўз навбатида, «Янги рок» – кучайтирилган ритмик тузилмалар, жазавали, шовқинли мусиқа белгилайди. Бу мусиқа тинглашга, дилдан, қалбдан ҳузурланишга эмас, балки тана ҳаракатига, талвасали рақсга йўналтирилган. «Поп-мусиқа» ижрочилиги кўнгилочар мусиқа ниқоби остида оммавий васвасали, талвасали, бадахлоқ рақслар, кўпинча охири жанжал, ур-йиқит, ваҳшийликларга бориб етадиган агрессив (тажовузор) дискотека шоуларини уюштириш билан ажралиб туради. «Поп-мусиқа» намояндалари ўз «оммавий»ликларини таъкидлаш, кўз-кўз қилиш учун сахнадаги хатти-ҳаракатлари ва кийимлари намойишида ҳам, одоб-ахлоқ, жамиятга ҳурмат туйғуларини рад этиб, асосан кўча, оломончилик қоидаларига амал қиладилар. Афсусланарли жиҳати шундаки, улар бундай ҳолатларни санъатдаги демократизмнинг, халқчиликнинг тантанаси, деб ҳисоблайдилар.

«Поп-мусиқа» вакиллари ижро этадиган қўшиқ матнлари эса, аввало, шеърининг оддий талабларига жавоб бермайди ёки улар кўпроқ кўчада қўлланадиган беҳаё, жаргон ибораларига, қадриятлар, эзгуликларни киноя, мазах қиладиган сўзларга асосланган.

Ғарбдаги айрим марказлар бўлса ахборот глобаллашуви даврида юқоридаги ҳолатларни «эркинлик шабадалари» сифатида дунё миқёсида ёйишга уринмоқдалар. Бу хусусда АҚШнинг таниқли сиёсатшуноси Збигнев Бжезинский шундай ёзади: «...Маданият соҳасида Америка жаҳон ёшлари орасида алоҳида жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу эса АҚШга жаҳоннинг ҳеч бир давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирини таъминлайди. Айниқса, Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жаҳон бозорини тўртдан уч қисмини эгаллайди. Унинг оммабоп мусикаси, америкаликларнинг қизиқишлари, овқатланишларидаги одатлари ва ҳатто, кийиминишларига бутун дунёда таклид қиладилар». Шу ўринда буюк маърифатпарвар, ватанпарвар Фитратнинг юқорида қайд этилган фикрини тарқорласак, зарар қилмаса керак: «Менинг назаримда таклидий ақлнинг зарари жаҳолат зараридан қолишмайди... Таклид касалига грифтор бўлганлар орқада қолиб, охири нобуд бўладилар».

Ғарб сиёсати ва мафкураси намоёндалари ўз мамлакатлари манфаатлари, сиёсати ва турмуш тарзини фақат китоблар, публицистик чиқишлар орқали тарғиб этиш билан чекланиб қолмаяптилар. Улар дунё халқларини ғарблантиришга уринишлар курали сифатида оммавий маданият воситаларидан, турли-туман ахборот тарқатиш (реклама, матбуот, кино, телевидение...) йўлларида зўр бериб фойдаланмоқдалар.

Албатта, халқимиз, жумладан таянчимиз бўлмиш ёш авлод томонидан Ғарб фан-техникаси, маданияти, адабиёти, санъатининг илғор жиҳатлари инкор қилинмайди. Бироқ, ғарбдаги тараққийпарвар, инсонпарвар зиёлиларнинг ўзлари «Ғарбнинг муаммоси» сифатида баҳолаётган оммавий маданиятнинг маънавий-ахлоқий тубанликларини ёшларимиз қанча тез англасалар, унинг емирувчи таъсиридан ўзларини муҳофаза қилган бўлардилар. Бундан уч минг йил муқаддам «Авесто»дан ўрин олган огоҳликка даъват бугунга ҳам дахлдор. «Бас, сизлардан ҳеч ким, шаҳар ва буткул сарзаминни вайрон этиб, харобага айлантиргувчи дурванд (гумроҳ, ёвуз, нопок)нинг сўз ва таълимотига қулоқ османг, балки унинг қаршисида жанговар ҳолатда туринг!» (Гоҳ, 31-Ясна, 18-банд). Оммавий маданиятнинг асосий сифат мезони – ҳаммага тушунарли ва кўнгилочар бўлишида, бош мақсади – бўлса кўпроқ даромад олишдан иборат. У ўзига хос жанрлар: шоу, триллер, боевик, шлягер, комикс вужудга келтирди. Уларнинг умумий моҳияти –

индивидуализм, жисмоний куч ва зўравонлик ҳамда сексни тарғиб этиш, айрим ҳолларда ғоявий йўналишларда чиқишлар қилишдан иборат. Оммавий маданият чегараси «юлдузлар»ни кашф этиш билан тугайди, бунда сунъий равишда ёзувчилар, рассомлар, мусиқачилар, актёрлар, спортчилар оммалаштирилади. Коммерция ва ғоябозлик мақсадида ўз-ўзидан пайдо бўлган талантлар «оқимга солиниб», улардан иқтисодий жиҳатдан фойдаланилади. Оммавий маданият ўзини намоён этишига кўра аксилмаданиятга айланиб қолмоқда. У кўнгилочар восита сифатида яшаб қолиш ҳуқуқига эга. Аммо, хавфли томони шундаки, у ўзгармас истеъмол ва дидларга ўзини мослаб асл бадиий маданиятни четга суриб чиқариши мумкин. Унда у шахс, инсонни юксалтирувчи руҳий олам ва маънавият ўрнига кўнгилхушлик ва зўравонликни таклиф этади. Ҳозирги даврда оммавий ахборот воситалари, аудио-видеотехника, интернетнинг тараққиёти оммавий маданиятнинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Узоққа бориб ўтирмай, қўшиқчилик санъатини мисол келтириш мумкин.

Оммавий маданият бир қаноти билан умумий профессионал савияси орқали мумтоз маданиятга яқинлаша, иккинчи қаноти билан кўпинча авом, оломон дидига мослашганлиги, саёзлиги ва диднинг пастлиги туфайли аксилмаданиятга яқинлашиб боради. Ҳозирги даврда оммавий маданият ҳодисалари кўп жиҳатлари билан товар ва хизматнинг ўзига хос турига айланмоқда. Ушбу маънода рекламанинг ўзи ҳам оммавий маданиятнинг бир туридир.

Ҳақиқий санъатгина қалбларни эзгулик ва муҳаббатга ошно этади, миллатни ижобий маънода жаҳонга танитади. Қолаверса, тарих саҳифаларига унинг номи билан боғлиқ сатрлар зарҳал ҳарфларда битилади. Шу сабабга кўра истиқлол йилларида Ўзбекистонда маънавият сарчашмаси – мусиқа санъатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғриси»ги фармойиши аждодлар мероси ва замонавий мусиқа, санъат соҳасидаги буюк ишлар дебочасидир.

Мазкур фармойишда, аввало, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг келажагига катта эътибор қаратилган. Айнан шу йўл орқалигина ўсиб келаётган ёш авлод маънавий олами, маданий савияси юксалтирилади, улар миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг сара намуналаридан баҳраманд бўладилар.

Буюк аллома Абу Наср Форобий фикрича, «Мусиқа илми шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган одамлар хулқини тартибга келтиради, мукаммалликга етмаган хулқни мукаммал қилади ва мувозанатда бўлган одамлар хулқининг мувозанатини сақлаб туради. Бу илм тананинг саломатлиги учун фойдалидир, чунки, тана касал бўлса, руҳ ҳам сўлади, тана тўсикка учраса, руҳ ҳам тўсикка учрайди». Форобийнинг ушбу фикри тарих, ҳаёт фалсафаси асосида туғилган. Хитой манбаларига кўра, VII–VIII асрларда Ўрта Осиёда мусиқа, ракс, қўшиқчилик, кизикчилик ва дорбозлик каби санъатнинг қатор соҳалари ғоят тараққий этган эди. Бу даврда санъат соҳасида Бухоро актёрлари, Самарқанд найчилари, Тошкент ўйинчи йигит ва раққосалари, Хўжанд сурнайчилари ва Куча бастакорлари шуҳрат топганлар.

Бухоро, Хоразм куйлари мақом ва вазнларнинг дилраболиги, рақсларининг босиқ ва ўйноқилиги ўша замонлардаёқ ҳар қандай томоша аҳлини сеҳрлаб қўярди. Айниқса, уд ва най садоси остида Тошкент ўйинчи йигитлари жуфт бўлиб ижро этган машҳур «Чоч ракси» ёки доира чертмасига имо билан елка учуриб тушиладиган «доира ракси» Хитой аёнларини мафтун этиб, уларни хайратга солган эди. Манбаларда қайд этилишича, биргина Бухоро шахрида уста хунарамандлар томонидан ўн турдаги чолғу асбоблари ясалган.

IX–XIII аср бошларида мусиқа санъати янада ривожланган. Байрамлар, тўйлар, халқ сайиллари ва бошқа маросимлар куй ва қўшиқсиз ўтмаган. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» китобида келтирилган маълумотларга қараганда, созандалар уд, танбур, қўбиз, рубоб, най, сурнай, карнай, қўшнайн ва қонун каби ғоят хилма-хил торли, зарбли ва пуфлаб чалинадиган чолғу асбобларидан кенг фойдаланганлар.

Бу даврда халқ куйлари асосида кейинчалик икки тилда гаплашадиган бир халқ – ўзбек ва тожикларнинг мумтоз куйи «Шашмаком» учун пойдевор бўлган «Рост», «Хусравоний», «Бода», «Ушшоқ», «Зарафқанд», «Буслик», «Сипоҳон», «Наво», «Тарона» каби янги-янги куйлар ижод этилган. Бу соз ва куйларнинг аксарияти ўзбек ва қардош халқларнинг маданий мероси, кадрияти сифатида ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда. Мусиқа санъати, шубҳасиз, поэзия ҳамда мусиқашунослик илми билан узвий боғланган ҳолда тараққий этган. Форобий, Абу Али ибн Сино каби улуг олимлар мусиқа ва мусиқашуносликка катта эътибор бериб, нодир асарлар яратганлар.

XIV–XV асрлар Ўрта Осиё халқлари мусиқа санъати тараққиётида ҳам янги ва маҳсулдор бир босқич бўлган. Бу даврда янги куй ва қўшиқлар, чолғу асбоблари ва мусиқа назариясига доир нодир асарлар яратилган. Жуда кўп маҳоратли созандаalar, бастакорлар ва ҳофизлар етишиб чиққан. Абдулқодир Найий, Қулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шохқули Ғижжакий, Қосим Раббоний ва бошқалар шулар жумласидандир. Омилкор мусиқачилар билан бир қаторда Улуғбек, Навоий, Жомий, Биноий каби мутафаккир ва шоирлар ҳам мусиқа санъати билан шуғулланиб, унинг ривожига катта ҳисса қўшганлар. Масалан, Улуғбек «Булужий», «Шодиёна», «Ахлоқий», «Табризий», «Усули равон» ва «Усули отлиғ», Алишер Навоий эса «Исфаконий» куйларини ижод қилганлар. Жомий ва Биноий бўлса мусиқа назариясига доир асар яратганлар.

Шу ўринда инсоннинг маънавий эҳтиёжи ҳисобланган мусиқа тинглашнинг ҳосияти хусусидаги аждодлардан мерос бир ривоятга эътибор қаратсак, масала янада равшанроқ ечилган бўларди:

Қадим замонда бир одил подшо ўтган экан. Унинг адолати туфайли бутун мамлакат обод, маъмурчилик бўлган экан. Лекин, Аллоҳ унга фарзанд ато этмаган экан. Қариб, умри поёнига яқинлашиб қолган сари «Ўрнимга кимни қолдирсам экан?» деб ўйлар, ўйлагани сари ташвиши ортар экан. У ёки бу ёшдаги йигитларни синовдан ҳам ўтказиб кўрибди, бари бир кўнгли тўлмабди. Оқил вазири унга шундай маслаҳат берибди: «Шаҳаншоҳ, йигитларни тўплаб мусиқабозлик ўтказайлик, ким кўп тингласа, ким тушуниб тингласа, ўшани валиаҳдликка танлайлик. Чунки, мусиқани кўп тинглаган инсоннинг қалби пок, руҳи тоза, меҳр-шафқатли бўлади».

Шаҳаншоҳ бу маслаҳатга кўнибди. Биринчи кун йигитларнинг ярми: «Э, бундан кўра чавандозлик яхши», дея чиқиб кетишибди. Эртасига яна ярми: «Бизга найзобозлик маъқул», дея даврани тарк этишибди. Охири қадди-қомати келишган, чиройли бир йигит қолиб: «Яна, яна чалинлар!» дермиш. «Сен нега мусиқа тинглашдан чарчамайсан?» деб сўрашса, «Мен мусиқа тинглаганимда Ҳақни эшитаман. Тўлқинлар мавжида имон-эътиқодимни кўраман», деб жавоб қайтарибди.

Йигитнинг жавоби шаҳаншоҳга маъқул бўлибди, уни бағрига босиб, «Валиаҳдим шу бўлади», дея фармону олий берибди...

XIX аср охири – XX аср бошларида ўзбек миллий қўшиқчилиги асосан тўрт йўналишда ривожланган: Хоразм йўли, Бухоро – Самарқанд йўли, Фарғона – Тошкент йўли, Сурхондарё – Қашқадарё йўллари ўзига хос хусусиятларга эга. Халқимиз орасидан ўзбек мусиқа ва қўшиқчилик санъатини Шарқ ва Европага танитган машҳур ҳофизлар етишиб чиққанлар. Улардан бири самарқандлик ҳофиз ҳожи Абдулазиз Абдурашулов Эрон, Афғонистон, Арабистон, Ироқ, Ҳиндистон ва Юнонистонда ўз ижрочилик санъати билан танилган эди. Машҳур Мулла Тўйчи ҳофизнинг шухрати ошиб, Рига «Трамафон» жамиятда унинг ашулаларини ёзиб олиш учун 1905 йилда Латвияга таклиф қилган. Унинг 30 га яқин халқ қўшиқлари ва мумтоз ашулалари ёзиб олинган. Тўйчи ҳофиз ижро этган «Бобо Равшан», «Ё ҳаётан наби», «Бевафо дунёсан», «Сувора», «Илғор», «Хисрав» каби қўшиқлар Европа ва Америка қитъалари мамлакатларида ҳайрат билан тингланган.

Хива хони Муҳаммад Раҳим Соний 1882 йилда имзо чеккан фармони олий қадимдан юртимизда мусиқа, қўшиқ, маком санъатига бугунгидек алоҳида аҳамият қаратилганлигидан далолат беради:

«Биз ким Хоразм мамлакатининг олий ҳоқони Муҳаммад Раҳимхон Соний куйидаги фармони олийга имзо чекдик.

Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин. Ушбу фармони олийга шак келтирган ва мақомларни камситган, ёинки уни бузиб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин!»

Кўпгина ривожланган мамлакатларда, жумладан, бизда ҳам болалар мусиқа тўгаракларига берилади. Бу шу боланинг мусиқаи бўлиб етишиши учун эмас, аксинча, мусиқани теран англаши учун қилинади. Чунки, мусиқага қалбан яқинлашган болада энг гўзал фазилатлар шаклланади, деб ҳисоблашади руҳшунослар. Қолаверса, «мусикатерапия» учун ҳам мумтоз куй-қўшиқлар танлаб олинади. Агар фарзандларимиз куй мазмунини англаб, қўшиқнинг сифатига қараб тинглашга одатланишса, бемаза, «бакирок» куй-қўшиқларни ихтиро этувчилар салгина бўлса-да ҳушёр тортган бўлардилар. Шу сабабдан ҳам миллий ва мумтоз жаҳон мусиқаси тарғибот-ташвиқоти орқали ёшлар қалби ва онгига анъанавий ва замонавий эзгулик ғоялари сингдирилади.

## ЭЪТИҚОД – МАЪНАВИЯТНИНГ ЎЗАК ТОМИРИ

Биз ҳар куни эшитаётган, кўраётган барча-барча нарсалар амалда истакларимизни, дидимизни ўзгартиришга, фикримизга таъсир қилишга йўналтирилган. Кўпчилик севиб томоша қиладиган сериаллардан тортиб, фарзандларига айтиб берадиган эртагига, боринги, ётиш олдидан ўқийдиган китоби, ҳатто киядиган либоси ҳам қандайдир мафкуравий юкка эга – уларда маълум бир ғоялар тарғиб-ташвиқ қилинади. Масалан, кўпчилик фикрича, «Муҳаббат қахваси» сериалида севги-муҳаббат тараннум этилади. Лекин, фильмни томоша қилган кишилар беихтиёр қахвани етиштиришдан тортиб, уни сотишгача бўлган жараённинг гувоҳи бўладилар. Ана энди ўзингиз ўйлаб кўринг: бу сериал ижодкорлари муҳаббатни тараннум этишни ният қилганларми ёки асосий мақсад қахвани зимдан тарғиб этиптиларми?

Бу ҳолат «Энг асосий нарсани кўз билан илғаб бўлмайди» деган фикрни яна бир қарра тасдиқлайди. Бундай кўзга кўринмас қудратли тарғибот кучлари бизни ҳамма ерда ва ҳар сонияда қуршаб туради. Бу кучларнинг мақсади эса – бизни нимагадир ишонтириш, нимагадир ундаш, қандайдир ғояга оғдириб олишдан иборат. Тадбиркор маҳсулотини реклама қилиб, сотиб олишга чақиради. Диний арбоблар эса ўз ақидаларига эътиқод қилишга даъват этадилар. Халқаро майдонда бўлса баъзи давлатлар ўзининг «катта оға» эканини таъкидлаб, «демократия экспорти» орқали «ука»нинг уйига суқилиб киришга уринадилар. Лекин, масаланинг иккинчи томони ҳам мавжуд. Агар ўша молини мақтаётган тадбиркор аслида гиёҳванд моддалар сотаётган бўлса-чи? Унинг зарари, қулфати хусусида одамларни қим оғоҳлантиради? Агар ўша диндор, дин четда қолиб, давлат тузумини ағдаришга чорлаётган бўлса-чи? Бундай бузғунчиликлардан элни қим қайтаради? Ёки жаҳонда «ахборот уруши»га асосланган ҳолда фаолият юритаётган «катта оға»лар етовида эмас, мустақил қадам ташлаш лозимлигини қим тушунтиради? Бу қаб тарғибот ёхуд аксилтарғиботни қим ташкил қилиши даркор?

Ҳар қандай давлат қудратли тарғибот тизимига эга бўлишга интилади. Масалан, ўз фаолияти тарғиботига АҚШ ҳукумати йилига 2,5 миллиард доллар сарфлаши бежиз эмас. Франция ҳам ўз сиёсатини аҳолига тушунтириш ишларига 100 миллион евродан ортиқроқ маблағ ажратади. Бу маълумотлар тарғибот нафақат динда, бизнесда, шу билан бирга сиёсатда ҳам, маънавий-маърифий ишларда ҳам муҳим аҳамият қасб этишидан далолат беради.

Тарғибот-ташвиқот ҳам аслида аҳоли таълим-тарбиясининг бир кўринишидир. «Тарғибот» атамасининг ўзагини «рағбат» сўзи ташкил этгани боис, у инсонни бирор ҳаракатга рағбатлантиришни назарда тутди. «Ташвиқот» тушунчасининг ўзаги эса «шавқ» сўзидан олинган бўлиб, у кишида бирор нарсага шавқ уйғотишга йўналтирилган. Демак, тарғибот-ташвиқотдан кўзланган асосий мақсад – билим орттириш эмас, балки кишини бирор ҳаракатга ундашдан иборат. Масалага ана шу жиҳатдан ёндашадиган

бўлсак, ғоялар ҳақида маълумот бериш билангина чекланмасдан, миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларини амалий ҳаракатга айлантирмоғимиз лозим.

Одатда маъно-мазмуни англалмаган сўз, фикр, ғоянинг таъсири ҳам, кадри ҳам бўлмайди. Ҳар қандай эзгу тилак, даъватларимиз замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлмоғи даркор. Чунки, ғоя эътиқодга айланган тақдирдагина у улкан моддий куч ва қудратга эга бўлади. Шахс одатда ўзининг эътиқодига айланган ғоянигина рўёбга чиқаришга ҳаракат қилади. Миллий истиқлол ғоясини яхши тушуниб олган ўқувчи ёки талаба имтиҳонда «аъло» ёхуд «яхши» баҳо олиши мумкин, лекин унда бу ғояга эътиқод шаклланмаган бўлса, у олган билимини тезда унутади. Эътиқод инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирода воситасида англаган билимлар, ғоя ва тасаввурлар ифодаси бўлган тушунча. Эътиқод инсоннинг вояга етиши жараёнида шаклланади. Билимларнинг ўзлаштирилиши ва тўпланиб бориши ўз-ўзидан кишининг ижодий, аниқ мақсадни кўзловчи фаолиятига олиб келавермайди. Инсон бирор ишни бошлашдан аввал аниқ мақсадни белгилаб олади. Бу эса эҳтиёжлар, манфаатлар ва тажриба билан боғлиқ ҳолда кечиб, ўзлаштирилган билимларнинг амалда қўлланиши имкониятлари ҳам баҳоланади. Шу тарзда инсоннинг тўпланган билимлари, эҳтиёжи ва манфаатлари, ҳаётий тажрибаси асосида ҳаракат қилиш заруриятини англаши жараёнида муайян эътиқод шаклланади. У инсон фаолиятининг изчил, мазмунли, мантикий, мақсадли бўлишига олиб келади.

Инсон маънавиятининг шаклланиши давомида барча билимлар ҳам тўлиқ қабул қилинавермайди, ўзлаштирилавермайди, балки ҳар бир шахс ўзига хос қарашлар, ғоялар, ҳис-туйғуларга эга бўлади. У янги билимларни қайта баҳолайди, уларни танқидий ўзлаштиради ва англайди.

Маънавият жамиятда қарор топган етакчи ғояларга ҳамда кишиларнинг дунёқарашига, эътиқодига боғлиқ. Маънавият онгдаги тасодикий, иккинчи даражали, вақтинчалик ҳолат бўлиши мумкин эмас. У собит эътиқодга айланган, қадрият даражасига кўтарилган бўлиб, жамиятдаги муносабатларни ва инсон хатти-ҳаракатини белгилашда асосий ўрин тутати.

Дунёни англаш жиҳатидан эътиқод онгнинг зарур элементи ҳамда инсон фаолиятининг муҳим ҳолати ҳамдир. Ҳаёт ҳодисаларига иккиланиб муносабатда бўлиш, журъатсизлик, эътиборсизлик ва бефарқлик киши эътиқодининг бўшлиғи ва ҳатто эътиқодсизлигидан далолат беради. Бундай кишилар кўпинча бошқаларга эргашиб ёки тақлид қилиб яшайдилар. Уларда аниқ қадрият мезонлари ва мақсад бўлмайди. Бундай кишилар мавжуд шароитдан келиб чиқиб гоҳ у, гоҳ бу томонга оғиб кетадилар. Улар фаолиятида мантиқ ва изчиллик етишмайди, эътиқодий бўшлиқ иллати, табиий равишда, жамият тараққиётига тўсиқ бўлади. Шу сабабдан ҳам, ёшларда ижтимоий қадриятларга, буюк келажакка, тараққиётга бўлган ишончни, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга бўлган эътиқодни шакллантириш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бош ғоямизнинг биринчи тушунчаси – «озодлик» асосий ғоялар – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон ғояси билан бевосита боғлиқ. Худди шунингдек, бош ғоя таркибидаги иккинчи тушунча – «ободлик» ҳам улар билан муштарак. Умуман, бош ғоя ва асосий ғоялар яхлит тизимга айланиб, ягона тасаввур, ягона дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилади. Чунки, озодлик бўлмаса, ободлик йўқ, эркинлик йўқ, тараққиёт йўқ, тинчлик йўқ, ҳамкорлик йўқ, фаровонлик, миллатлараро тотувликни, бағрикенгликни ҳам тасаввур қилиб бўлмайди.

Миллий мафкура миллий эътиқодни шакллантиради. Миллий эътиқод бўлса миллий менталитетни мустаҳкамлайди. Чунки, ана шу менталитетнинг ўзи ҳар қандай тажовузларга нисбатан иммунитет вазифасини ўтайди. Яъни, у ёт, вайронкор, зарарли анъана ва мафкураларни ҳам қабул қилмайди. У фақат соғлом, бунёдкорлик қудрати билан замонлар синовидан ўтган умумбашарий қадриятларга интилади ва уларни ўз фалсафаси билан уйғунлаштириб бойийди, ривожланади.

Ҳозирги даврда огоҳлик – эътиқоднинг энг муҳим қирраларидан бири ҳисобланади. Огоҳлик эса, энг аввало, нимадан, кимдан огоҳ бўлиш кераклигини билиш билан

чамбарчас боғлиқ. Демак, болага унинг ёшлигиданоқ керакли билимларни бериб бориш орқали, тафаккур тарбияси воситасида унинг дунёқараши шакллантирилади. Лекин, боланинг унга берилаётган билимларни қанчалик тез қабул қилиши ва ўзлаштириши унинг қалбида шаклланиб келаётган эътиқодига боғлиқ. Чунки, у ўзи эътиқод қўйган нарсаларни тез ва соз ўзлаштиради. Демак, болага бериладиган билимлар унинг қалбида уйғониб келаётган туйғуларга мос бўлиши лозим.

Одатда, ўзининг ўйинчоғи, қўғирчоғига меҳр қўйган болалар улар хусусидаги барча билимларни билишга қизиқадиладар. Ҳатто ўйинчоқ моҳиятини англаш мақсадида уни синдириб, бўлақларга бўлиб ҳам кўрадиладар. Ёки гўдақлар дастлаб ҳамма нарсани тишлаб, ёб, ялаб кўриб уни билмоқчи бўладиладар. Чунки, уларда кўриш, эшитиш сезгиларидан кўра таъм билиш сезгиси кучлироқ бўлади. Қоғоз, қошиқ ёки қаламни оғзига солиб, уни билмоқчи бўлган гўдақларга катталар бундай қилиш мумкин эмаслигини турли ишоралар воситасида англаштиришга уринадиладар. Натижада, болада ейиладиган, ичиладиган, ёб бўлмайдиган нарсалар ҳақидаги тушунча шаклланади. Улар яхши ва ёмонни, аччиқ ва ширинни, қаттиқ ва юмшокни бир-биридан фарқлаш орқали атрофдаги оламни англай бошлайдиладар. Англаш ва ҳис-туйғулар воситасида эса эътиқод ҳам шакллантириб борилади.

Агар эътиқод экстремистик, ирқий, шовинистик, тор сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан чекланган бўлса, бундай ҳолда у бузғунчиликка, беқарорликка хизмат қилиши ва тараққиётга тўсиқ бўлиши муқаррар. Тараққиётга, ҳурликка етакловчи ишонч ва эътиқод билан бузғунчи, тўғри йўлдан адаштирувчи, ёлғон «эътиқод»ни бир-биридан фарқлай олмоғимиз лозим. Эътиқоднинг мазмунини билим, илм ташкил этади. Чунки киши нимага эътиқод қилаётганини – нимага ишонаётганлигини, нимага интилаётганлигини, ўз хулқ-атвори, ижодини нимага мослаштиришини билиши лозим. Бу илм диний ёки дунёвий ёхуд уларнинг маълум даражасидасидаги қоришуви бўладими, ундан қатъи назар, эътиқоднинг кенг маънодаги ҳаётий мазмунини ташкил этади. Илмсиз эътиқод йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Эътиқоднинг илғорлиги ёки қолоқлиги, инсонпарварлиги ёки худбинлиги ва бошқа кўплаб хусусиятлари унинг мазмунини ташкил этувчи илмга боғлиқ. Аммо, ҳар қандай илм, айниқса кундалик билимлар эътиқод бўлавермайди. Нафақат кундалик билимларда, ҳаттоки илм-фанда ҳам кўплаб турли ахборот даражасидаги ҳамда асосий тамойилларни шакллантиришга хизмат қилувчи баъзи бир тушунчалар эътиқоднинг бевосита таркибий қисмига кирмайди. Шунингдек, амалиётда тасдиғини топмаган, фараз сифатида илгари сурилган илмий тушунчалар ва назариялар, табиийки, эътиқодга айланмайди. Иккиланиш ва шубҳа билан қаралган илм эътиқод эмас. Аввалги даврларда кишилар қаттиқ ишонган тушунчалар, ғояларга нисбатан жамият ва илм-фан тараққиёти натижасида шубҳа туғилса, улар эътиқод мақомини йўқотади. Эътиқод шаклланиши учун фақат билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Эътиқод хусусан, ғоявий эътиқод билим ва ҳис-туйғулар ҳосиласидир. Бошқачасига ифодаладиган бўлсак, ғоявий эътиқоднинг отаси – билим, онаси эса ҳис-туйғулар ҳисобланади. Улардан бири бўлмаса, ғоявий эътиқод ҳам бўлмайди. Шу хусусияти билан ғоявий эътиқод эътиқоднинг бошқа турларидан, масалан, диний эътиқоддан фарқ қилади. Диний эътиқод шаклланиши учун дин арконлари тўғрисида чуқур билим бўлиши унчалик шарт эмас. Диндорларнинг кўпчилиги ана шундай чуқур диний билимга эга эмаслар, лекин, уларнинг талай қисмидаги эътиқод билимдон уламолар эътиқодидан кучли бўлиши ҳам мумкин. Бунинг сабаби шундаки, диний эътиқод билимни инкор этмайди, аммо, унда эҳтирос, ҳис-туйғулар устуворлик қилади. Дин бўйича жуда кўп билимга эга одамнинг эътиқоди суст ва аксинча, оз билимли шахс кучлироқ эътиқодга эга бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам, энг аввало, илм маърифат билан бирлашмоғи даркор. Фақат шундагина эътиқод мустаҳкамланади.

Илмига амал қилмаган мулладан бешак,

Афзалдир устига китоб ортилган эшак,

деганда шайх Саъдий билимдон, лекин эътиқодсиз мулла, домлаларни назарда тутганди. Аҳмад Яссавий фикрича «Агар одамда ишонч бўлмаса, одамда дин бўлмаса, умуман,

мафкура, бўлмаса, у ҳайвонга ўхшаган бир жинсга айланиб қолади». Ижодкорлик ва фаоллик ишончнинг ихлос ва ишқ билан бойитилишини тақозо этади.

Одатда, ихлос бирор ғояга, назарияга ёхуд санъат асарига, умуман қадриятга, унинг муаллифларига ёки тарғиботчисига кўнгил қўйишдир. Салбий нарсага «кўнгил қўйиш», ҳатто ижобий нарсага мавжуд ахлоқийлик чегарасидан чиқиб, меъридан ортиқ интилиш асло ихлос эмас, у хирс ва нафс дейилади. Аммо, ихлос шунчаки кўнгил қўйиш эмас, кўнгил қўядиган объектни билиш, эмоционал баҳолаш ва унга интилиш ҳамдир. Ихлос ижобий руҳий баҳо, самимий интилиш асосида вужудга келади. Бировнинг тазйиқи асосида кишида ихлос шаклланмайди. У шахснинг ўз хоҳиши, эркин танлаши орқали қарор топади.

Ихлос бутун эътиқодга, маънавиятга ижобий маънодаги ахлоқий ҳис-ҳаяжон, самимийлик ва ижтимоий мўлжал, яъни мақсад бахш этади. Ихлос орқали эътиқод миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижодкор зиёлилар, мутафаккирлар асарлари, ибратли ҳаёти ҳамда тарихий воқеалар билан боғланади, конкретлашади, ҳаётийлашади. Ихлос туфайли эътиқод ақлий ҳодисадан кўнгил ҳодисасига ҳам айланади. Ихлос инсоннинг ўз мақсадига эришиш, ақлан ва ахлоқий такомиллашув, ижод қилиш, яратувчанлик фаолияти билан шуғулланиш йўлидаги жуда катта ҳиссий рағбат ҳисобланади. Ихлос эътиқоднинг илм ва ишонч каби узвий таркибий қисмидир. У ишончга нисбатан бир оз торроқ, аммо, ундан анча теранроқ, эътиқод моҳиятига яқинроқдир.

Ихлос қотиб қолган тушунча эмас. Балки у ҳам илм ва ишонч каби ўзгаради, ривожланади. Баъзан инсон ихлос қўйган нарсасидан илми кенгайиши, чуқурлашиши натижасида ёки бошқа сабабларга кўра кўнгли совийди. Баъзан эса, аксинча, инсоннинг ихлоси янада ортади, кучаяди. У ихлос қўйган нарсасидан ахлоқий таянч топибгина қолмасдан, шунингдек, гўзаллик ва ақлий завқ-шавқ туяди. Ҳис-ҳаяжонни эҳтиросга айлантиради. Бу ихлоснинг ишққа айланишидир.

Идеал ҳам эътиқод унсурларидан бири ҳисобланади. Идеалсиз эътиқод, бинобарин, маънавият ҳам бўлиши мумкин эмас. Албатта, идеални мутлақлаштирмаслигимиз лозим. Акс ҳолда у мавҳум ва ҳаёлий ҳодисага айланиб қолади.

Ҳар бир инсон дунёқарашида эътиқоднинг барча элементлари бирдек ривожланмаслиги ҳам мумкин. Ихлос, ишқ ва идеал элементлари яхши ривожланмаган эътиқод негизида шаклланган маънавият, табиийки, кучсиз, заиф бўлади. Унда инсонпарварликка, эзгуликка интилиш яхши ривожлана олмайди. У инсон дардлари, орзу-ҳавасларига бепарво бўлади, худбинлик, золимлик, ёвузликка етарлича қаршилик кўрсатмайди.

Инсон ўз ғоялари, ижтимоий идеалларига содиқ бўлмаса, қийинчиликлардан чўчиб, улардан воз кечса, биз уларни эътиқодга айланган ғоялар, идеаллар, эътиқодга айланган илм дея олмаймиз. Демак, эътиқоднинг муҳим хусусиятларидан, мазмунини ташкил этувчи моҳиятларидан яна бири содиқлик ҳисобланади. Инсон ўз ишончи, ихлоси, ишқи ва идеали учун, зарур бўлса, заҳмат чекиши, қийинчиликларга бардош бериши лозим. Турли хил таъсирлар оқибатида киши бир зумда воз кечадиган ғоялар, қарашлар эътиқод бўлолмайди. Содиқлик маиший турмушда турли шаклларда, масалан, вафодорлик кўринишида намоён бўлиши мумкин. Эътиқодсиз киши ҳеч қачон вафодор ва иродали бўла олмайди, аксинча, маълум бир шароитда хиёнатга мойиллик кўрсатади.

Эътиқод таркибига кирувчи элементлар қанчалик ўзаро уйғун ривожланса, эътиқод шунчалик бой, теран ва мустаҳкам бўлади. Масалан, ватанпарварлик шахснинг эътиқоди даражасига кўтарилиши учун, энг аввало, шахс ўз ота юрти, миллати, тарихи ва маданияти тўғрисида маълум даражада билимга эга бўлмоғи даркор. Аммо билимнинг ўзи, ҳатто чуқур ва кенг билим ҳам камлик қилади. Чунки, ватанга хиёнат йўлига кириб қолган айрим кимсалар юрт тарихи хусусида етарли билимга эга бўлган кимсалар эди.

Ҳақиқий ватанпарварлик учун шахс ўз она тили, урф-одатлари, маданий мероси, халқи, юрт бугуни ва келажигига ишонч билан қараши, уларга ихлос қўйиши, севиши лозим. Ўзининг худбин манфаатларини эл-юрт, Ватан манфаатларидан кўпроқ севадиган кимса ватанпарвар эмас. Ёки ҳар қандай шароитда ҳам Ватан манфаатларига содиқ

қолишга, қийинчиликлардан кўрқиб, фидойилик кўрсатишга иродаси ва садоқати етмайдиган шахс, у қанчалик теран билимга эга бўлмасин, Ватанни севиш ҳақида қанча сафсата сотмасин, ватанпарвар ҳисобланмайди.

Айни пайтда Ватанга муҳаббат кўр-кўрона бўлса, кутилган самарани бермайди. Ватан ишқи шахснинг танқидий мулоҳаза юритишини, камчилик, муаммоларни кўриб, уларни бартараф этишга, эл-юрт қадриятларини такомиллаштиришга интилишини тўсиб қўймаслиги керак. Миллат зиёлилари, ёшлари эл-юрт аҳволини юксак идеаллар билан таққослаб идрок этсаларгина, унинг келажагини уларга мослаб яратишга ҳаракат қилсаларгина, ватанпарварлик самара берадиган эътиқод даражасига кўтарилади. «Авесто»нинг Виспирад қисми (16-бўлим, 3-банд)да «Бу ватанга мансуб бўлган ҳар нени – сувлар, замин, гиёҳларни олқишлаймиз», дейилади. Демак, ватанпарварлик табиатни асраш масаласини ҳам ўз ичига олади.

Эътиқод – маънавиятнинг ўзак томири. Эътиқодсиз кишида маънавият бўлмайди, ташқи маданий кўриниш, ҳатто анча-мунча билим ҳам бўлиши мумкин, аммо мағзида маънавият бўлмайди. Кишида умуртқа поғонаси шикастланган бўлса, ундай одам гавдасини тик тутиб тура олмайди. Маънавий олам учун эътиқод ҳам шундай бир нарсадир. Ишонч ва эътиқоднинг мустаҳкамлиги кишиларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлари, маданий мероси, урф-одатлари, анъаналари, тили, тарихини ҳурмат қилиши, унга эътиқоди ва садоқати орқали намоён бўлади. Шундагина у миллатни глобаллашув жараёни билан боғлиқ айрим таҳдидлардан асрай олади. Салоҳиятга эга инсондагина табиий ғурур пайдо бўлади ва у, мен кимнинг авлодиман, қандай катта куч ва имкониятга эгаман, деган ифтихор туйғуси билан яшайди. Шу билан бирга, ғурурли инсон интеллектуал бойликка эга бўлиши ҳам керак. Одам қанча чуқур билимга эга бўлса, дунёни, оқ-қорани яхши билса, ён-атрофда бўлаётган воқеаларни фалсафий жиҳатдан тўғри англай олса, шундан кейингина унда ғурур-ифтихор шаклланади. Шундагина, жуда мураккаб, таҳликали дамларда кўпчилик унга мурожаат қилиб, маслаҳатлашади.

Одатда маслаҳат кўпни кўрган, оқ-қорани таниган салоҳиятли, катта фалсафий билим ва интеллектуал бойликка эга бўлган кишидан сўралади. Биз ХХI аср ибтидосида ҳам элни ақл, заковат, тафаккурга чорлаб, огоҳликка даъват этаётган Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби буюк алломалар, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд сингари азиз-авлиёлар билан ғурурланишимиз керак. Улар қолдирган буюк меросга биз, уларнинг авлоди бўлиб, нима улуш қўшамиз, бу бойликни кўпайтиришда бизнинг ҳиссамиз қандай бўлади, деган саволни ҳар бир инсон ўзига бериб яшамоғи даркор. Фақат шундагина аждодларга муносиб бўлиб, уларнинг ишини давом эттириш учун белни маҳкам боғлаб, интиламиз, таҳдидларни, мафкуравий хуружларни бартараф этишга куч-қувват топа оламиз.

Сиёсат, иқтисод, маънавият тушунчаларига иқтисодчининг ўз қараши, сиёсатшуноснинг яна мустақил таърифлари бор. Аммо, инсон ва жамият ҳаётини уч йўналиш ёки уч соҳага ажратиб ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Сиёсат жамиятда одамларни уюштириш, улар ҳаётини муайян бир тартибга келтириш воситасидир. Турли сиёсий уюшмалар, жумладан, давлат ушбу вазифага масъул бўладилар. Иқтисод эса инсоннинг моддий мавжудлигини таъминлаш воситаси бўлиб, у ишлаб чиқариш, фойдали яратувчилик меҳнатига алоқадор.

Маънавият бўлса инсоннинг руҳияти билан боғлиқ. Инсон руҳияти, албатта, ташқи таъсирлар натижасида ўзгариб туради. Инсоннинг иқтисодий аҳволи, жамиятда тутган ўрни ва мавқеи унинг маънавиятига таъсир қилмай қолмайди. Аммо, барибир, маънавият ўз мустақил йўналишига эга. Масалан, одам қанчалик бой, ўзига тўқ бўлса, шунчалик унинг маънавий камолоти юқори ёки, аксинча, паст бўлади, десак, ҳар икки хулоса, ҳукмда ҳам янглишиб қоламиз. Алишер Навоий, Хожа Аҳрор Валий, Махдуми Аъзам каби алломалар ҳам маънавий баркамол, ҳам ниҳоятда бадавлат бўлганлар. Шу билан бирга, дунё молидан юз ўгирган, умрини зоҳидликда ўтказган буюк алломалар ҳам кам эмас. Аксинча, ҳаддан зиёд мол-давлат эгаси бўлган ҳолда маънавий камолотдан узоқ кимсалар

ёки на дунё молини, на маънавий камолотни қўлга кирита олган бечоралар ҳам ҳаётда учраб туришини ҳамма билади.

Сиёсат ва иқтисоднинг манбаси ҳам, мақсади ҳам ушбу ўзимиз яшаб турган дунёдан ташқарида эмас. Инсон зоти бу синов дунёсига кириб келар экан, унинг танаси моддий-иқтисодий эҳтиёжни туғдиради, ҳар бир тирик зот туғилгандан кейин кун кечириш ташвишига тушади. Сиёсат жамиятга оид тушунча, инсонлар жамиятда шаклланган экан, унда турли шахслар, тоифалар манфаатларини қайсидир бир усулда мувофиқлаштириб туриш эҳтиёжи мавжуд. Ушбу эҳтиёж ўз навбатида сиёсатни шакллантиради.

Маънавият эса ўз манбасига кўра ҳам, мақсадига биноан ҳам бу фоний дунёдан ташқарига – бақога йўналган, Маънавият асли бақонинг фанода зухур этишидир. Маънавият инсон учун моддий эҳтиёж ҳам, сиёсий зарурат ҳам эмас.

Маънавият инсоннинг ўз моҳияти олдидаги масъуллигидир. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Инсон моҳияти моддий ва маънавиятнинг туташувидадир. Ҳар бир шахс, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ёки тоифа, ҳар бир элат, миллат ва минтақа халқлари ўз табиати билан яратилган, минглаб йиллар мобайнида менталитети шаклланган. Демак, ҳар бирининг ўзига хос маънавий олами мавжуд. Ушбу маънавий оламлар доимо бир хилда сақланмайди, замон ва маконда ўзгариб, гоҳ камолот сари юксалиб, гоҳ қашшоқлашиб, ҳатто таназзулга юз тутиб ҳам туради.

Аждодларимиз тарихи жаҳон халқлари маънавиятига ҳурмат билан қараш, бизга керакли ижобий жиҳатларини ўрганиб, ижодий ривожлантириш орқалигина маънавият чўққисига эришиш мумкинлигидан гувоҳлик беради. Лекин, кўпинча қабул қилиш мумкин ва шарт бўлган ғояларни инкор этиш ва рад этиш керак бўлганларини қабул қилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Гап қуруқ бўлмаслиги учун ўтган XX аср ибтидосидаги мафкуравий ҳолатга бир назар ташласак. Миллатни озодлик, истиқлолга чиқариш орзусидаги жадидлар саъй-ҳаракатлари, маънавий жасорати туфайли «катталар мактаби» бўлмиш театр санъати вужудга келган. Ўша пайтларда ушбу санъатни ўзбек миллати учун ёт, бегона ғоя деб эълон қилганлар керагича топиларди. Драматургия ва театрни рад этганлар фақат даҳанаки танкид билан чегараланиб қолмаганлар. Санъатнинг бу турларини Ота Маконга олиб киришга уринган фидойи жадидларни мазахлаш, масхаралаш ва ҳатто сазойи қилиш ўзларини миллий маънавият, қадриятлар ҳимоячилари деб ҳисобловчи кишилар томонидан амалга оширилганди. Олий ҳакам – вақт эса театр санъати миллий руҳиятимиз ва маънавиятимизга ёт, деганларнинг ўзлари ўша замонда маънавият тараққиётига ғов бўлганларини кўрсатди. Бугун сахна санъатининг одамларга нафақат завқ-шавқ бахш этиши, айна вақтда миллий ғурур, миллий ифтихор манбаи, қудратли ғоявий тарбия воситаси ҳам бўла олиши – бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланди.

Театр санъатидан ҳар қайси томошабин ўзича таъсирланади, ибрат олади, ўзгача завқ ва маънавий-маърифий озиқ олади. Ҳамманинг юрагига бирдай йўл топиш, маълум бир ғояни илгари суриш, эътиборини жалб этиш учун эса актёрдан, театр жамоасидан истеъдоддан ташқари, яна қанчадан-қанча ҳаракат, изланиш ва зиёлилик масъулияти талаб қилинади. Юртбошимиз томонидан Ўзбек Миллий Академик драма театри янги биносининг очилиш маросимида сўзланган нутқда театр ижодкорлари фаолиятига қуйидагича таъриф берилган: «Таъбир жоиз бўлса, шуни таъкидлаш зарурки, ҳаммамиз театр томошаларини яхши кўрамиз, аммо таъсирчан сахна асарларининг нечоғли машаққатли ва оғир меҳнат эвазига дунёга келиши ҳақида ўйлаб кўрмаймиз».

Худди шу маънода истиқлол йилларида театр санъатига давлат томонидан берилаётган эътибор, театр ижодкорларининг ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб келинаётганлиги соҳанинг маънавият-маърифат тарғиботидаги ролини кучайтиришда асосий омил бўлмоқда. Шу масъулиятли вазифани амалга оширишда Президентимизнинг «Ўзбекистонда театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги тарихий фармони дастуриламал бўлмоқда. Биргина 2007 йилнинг ўзида давлат театрларида қарийб 140 янги

асарлар сахна юзини кўрди. Энг муҳими ушбу сахна асарларининг асосий қисми замонавий мавзудаги миллий драматургиямиз намуналаридир.

Ўзбекистон театр жамоалари хорижий давлатларда ташкил қилинган қатор халқаро театр анжуманларида ҳам муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Кўпгина чет эллик театр арбоблари мамлакатимизда ўз санъатларини намойиш этмоқдалар. Истиклол йилларида Ўзбекистон театр санъати чет мамлакатларида ҳам лойиқ даражада эътироф этила бошлади. Ҳозирги кунда ҳар миллион кишига ҳисоблаганда театрлар сони бўйича Ўзбекистон дунёдаги энг илғор ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Ўзбек Миллий академик театри ўзининг бекиёс санъати ва маҳорати, классик асарларнинг бетакрор ижроси билан нафақат миллий санъатимиз мухлисларини, шу билан бирга дунёдаги манаман деган театрларнинг машҳур режиссёр ва актёрларини, уларнинг энг нозиктаъб театршуносларини ҳам ҳайратга солиб келмоқда...

XIX аср ўрталаридан Ҳиндистон орқали савдогарлар, зиёратчилар воситасида, кейинроқ у ерда чиқадиған газета-журналлар билан Туркистонга ёйила бошлаган ақидапарастлик ғоялари XX аср ибтидосига келиб маҳаллий уламолар орасида етакчи ўринни эгаллай бошлаганди. Шу туфайли ўша даврларда баъзи уламолар томонидан чиқарилган қатор фатволар илм-фан, маданият ва маърифат ривожига мутлақо зид эди. XX аср бошларида Тошкент, кейинчалик Самарқанд, Қўқон, Бухоро муфтийлари махсус фатво чиқариб, болаларини янги усулдаги жаҳид мактабларига ўқишга берган кишиларни «кофир» деб эълон қилдилар. Бухоро қозиси фатвосига кўра: «Кимда-ким ёқали кўйлагига тугма қадалган бўлса – жаҳид, костюм кийган кишилар ҳам – жаҳид; кимда-кимнинг соқоли қисқа бўлиб, мўйлови узун бўлса ҳам – жаҳид; кимда-ким газета ўқиса ёки газета ўқийдиганлар билан борди-келди қилса, у ҳам – жаҳид, рус тилини оз-моз биладиганлар ҳам жаҳидлардир». Мана шу санаб ўтилган белгилар асосида одамларни тутиб олиб калтаклаш, ўлдириш бошланган. Ана шу олатасирдан фойдаланиб кўпчилик ақидапарастлар ўз муҳолифларини, яъни янгиликка интилган, аммо ханафий мазҳаб доирасидан четга чиқмаган жуда кўп мусулмонларни йўқ қилиб юборганлар. Бухородаги хунрезликка ўхшаш ҳодисалар бу кўламда бўлмаса-да, бошқа хонликларда ҳам содир этилган эди. Иш шу даражага бориб етганки, яқтакка тугма қадаганлар, «Зингер» машинасида тикилган кийимни кийганлар ҳам «кофир» деб эълон қилинган. Ҳаттоки, картошка, помидор сингари Ғарб орқали келтирилган маҳсулотларни истеъмол қилганлар ҳам кофирга чиқарилганди. Бу ҳолат эса мустамлакачиларга жуда кўл келган. Улар Туркистонга ҳақиқий маърифат, янгича, замонавий ўқиш усулларини ёймоқчи бўлганлардан хавфсираганлар, ота юртимизнинг жаҳолат ботқоғида қолишини маъқул кўрганлар. Бу хусусда Туркистон генерал-губернатори К. П. фон Кауфман шундай ёзганди: «Ҳар қандай ҳолда татарларнинг қирғизлар (қозоқлар – Б. И.) билан мулоқотга киришлари зарарли бўлиши мумкин. Мен уларнинг ўрнига «исломнинг онаси» деб аталган Бухоронинг ашаддий ақидапарастларини кўришни маъқул кўрардим, татарлар бухоролик ақидапарастлардан хавфлироқдир».

Коммунистик идеология ҳам амалда ақидапарастликка асосланган бўлиб, ўз табиатига биноан тоталитар руҳдаги мафкура бўлиб, у асосан ҳаётнинг барча жабҳаларини эгаллашга, ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаётини ҳам бутунлай назорат қилишга даъвогар ва «устаси фаранг» эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди. Тоталитар мафкура ўз табиати ва характерида келиб чиқиб, гўёки XX аср 80-йилларида кўлга киритилажак «буюк келажак» учун ўтмишни ҳам, ўз даврини ҳам инкор этган эди.

Коммунизм ғояси нафақат ўтмишдаги кадриятларни йўқ қилишга, нафақат ўзига хос янги кадриятлар жорий қилишга даъват этди, балки, тоталитар жамиятни зўрлик билан куч ишлатиш воситасида, мажбурлаш йўли билан қуришга муваффақ бўлди.

Таниқли рус олими М. Восленский СССР тоталитаризмининг бош белгиси сифатида қўйидаги фикрларни билдирган эди: «Бу жамиятда янги ҳукмрон синфнинг шаклланиши номенклатура, яъни сиёсий бюрократиянинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ҳокимиятни монополия қилиб олишидир. Бу синф ўз тизимлари ва имтиёзларини яширин сақлаб қолиш билан бирга ўзининг мавжудлигини ҳам сир сақлашга

уринар эди. Номенклатуранинг ташқи белгисига янги типдаги партиянинг тузилганлиги мисол бўла олади: номенклатуранинг ўзаги ана шу партиянинг сиёсий аппарати шаклида намоён бўлар эди».

Жамиятнинг сиёсий соҳасидаги ҳокимият бутунлай партияга тегишли эди. Коммунистик партия билан давлат аппарати амалда бир-бири билан чирмашиб, аралашиб, қўшилиб кетганди. Шу боисдан ҳам давлат аппарати ваколатига киритилган масалалар партия ташкилотларида ҳал қилинарди. Шунингдек, жамиятни давлатлаштириш даражаси ҳам ўзининг энг юксак чўққисига чиқиб, давлатдан мустақил бўлган ижтимоий ҳаёт ва жамиятнинг демократик институтлари бутунлай йўқ қилиб юборилганди. Коммунистик партиядан бошқа барча сиёсий партиялар тор-мор этилган, барча жамоат ташкилотлари ва нодавлат бирликлар эса ҳукмрон партияга бўйсундирилган. Ҳуқуқ ва қонунларнинг жамиятдаги ўрни пасайиб, коммунистик партия қонун билан чекланмаган ва қонунга бўйсунмайдиган чексиз ваколатларни ўз қўлига олган. Айнан янги ўзига тортиб олган ваколатларга асосланиб партия аппарати иқтисодиётнинг барча соҳаларини монополияга айлантирган ҳолда иқтисодиётга марказлашган, маъмурий-буйруқбозлик усулларида раҳбарлик қила бошлаган.

Шунингдек, коммунистик партия барча оммавий ахборот воситаларига кучли цензура ўрнатган ҳолда, уни бутунлай монополия қилиб олган эди. Ана шундай шароитларда бутун бир улкан сиёсий системани саклаб туришни зўрлик, қонунсизлик ва куч ишлатишсиз амалга ошириш ғоят мушкул эди. Бундан ташқари, партия шахс ҳаёти, оила, дин, санъат, фан, маданий анъаналар каби ижтимоий ҳаёт соҳаларини ҳам ўз назорати остига олиб, бу соҳалардаги кадрият ва меъёрларни белгилаб беришга ҳам даъвогарлик қила бошлаган.

Жамият аъзоларининг эркин, мустақил фикрлаш, меҳнат қилиш ва ўз шахсини интеллектуал ва маънавий жиҳатлардан юксалтириш, яратувчанлик ижодий қобилияти, истеъдоди, салоҳиятини такомиллаштириш сингари сифатларини ривожлантириш имкониятлари тоталитар режим томонидан сиқиб қўйилганлиги учун ҳам совет жамияти ўзини ўзи тараққий эттириш ва янгилаш имкониятларидан деярли маҳрум бўлган эди. Шунингдек, бу жамият, ғоялар ва мафкуралар тез ўзгараётган, глобаллашаётган дунёга нисбатан мослаша олмади. Коммунистик партия ва давлатнинг ишлаб чиқариш ва моддий-маънавий бойликларни тақсимлашдаги ўрнининг бекиёслиги, уларнинг хусусий мулкчилик ва бозор иқтисодиётини, рақобатчилигини таъқиқлаш сиёсати, шунингдек, ортиқча ижтимоий табақалашувга йўл қўймаслиги оқибатида жамият ва давлат ривожланишидаги барча мақсадлар маъмурий-буйруқбозлик аппаратининг мажбурлаш воситалари орқали амалга оширила бошланган. Бошқачасига айтганда, бошқарув ноиқтисодий усулларда, яъни иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятларини ҳеч бир ҳисобга олмаган ҳолда бошқарилган. Айнан шу сабабларга кўра жамиятда демократик унсурларнинг шунчаки бир яшаши учун ҳам бирон-бир имконият қолдирилмаган.

Давлат ҳокимиятининг барча жабҳалари фақат коммунистик партияга тегишли эди. Бу ҳолатни тадқиқотчи Ханна Арендт «Тоталитаризм вируси» асарида қуйидагича ифодалаган: «Партия доимо жамият системаси билан боғлиқ бўлиб, унинг маълум қатламлари манфаатини ифода этади. Оломон учун тизилмавийликнинг етишмаслиги янги типдаги партияга заруриятни шакллантиради. Бутун бир жамият манфаатларини ифода этишга даъвогарлик қилаётган партия жамиятни оломонга айлантиради, партиянинг ўзи эса партиявий-бюрократик давлат тизимига ўсиб ўтади».

Мамлакатда якка ҳукмронлик қилган партия ва мафкуранинг тазйиқи оқибатида шахснинг эркин фикрлаши, ўз атрофидаги воқеликни эркин ва ҳалол таҳлил этиши, ўз ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятини намоён қилиши, шунингдек, ўзи хоҳлаган тарзда ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этиши учун ҳеч бир имконият қолмаган эди. Шунинг учун ҳам жамият аъзолари орасида ижтимоий фаолсизлик, лоқайдлик, бефарқлик, тайёрхўрлик, боқимандалик кайфиятлари мислсиз равишда кучая бошлаган. Унинг асоратлари бўлса ханузгача тараққиётга ҳалал бермокда.

Таниқли олим А. А. Кара-Мурза совет давридаги партиянинг якка ҳукмронлик мавқеини қуйидагича ифодалаган: «Партияга унинг сафидан чиқариш имконияти мавжуд бўлганлиги учун ҳам қабул қиладилар. Мамлакатдаги барча лавозимларга партия аъзолари бошқалардан истеъдодли, аъло, адолатли бўлганликлари учун эмас, балки улар бошқаларга нисбатан кўпроқ итоатгўй бўлганликлари учун қўйиладилар – уларни салгина итоатсизликлари учун ҳеч бир судсиз қатл этиш ёки қамокқа тиқиш мумкин. Партия ва жамиятнинг кучи партиявий «таъсир»нинг (зўравонлик шундай беозор «таъсир» сўзи билан ифодаланган – Б. И.) ҳамма ерда мавжуд бўлганлигидадир. Партиядан ҳайдалган одам бепоён мамлакатнинг бирон-бир бурчагида ҳам тазйикдан паноҳ мақсадида жой топа олмас эди».

Партия ва совет давлатининг бараварлаштириш, текисчилик сиёсати кишилардаги шахсий ташаббус, ижодий фикрлаш, сиёсий ва ишлаб чиқаришдаги муаммоларни мустақил равишда ҳал этиш каби қобилиятлари ривожланишига имкон бермаган.

Коммунистик партия «қардош республикалар» компартияларига нисбатан ҳам империячилик ва тоталитаризм усуллари воситасидаги муносабатларни қўллаган. Масалан, иттифоқ республикалари компартияларининг низомий-ҳуқуқий мақоми РСФСР вилоятлари ва ўлкалари партия ташкилотлари билан бир хилда белгиланган эди. Лекин, амалда Россиядаги шаҳар ва вилоятлар партия ташкилотларининг сиёсий мақоми республикалар компартияларидан юқори эди. Масалан, Москва шаҳри, Ленинград вилояти партия ташкилотларининг иерархия даражаси КПСС МҚ билан республикалар компартиялари ўртасида поғонада белгиланган эди (мазкур партия ташкилотларининг биринчи котиблари сиёсий бюро аъзоси этиб тайинланарди).

Республикалар компартиялари ўртасида ҳам ўзаро тенглик йўқ эди. Бунга ҳам улар раҳбарларининг славян халқлари вакили эканлиги ёки бош котибга қанчалик яқинлигига асосий эътибор қаратилад эди: XX аср 60–90-йилларда Украина, Белоруссия ва Қозоғистон компартиялари биринчи котиблари сиёсий бюро аъзоси ёки унга номзод бўлиши қоидага кирган (кейинги даврларда Ўзбекистон компартияси биринчи котибининг сиёсий бюро аъзолигига номзод сифатида кириши ҳам одат тусини олган). Лекин, қолган республикалар компартиялари раҳбарлари олий элита – сиёсий бюро таркибига киритилмас, уларга фақат МҚ аъзоси бўлишдек қуйироқ партиявий поғонадан жой ажратилар эди.

КПСС иттифоқдош республикалардаги компартияларни марказнинг мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситасига айлантириб олганди. СССР Конституциясининг 6-моддасида КПССнинг «Совет жамиятининг ядроси ва уни йўналтириб турувчи» куч эканлиги қонунлаштирилганлигига эътибор берилса, партиянинг тоталитар жамиятни зўрлик ва зулм воситасида бир маромда ишлашини таъминлашга қаратилган асосий сиёсий ҳокимият эканлиги яққол кўринади.

Иттифоқдош республикаларни марказ томонидан итоатда ушлаб туришнинг яна бир шакли, бу – республикалар марказий, вилоят, туман ва шаҳар кўмиталари иккинчи котибларининг асосан рус ва славян миллати вакиллари билан қўйилиши эди. Иккинчи котиблар туман, шаҳар, вилоят ва республикадаги халқ хўжалигининг барча тармоқларига раҳбар кадрлар қўйиш ёки уларни лавозимларидан бўшатиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига бош мутасадди эдилар. Шунингдек, иккинчи котиблар партиянинг барча кадрлар ва ташкилий – партияга қабул қилиш ёки ундан ўчириш, партия раҳбар органларининг йиғилишлари, бюро пленумлари, конференциялари, қурултойларини ўтказиш фаолияти жараёнига бошчилик қилар, шу билан бирга, бу соҳаларни ўзларининг қаттиқ назоратлари остига олган эдилар.

КПСС қанчалик келажакда фаровон ҳаёт қуриш каби ҳаёлий жозибадор ақидалар билан ўз шаклини безамасин, унинг асосий мақсади тоталитар жамиятни, шунингдек, амалда рус бўлмаган халқларни мустамлака эканлигини таъминлаб турувчи мукамал империячилик сиёсатини барқарор сақлаш эди. Машҳур файласуф, совет тузумини обдон ўрганган, уни ич-ичидан биладиган олим Н. А. Бердяев 1940 йилда шундай ёзганди: «Совет Россиясига бўлган муносабатларимда бирон-бир муҳим ўзгаришлар бўлмади. Мен

Совет ҳокимиятини бирдан-бир рус миллий ҳокимияти, деб ҳисобладим. Бундан бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас. У фақат Россиянинг халқаро муносабатларидан вакилидир».

Коммунистик партия мафкура воситасида подшо сиёсатини янада қаттиқроқ давом эттирган.

Натижада коммунистик ақидапарастлик ҳолатлари кечагина, яъни XX аср 80-йилларида ҳам давом этаверган. Масалан, ЎзКП МҚ идеология котиби Р. Абдуллаева «Шарқ юлдузи» журнаlines бешик, сумак, чимилдиқ, рух, домла, ислом каби сўзларни ишлатгани учун айблаганди. Ўша пайтларда «Ёш гвардия» театрида намойиш этилаётган «Майсаранинг иши» спектаклида исириқ тутатиб ўтилган лавҳа учун Ўзбекистон халқ артисти Б. Йўлдошев «исириқ баҳона динни тарғиб қилган»ликда айбланган ва бир ойлик суриштирув-терговдан сўнг театрда «Дин – афюн» мавзусида уч марта спектакль қўйиш, меҳнат дафтарчасига ҳайфсан ёзиш шарти билан зўрға қутилиб қолганди.

Даҳрийлик жазаваси шу даражага етиб борганки, ўз яқинларининг жанозасига борганлар ҳам таъқиб қилина бошлаган. Биргина мисол. Ўз укасининг жанозасига боргани учун академик С. Йўлдошев Ўзбекистон компартияси XVI Пленумида муҳокама қилинган ва қораланган. «Яқинда бўлиб ўтган дафн маросимига бағишланган жанозада, – деб ёзилганди ўша давр ҳукмрон мафкураси нашрларидан бирида, – ВАСХНИЛ (Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси – Б. И.) академиги С. Х. Йўлдошев, уч фан доктори, беш фан кандидати қатнашган. Уларнинг кўпчилиги партия аъзоларидир, бу масалада бошланғич партия ташкилоти, Киров район, Тошкент шаҳар партия комитетлари сукут сақлаб турганлиги сиёсий жиҳатдан зарарли ва социал жиҳатдан хатарлидир».

Ўйлаб кўринг: ўз укасининг жанозасида қатнашиш, «сиёсий жиҳатдан зарарли», ижтимоий «жиҳатдан хатарли» деб баҳоланса-я?! Табиийки, бундай таҳдидлар жамиятдаги таҳликани, саросимани янада кучайтирган. Натижада, баъзилар ота-онаси ёки яқинлари оламдан ўтганида жанозага боришдан қўрқиб, зудлик билан касалхоналарга ётиб олганлар ёки «хизмат сафари»га жўнаб кетганлар. Бугина эмас. Ҳатто «алла», «ялла» каби сўзлар «Аллоҳ» сўзидан келиб чиқмаганмикан, деган мутлақо асосиз қарашлар ўртага ташланган. Бу ҳолатларнинг барчаси миллий қадриятлар, ота-боболар асрлар оша эътиқод қилиб келган муқаддас ислом динини таҳқирлашдан ўзга нарса эмас эди.

Ҳатто, энг қадимий, асл миллий қадрият Наврўз байрамини нишонлаш ҳам тақиқланган. Унинг ўрнига «Лениннинг ҳаёти ва фаолияти тарғибига асосланган илғор, совет удумларини жорий этиш»га хизмат қиладиган, ўзбек менталитетига зид сохта «байрамлар» зўравонлик билан киритилган. Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари коммунизм пропагандистлари томонидан худосизликни тарғиб-ташвиқ этишга зўр берилган. Атеистик пропагандани кучайтириш тўғрисида махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Ҳайит намозларининг олдини олиш мақсадида масжид-мадрасалар атрофига милиция ходимларидан иборат соқчилар қўйилган. Коммунистик идеологиянинг мутлақ ҳукмронлиги йилларида бутун бошли халқ даҳрийликка, эътиқодсизликка маҳкум этилганди. Президент Исом Каримов томонидан ўша даврдаги вазият қўйидагича изоҳлаган: «Халқнинг урф-одатлари, аъналар, маданияти обдон оёқ ости қилинди, она тилининг қўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб қўйилди. Ҳатто, шундоқ ҳам миллий аъналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари кимларгадир мақбул бўлмай қолди ва уларни янгилашга уриндилар. Ҳатто миллий либос ҳам қораланди. Кези келганда, одамлар миллий аъналар бўйича тўй қилиш, қариндош-уруғларини дафн этишга ҳам чўчиб қолган эдилар». Шу ўринда Конфуцийнинг огоҳликка даъватига эътибор қаратсак, зарар қилмаса керак: «Қадимдан жорий этилган маросимлар сақланмас, ёки улар бекор қилинар экан, унда ҳамма нарса аралашиб кетади, издан чиқади. Никоҳ маросимини йўқ қилингчи – унда эр-хотинлик бўлмайди, бу билан боғлиқ катта жиноятларга йўл очилади ёки дафн этиш ва қурбонлик қилиш маросимини йўқ қилинг-чи, унда болалар вафот этган ота-оналари хотираси тўғрисида ўйламай, тирикларга эса хизмат қилмай қўядилар...»

## ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Бугунги кунда истиқлолни мустақкамлашнинг муҳим шартларидан бири – бу ғоявий тарбияни кучайтиришдан, унинг самарадорлигини оширишдан иборатдир. Бунинг учун эса, аввало, мавжуд ташқи ва ички таҳдидлардан бохабар бўлмоғимиз даркор. Ички таҳдидлар – ўз Ватанига, ватандошларига зарар етказишга қаратилган ғоя, фикр, хатти-ҳаракатлар мажмуидир. Носоғлом маҳаллийчилик, юртдошлар ҳаққига хиёнат қилиш, одамларни бой камбағалга бўлиб муомала қилиш, порахўрлик, коррупция, ортиқча мол-дунёга ҳирс қўйиш, бефарқлик, боқимандалик, тайёрхўрлик, лоқайдлик, ўзлигини англамаслик ва бошқа иллатлар миллий хавфсизликка билвосита ички таҳдидлардир. Улар қанча кенг тарқалса, юртдошлар ғоявий бирлигига шунча кўп зарар етказади, пароканда қилади, ҳамжихатликка путур етади. Ғоявий бирлиги заиф миллатнинг давлат, мафкуравий, ахборот хавфсизлиги ҳам мўрт бўлади.

Бугунги дунёни англашимиз, ҳаёт ва жамият қонуниятларини ҳар томонлама идрок этишимиз, ер юзидаги турли этнослар дунёқараши, ғояси, маслак-муддаоларидан ҳам бохабар бўлмоғимиз даркор. Чунки, ҳар қандай жамият, давлат, этнос, биринчи галда, ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилади, фаолият юритади. Баъзиларининг хатти-ҳаракатлари, ғоялари бизнинг миллий манфаатларимизга мос келмаслиги ҳам мумкин. Ҳеч бир халқ дунёда якка яшамайди, ёлғизликда ривожланмайди ҳам. Этнослар доимо ўзаро турлича муносабатда бўладилар ва тарих давомида бир-бирларига таъсир ўтказиб, ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам маънавий бойитиб борадилар. Аммо, ҳеч қачон, ҳеч бир халқ ўзлигидан буткул кечиб, бошқа халқ маънавияти ҳисобидан ўзини бойита олган эмас. Якка бир шахс бутунлай ўзга бир маънавий муҳитда тарбия топиб, унга тўлиқ мослашиши мумкин. Бу инсон табиатига хос нарса. Аммо, бир халқ тўлиғича ўзлигидан кечиб, ўзга этнос маънавий дунёсини қабул қилса, демак, ундай эл руҳан йўқ бўлади. Ўз маънавий киёфасини йўқотган миллат йўқолган миллатдир. Шу сабабли ҳам миллий истиқлол пойдеворини маънавий мустақиллик ташкил этади, деймиз. Миллий маънавиятнинг тақомили эса ўша миллатга мансуб ҳар бир шахснинг маънавий камолоти билан бевосита боғлиқ ва ушбу заминга таяниб юксалади.

Умуминсоний қадриятлар ҳар бир миллат маънавиятида ўзига хос ва махсус тизим шаклида намоён бўлади. Чунки, миллий маънавият тарихий ҳодиса, ўзбекнинг маънавий тақомили немис ёки хитой халқи бошидан кечирган тарихий жараёнлардан бутунлай фарқ қилувчи сиёсий-маданий макон ва замонда юз берган. Ҳар бир халқ моҳиятан

умуминсоний бўлган қадриятларни тамомила ўзига хос шаклу шамойилда ифода этишининг сири шунда.

Қадриятлар дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадлари йўлида хизмат қиладиган эркинлик, ижтимоий адолат, маърифат, ҳақиқат, ҳалоллик, бурчга содиқлик сингари фазилатлар мажмуи тушунилади. Қадриятлар ўзининг моҳияти ва хусусиятига кўра бир неча турларга бўлинади. Унинг муҳим турларидан бири табиий қадриятлар бўлиб, унга инсоннинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган табиий шароитлар: ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар киради. Улар яна иқтисодий (меҳнат предметлари, ишлаб чиқариш қуроллари, моддий неъматлар...) қадриятлар ва ижтимоий-сиёсий (эркинлик, тенглик, адолат, тинчлик...) қадриятлардан иборатдир. Илмий-фалсафий, бадиий, диний ғоялар ва бошқа шу кабилар маънавий қадриятларни ташкил этади. Яхшилик, ҳалоллик, бурчга содиқлик сингарилар эса ахлоқий қадриятлардир. Эстетик қадриятлар ҳақида сўз юритганда, биринчи навбатда, барча табиий ва ижтимоий гўзалликлар кўз олдимизга келади.

Моддий ва маънавий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг омили бўлган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Қадриятлар инсонлар ўртасидаги муносабатда ва шахснинг ўз хулқини тартибга солишида ижобий роль ўйнайди. Ўз кадр-қимматини англаш шахснинг ўз-ўзини назорат қилиши бўлиб, унинг ўз-ўзига нисбатан талабчанлиги ана шунга асосланади.

Ҳар бир кишининг ёшлигидан кичик муҳитда олган тарбиясидан келиб чиқадиган ва ўзи ихлос қўйган муайян қадриятлари бўлади. Чунончи, ўғри, босқинчи, фоҳиша, порахўр, таъмагир одамларнинг ҳам «қадриятлари» мавжуд. Порахўр бировнинг иши тушса, уни қонуний йўсинда битириб беришни бурчи деб ҳисобламайди. Балки ўз мансаб, мавқеидан фойдаланиб, таъмагирлик қилаётганини намоён этади. Муайян маблағ ёки «совға», «хизмат» эвазига ўша ишни бажариб беради. У айнан мансабини суистеъмол қилаётганида, жиноий ишга қўл урганида виждони азобланмайди. Чунки унда умуминсоний қадриятларга асосланган муайян ғоядан келиб чиқадиган инсоф, имон шаклланмаган. Шаклланган бўлса-да, кейинчалик «ёғли» жойни эгаллагач, имон нафс ботқоғига чўкиб кетган. Имонсиз одам виждон, диёнат деган сифатлардан махрум. Унинг онги, ҳис-туйғусида ҳайвонга хос бўлган фақат ўз ҳузур-ҳаловатини кўзлашдан бошқа қадрият қолмайди. Бундай одамнинг «фалсафаси» оддий: қайси йўл, усул билан бўлса-да, яхши еб, яхши кийиниб, яхши яшаса бас. Ўғри, босқинчи, фоҳишалар «фалсафаси»га ҳам порахўр, таъмагир озик бериб туради. Ўғри шундай мулоҳаза юритади: мана, порахўр ташкилот, идора, ўқув даргоҳларида «қонуний» тарзда одамларни шиллапти. Ўзигина эмас, бола-чақаси ҳам ҳузур-ҳаловатда яшапти. Туну кун жафо чекиб меҳнат қилаётган одамларнинг эса косаси оқармаяпти. Демак, ўғрилик қилмасдан яхши яшаш мумкин эмас. Шу ишонч унинг онгига сингач, ҳис-туйғуси ва қалбидан мустаҳкам ўрин олгач, бировларни қакшатишдан, шафқатсизликдан роҳатланиш, завқланиш йўлига ўтиб олади.

Кўпинча «одам» ва «инсон» атамаларини бир хил маънода қўллаш ҳоллари учраб туради. Лекин, улар доимо ҳам бир маънони англатавермайди. Фалсафий нуқтаи назардан қараганда одам – биосоциал мавжудот. У ҳайвонот ва наботот дунёсидан фарқли одамзод тоифасига киради. Лекин, одам дейилганда, биологик жонзодлик хусусиятлари яққолроқ намоён бўладиган кишилар тушунилади. Яъни, одам ҳали ўз ҳайвоний – зоологик қусурларидан тўла холи бўла олмаган, ўз нафсини роса чегаралаш қобилятига эга бўлмаган мавжудот ҳисобланади. Одамнинг ҳаёлида, энг аввало, ўз шахсий манфаатлари – ейиш, ичиш, кийиш, ҳузур-ҳаловат устунроқ мавқеини эгаллайди. Айнан шу сабабга кўра айрим «одамлар» ўз ниятига эришиш мақсадида ўзгалар, жамият, Ватан манфаатларини бир пулга олмасликлари мумкин. Ўғри, порахўр, террорист, фоҳиша... ҳам одам, лекин, уларни инсон тоифасига киритиб бўлмайди. Инсон эса социобиологик мавжудот. Инсон муайян ижтимоий муҳитдаги қонун-қоида, тартиб-интизом, одоб-ахлоқ меъёрлари доирасида фаолият кўрсатадиган мунаввар зот ҳисобланади. У ўз орзу-

ниятлари, мақсад-муддаоларини биринчи навбатда ўзгалар, жамият мақсадлари билан боғлайди. Инсонлик масъулиятини англаган ҳолда, ўз нафси йўлида ўзгалар манфаатларига дахл қилмайди. Бир бурда нон, бир коса таом учун ўзи ва ўзгаларни сотиб юбормайди. Аксинча, ўз манфаатларини жамият манфаатларига уйғунлаштирган ҳолда фаолият юритади. Шу боисдан ҳам комил инсон тарбияси миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири сифатида илгари сурилмоқда.

Инсон идеали тобора кенгайиб бораётган коинот сингари чексиз. Идеални мавҳум туйғулар оламидан реал ҳақиқатга айлантириш минг йиллар мобайнида инсоннинг энг эзгу нияти бўлиб келган. «Авесто»да (Гох, 46-Ясна, 2-банд) шундай дейилган: «Эй, хушёрлар! Қулоқларингиз билан пухта эшитингиз энг эзгу каломларни ва ёруғ ният билан – хоҳ эр, хоҳ аёл – ҳар бирингиз назар ташлангиз, то буюк ҳодиса рўй бермасдан ва одимларимиз сўнгги манзилга етмасдан икки йўлдан бирини ўзингизга ихтиёр этингиз-да, бу каломларни ўзгаларга ҳам етказингиз!» ҳақиқатан ҳам эзгулик билан ёвузлик ҳамиша ёнма-ён юради. Шу боисдан ҳам Ислоҳ Каримов томонидан бунёдкор ва вайронкор ғоялар ўртасидаги кураш диалектикаси шундай таърифланган: «Менинг назаримда, одамнинг қалбида иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша курашади. Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни, хатти-ҳаракатларини кўзгатиб юбориш осонроқ». Ҳақиқатан ҳам, инсон – табиатан тузалишдан кўра бузишга мойилроқ хилқатдир. Шунинг учун ҳам зиёлилар одамзодни доимо эзгуликка чорлаб, яхши хулқ-атворга эга бўлишга ундаб, ёмон, ёвуз нарсалардан тийилишга даъват этиб турмоқлари лозим. Шу маънода дин ва давлатнинг бош вазифаси муштаракдир. Дин халқни хуш хулқли бўлишга ундайди, давлат эса яхши, эзгу хулқни фуқаролари турмушига жорий этади.

Инсон зотига иснод келтирадиган қусурлар уруғи фақат унга имкон яратилган, қулай ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муҳитдагина ривожлана олади.

Ўз-ўзини ҳурмат қилиш кўп жиҳатдан шахснинг тақдирини белгиловчи ғоят муҳим ҳислатдир, чунки у инсонни камситадиган, ерга урадиган, хўрлайдиган ва шу билан унинг бошқа кишилар кўз ўнгида ўз кадр-қимматини йўқотишига сабаб бўладиган қилиқларга йўл қўймайдиган маънавий, мафкуравий тўсиқдир. Ўз иззат-ҳурматини билмасдан туриб маънавий бойликка етишиш, элда кадр-қиммат топишни тасаввур қилиш қийин. Кадр-қиммат инсонни энг юксакка кўтарадиган, унинг фаолиятига, бутун ишларига олижаноблик бағишлайдиган туйғу, хусусиятдир.

Шахснинг шаъни ва кадр-қиммати инсонга туғилганидан бошлаб тегишли, ажралмас ва кўчириб бўлмайдиган номоддий неъмат бўлиб, инсоннинг маънавий дунёсини таърифлайди. Сиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан фуқароларнинг шаъни ва кадр-қиммати, уларнинг ҳаёти ва соғлиги ёки шахсий эркинлиги сингари такрорланмайдиган бойликдир.

Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоялаш ҳуқуқининг эътироф этилиши инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси сиёсатининг дунё стандартларига мос эканлигини билдиради.

Шаън – бу жамиятнинг шахсга баҳоси, жамият аъзоси сифатида фуқаро ижтимоий-маънавий хусусиятларининг ўлчовидир. Жамиятнинг шахсга берган баҳоси тўғридан-тўғри фуқаронинг ўзига боғлиқдир. Чунки, унинг шахси давлатга ва жамиятга, ўзини ўраб турган инсонларга муносабати ҳамда баъзи бир ҳаракатлари ва умумий фаолияти асосида шаклланади. Ҳар бир инсон ўзининг доимий бўлмаган ижтимоий баҳосига эга, чунки шахснинг ижтимоий мавқеи ва мақоми унинг содир этган ҳаракатларига қараб ўзгариши мумкин. Яъни, одам, кимларнингдир тузоғига илиниб ёки ўз хатти-ҳаракатлари оқибатини англамаган ҳолда ўз шаънига ўзи доғ тушириб қўйиши ҳам мумкин. Ёки бўлмаса, аввал жамият, жамоа муаммоларига бефарқ, лоқайд шахс бунёдкор ғоялар таъсирида фаоллашиб, ўз ижтимоий мавқеи ва мақомини юксалтира олиш имкониятига эга.

Кадр-қиммат – ўзининг жамоа ва жамиятдаги ўрнига, шахсий хусусиятларига, қобилиятига, дунёқарашига қараб ўзини ўзи ички баҳолашдир. Шахснинг кадр-қиммати унинг жамиятдаги обрўсини тавсифловчи объектив инсоний сифатлар йиғиндисига

асосланади. Булар: маълумоти ва билим савияси, жамиятда тутган ўрни, жамиятда умум эътироф этилган хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиш даражаси, дунёқараши, ахлоқий кўникмалари, маданияти ва ҳоказо.

Шахсий хусусиятларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан баҳолаш ҳар доим хусусий индивидуалдир. У жамоатчилик баҳоси билан тўғри келиши ёки келмаслиги ҳам мумкин. Шу билан бирга, шаън ҳам кадр-қиммат ва жамоатчилик баҳоси сифатида, ҳам ички шахсий баҳо сифатида ўзаро боғлиқ ҳодисалардир. Улар жамоатчилик ва шахс ўртасидаги маълум бир ижтимоий алоқани акс эттиради. Айнан шу нуқтаи назардан қараганда шаън ва кадр-қиммат катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, унинг бузилмаслиги қонун билан кўриқланади.

Айнан шу сабабга кўра одамнинг ўзини «кичкина киши», фақат буюрилган ишларни қилиши лозим, ҳамма муаммоларни унинг ўрнига давлат ҳал қилиб беради деб билиши ўта зарарли тушунчадир. Агар одам ўзини ўзи ҳурмат қилмаса, яхши кўрмаса, кадрламаса уни ҳеч ким кадрламайди. «Фақир киши панада» деб ётиб олганларни ўзга чакқонлар депсаб ўтадилар, агар у энгашган ҳолда, фақат оёғи остига қараб бугуннинг ғамидагина тирикчилик қилаётган бўлса, бошқалар унга миниб олишлари мумкин. Бошини тик, қадрини баланд кўтарган, эркин, мустақил кишиларни баъзилар ёмон кўрсалар-да, улар билан барибир ҳисоблашишга мажбур бўладилар. Агар одам ўз ҳаётини фақат бошқалар ихтиёрига ташлаб қўйса, ўз фаолиятининг мақсадига мувофиқлиги, ўз меҳнати билан муносиб турмуш шароитини яратиш мумкинлиги ҳақидаги тасаввур сўниб қолади...

Турли миллатлар маънавиятининг ўзига хослиги камалакдаги турли ранглар товланишига монанд бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, бойитади, аммо, инкор этмайди, бир сўз билан айтганда, маънавият элларни зидлаштирмайди. Умуминсоний қадриятларни бирор-бир алоҳида халқ яратмайди, бу қадриятларни ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўз тарихий тажрибаси билан аста-секин шакллантириб боради ва ўзаро турлича муносабатлар жараёнида элатлар, миллатлар бир-бирини тушуниб, ўзаро маънавиятлардаги умумий жиҳатларни тадрижий англаб борадилар.

Маънавият доим миллий бўлади, шу билан бирга унда умуминсоний қадриятларга зид нарсаси ҳам бўлмайди, чунки ҳар бир миллатнинг мустақил маънавий дунёси, маънавий қиёфаси бир пайтнинг ўзида ички моҳиятига, ўзак томирларига кўра, ўзга халқлар маънавияти билан умумий жиҳатларга, бутун башариятни бирлаштириб турувчи муштарак унсурларга эга бўлади. Буни ўзбек телетомошабинлари корейс, турк, япон сериалларини томоша қилганларида ҳис этганлар.

Маънавиятимиздаги энг умуминсоний ғоялар ўзлигини ниҳоятда миллий тарзда намоён этади, улар ўзга миллат маънавияти унсурларидан нусха кўчириш шаклида намоён бўлмайди. Шу боисдан ҳам ёшларни миллий маънавият, фалсафий тафаккур билан қуроллантириш давр талабига айланиб бормокда. Ҳозирги даврда миллий хавфсизликка ташқи таҳдид манбаи бўлмиш ҳар қандай рақиб ва муҳолиф билан баҳсга киришиш учун унинг қарашлари ва ғояси, фалсафасини кўпроқ билишимиз, керак бўлса, унинг ўзидан ҳам пухтароқ эгаллашимиз лозим. Муайян кучларга, гуруҳларга, вайронкор ғояга қарши турмоқ учун унинг мақсадини, моҳиятини, энг муҳими, пайдо бўлиш сабабларини билмоғимиз даркор. Терроризм – сиёсий экстремизмнинг бешафқат куч ишлатиш йўлини танлаган кўринишларидан бири эканлиги; у умумий ахлоқни рад этувчи ниғилизм оқибатида юзага келиши ва яна бошқа қатор илмий талқинлар мавжуд. Ўзларини терроризм тадқиқотлари билан шуғулланувчилар деб ҳисоблайдиган бир гуруҳ олимлар сиёсий экстремизм, яъни терроризмнинг асосий сабаблари – аҳолининг камбағаллиги, қашшоқлиги деган фикрда қатъий турадилар. Лекин, бу омил асосий ва бош сабаб эмас.

Биринчидан, аҳолининг ўта қашшоқ қисми доим сиёсатдан йироқ бўлади, бинобарин сиёсий экстремизм жиноятларига уни шерик қилиш бироз эриш кўринади. Қолаверса, қашшоқликдан, ночорликдан тамомила тушқунликка тушган шахс кўлига қурол олиб ёки қўлига бомба солиб, ўзи билан бирга ўнлаб мутлақо беайб инсонлар ҳаётига зомин бўлади, дейиш унчалик мантиққа мос келмайди.

Иккинчидан, агар шундай бўлса, нега қолоқ, қашшоқ, маданий тараққиёт даражаси ўзига хос минтақаларда (масалан, Австралия аборигенлари, Жанубий Африка бушменлари, Амазонка ҳиндулари ва бошқа кўплаб ўтроқ ёки кўчманчи камбағал қабилаларда) терроризм деган тушунчанинг ўзи йўқ?

Тадқиқотчиларнинг юқоридаги хулосаларини мутлақо инкор қилиш ҳам унчалик тўғри эмас. Фақат унга аниқлик киритиб, шуни қайд этиш мумкинки, террористик актларни амалга ошириш мақсадини кўзловчи гуруҳлар итоаткор ижрочиларни кўпроқ қашшоқ, ночор қатламлар орасидан излайдилар. Бу қатлам вакилларига кўпуровчилик – камбағаллик ва қашшоқликнинг сабаб ва оқибатларини йўқ қилиш воситаси сифатида таърифланади. Уларни шунга ишонтирадилар. Зўр бериб амалга оширилган тарғибот-ташвиқот, руҳий таъсир ва «беғараз» ҳиммат кўп ўтмай ўз самарасини беради. Оқибатда терроризм буюртмачилари ўз мақсадларига эришиб кетаверадилар. Ёлғон тарғибот тузоғига илинган ижрочилар эса кераксиз буюмдек улоқтирилади ёхуд инсоннинг энг улуғ, энг асосий ҳуқуқи – яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Кейинги йилларда демократия хусусидаги гап-сўзлар, қарашлар кенг қамровли тус олмоқда. Биз, албатта, Европани ҳам, Американи ҳам, Японияни ҳам маълум маънода тушунамиз, улар танлаган демократия йўлини ҳам ҳурмат қиламиз. Аммо, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кимлардир четдан туриб бизга «катта оға»ликни даъво қилган ҳолда ўзларининг демократия моделини, бир пайтлар большевиклар конли инқилобни экспорт қилишга урингани каби, бизда ҳам жорий этишга ҳаракат қилмоқдалар. Замонавий илмда бундай ҳаракатлар «демократик фундаментализм» деган ном олган.

Биз уларнинг ўзига хос ҳаёт тарзи, ўзига хос қарашлари, фалсафаси борлигини ва ҳар бирининг тараққиёт йўли ана шу қадриятларга асосланишини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Шундай экан, нима сабабдан дунёнинг нариги бир чеккасида шаклланган, универсал модел сифатида мақталаётган демократия модели бошқа мамлакатда, жумладан Ота юртимизда зўравонлик билан ўрнатилиши керак?

Бундай вазиятни ғоят теран англаган Збигнев Бжезинский фикрича: «Демократия куриш масаласи, шубҳасиз, ҳар бир давлатнинг шахсий иши бўлиб, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга демократияни экспорт қилиш мумкин эмас. Демократия ҳар бир мамлакатда маданий урф-одатларни акс эттира оладиган тарихий тажриба, шунингдек мамлакатнинг фалсафий ва диний қадриятлари асосига курилиши керак. У ҳар бир алоҳида мамлакатда эволюцион жараёнлар асосида бунёд этилмоғи лозим. Демократия – доимий ва узлуксиз ўзгаришлар жараёни... Бу ниҳоятда мураккаб жараён ва уни соддалаштириб бўлмайди. Уни амалга ошириш кўп вақт талаб этади. Модомики, шундай экан, демократик институтлар барпо этиш имконияти яқиндагина қўлга киритилган давлатларда демократик тараққиёт даражасини баҳолашда ўта эҳтиёт бўлиш керак». Яқин Шарқ давлатларидаги сайловларда демократлар эмас, аксинча, ультраконсерватор кучларнинг ҳокимият тепасига келиб қолаётганлиги ана шу давлатларни демократлаштириш истагига тескари кўринишдаги мисол бўла олади. Бундай ҳолатнинг қандай оқибатга олиб келишини эса вақт кўрсатади. Шу боисдан ҳам З. Бжезинский «Демократияни кўпол равишда ҳимоя қилиш демократиянинг ўзига нисбатан душманлик кайфиятини шакллантиради», М. Горбачев бўлса «АҚШ ўз қоидаларини бошқа давлатларга ҳам мажбуран тарғиб этиш йўли билан янги можаро ўчоқларини кўпайтирмоқда» деб ёзгандилар. Саймон Женкинс «Гардиан» (Буюк Британия) газетасида Ғарбнинг ўзини демократия экспортида ва кейинги 50 йил мобайнида юз берган кўпгина конли тўқнашувлар сабабчиси сифатида айблайди. Улар фикрича, Россиядаги президентлик сайлови «эркин ва адолатли бўлмаган», Ироқ ва Афғонистонда эса сайловлар орқали «демократия тантанаси» юз берган эмиш. Аслида улар омадсиз, анархияга асосланган давлатлардир. Муаллиф шундай ёзади: «Демократия – гўёки икки ёшли болакай: агар у сизники бўлса, сиз учун энг ажойиб, лекин, сиз болага бошқаларнинг кўзи билан қарашга қодир эмассиз». Ғарбдаги маълум бир сиёсий доиралар фикрича, «Демократия – христианликнинг замонавий муқобили, Ғарб цивилизацияси томонидан танлаб олинган бу эътиқод салибчилар руҳида хорижий давлатларга тарқатилмоқда». Саймон Женкинс Ғарбни мунофиқликда айблаб, ягар биз билан дунё

яхши муносабатда бўлишни хоҳласак, ибрат орқали ўзлигимизни намоён этишимиз керак, деб ҳисоблайди.

Ўзларини диний ақидапарастлик ва терроризмга қарши курашаётган, дунёвий демократик тузум тарафдорлари деб намойиш этаётган халқаро ташкилот ва жамғармалар, хорижий институтларнинг айрим вакиллари халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, ўй-ҳислари, одоб-ахлоқи, ор-номусини ҳисобга олмайдилар. Баъзида эса бу қадриятларни Ғарб демократиясига қарши қўйиб, ўзларини гўёки инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Бизнинг менталитетимиздан мутлақо беҳабар айрим хорижий ташкилотлар вакиллари «Маҳалла давлатнинг тазйиқ кўрсатувч идорасига айланаёпти» дея аюҳаннос солмоқдалар. Улар фикрича, эр-хотин ўртасида тушунмовчилик, жанжалли масалалар кўтарилганда, уларнинг дарҳол судга эмас, маҳаллага мурожаат этиши «инсон ҳуқуқлари бузилиши» эмиш.

Шу ўринда Аристотелнинг «Сиёсат» асарида келтирилган, кўриладиган масалага дахлдор фикрига эътибор қаратсак: «Демократиянинг биринчи кўринишининг характерли белгиси тенгликдир. Тенглик демократиянинг асосий қонунига мувофиқ шундан иборатки, мулксизлар ҳам, мулкдорлар ҳам ҳеч нарсада бирон-бир имтиёзларга эга эмаслар; олий ҳокимият униси ёки бунисининг қўлида тўпланмаган. Шу билан бирга, ҳар иккаласи – улар ҳам ва бошқалар ҳам ўзаро тенгдирлар. Агар баъзилар эркинлик ва тенглик демократиянинг муҳим белгилари, деб билсалар, бу ҳолат ўз амалиётини асосан ҳамманинг давлат бошқарувида иштирок этишини ифодалайди. Демократияда халқ кўпчилик сифатида акс этиши сабабли, кўпчиликнинг қарори ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу каби давлат тузилиши демократия деб аталади». Демократия кимнингдир бошқа биров учун кўрсатадиган ҳиммати, марҳамати эмас, балки, ҳар бир кишининг бошқа, ўзига ўхшаган, бундан манфаатдор кишилар билан уюшиб, ўз манфаати йўлида амалга оширадиган курашининг натижасидир. Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, Ватан ичра Ватан бўлмиш маҳалла аҳли манфаатлари умумийдир, яъни тинчлик, осойишталик, оила барқарорлиги барчага дахлдордир.

Цицерон фикрича: «Халқ қандайдир тарзда биргаликда тўпланган ҳар қандай одамларнинг бирлашмаси эмас, балки, ҳуқуқ ва манфаатлар умумийлиги масалаларида ўзаро бир-бирлари билан келишиш билан боғлиқ бўлган кўпчилик одамларнинг қўшилмасидир». Демак, маҳалла халқи, аҳли томонидан ўз муаммоларини «келишиш» асосида ҳал қилинишининг инсон ҳуқуқларига ҳам, демократияга ҳам зид жойи йўқ.

Маҳалла асли минглаб йиллик тарихга эга бўлган демократия дарсхонасидир. Бу ерда ҳамма кимнинг ким эканлигини кўриб, билиб туради. Маҳалла жамиятда алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик маскан. У инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатади ва шу руҳда тарбиялайди. Шу боис, ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳалладан олади. Унинг тафаккури кўпчилик ичида, қўни-қўшниларнинг яхши-ёмон кунларда бирга бўлиши орқали шаклланади, эл-юртга муҳаббат уйғонади. «Муҳаббат» «ҳибба» ўзагидан ясалган сўз бўлиб, «устига тупроқ тортилган уруғ» маъносини англатади. Ҳаётнинг асли ва асоси ана шу уруғ бўлганидек, диний, маънавий, жисмоний ва руҳоний ҳаётнинг уруғи, илдизи ва дарахти ҳам ана шу муҳаббат ҳисобланади. Ота-она, оила, маҳаллага нисбатан кўнглида муҳаббат уйғонаётган ёшлар ўзидан катталарнинг муомаласи, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, ўзаро оқибатига қараб ҳаракат қила бошлайдилар. Маҳаллаларимизда тонг саҳардан кўчаларга сув сепилиши, таниш-танимаслигидан қатъи назар, одамларнинг бир-бирига орзу тилак билан салом бериши, оқсоқолларнинг ёшлар умрига барака тилаб дуо қилишининг ўзи катта тарбия мактабидир. Айнан маҳалла, ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали биз ҳуқуқий демократик жамият сари олға қадам ташламоқдамиз. Бизнинг қонунлар билан бирга халқимизда қалб кўзи билан кўриладиган, миллат руҳиятига сингиб сайқал топган, ёзилмаган – одат ҳуқуқига асосланган турмуш қоидаларимиз ҳам мавжуд. Уларга кўра, оилавий тушунмовчиликлар дарҳол эл орасида дастурхон қилинмайди, эр хотиннинг, хотин эса эрнинг устидан пинҳона ариза ёзиб судма-суд чопмайди. Модомики, бу оила ҳолатидан айнан маҳалладагилар яхшироқ хабардор экан, энг муҳими, уларнинг муқаддас никоҳига шу кишилар гувоҳ бўлган экан, пайдо

бўлаётган жанжалнинг кенгаш, маслаҳат, машварат орқали олдини олишга маҳалла кўмаги тўғрироқ ва самаралироқ бўлади.

Демократияни «тушуниш»нинг яна бир кўринишига эътибор қаратсак. Марказий Осиё давлатлари орасида сўров ўтказган бир хорижий ташкилот Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқи поймол қилинмоқда, деган хулосага келган. Энди «текширувчи»ларнинг бундай хулосага келишига асос бўлган саволларга бир назар солсак: «Оила катталари сизнинг калта кўйлак кийишингизга қаршилиқ қилишадими?», «Кечқурун истаган пайтда уйдан чиқиб кетишингиз мумкинми?», «Яхши кўриб қолган йигитингизни уйга бошлаб кела оласизми?» Энди «дўппини бошдан олиб» бир ўйлаб кўрсак: чинакам ўзбек киз-жувонлари бу саволларга қандай жавоб берадилар? Қандай жавоб берсалар, уларнинг эркинлиги намоён бўлади-ю, қандай жавоблари уларнинг «ҳуқуқсиз» деб эълон қилинишига асос бўлади?

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг сўзи ибратли: «Оила инсоннинг ҳамма сиру синоатларини ўзида мужассамлаган олтин сандиқ, уни бахт фабрикаси деб атаса ҳам бўлади ва хусусан, инсоннинг қайғу аламлари, дарду ҳасратлари, кўз ёшлари ҳам оиладан бошланади. Шунинг учун ҳам оилани, куёвни ҳам, келинни ҳам инсон қилиб тарбиялайдиган бетимсол мактаб ҳисоблайман. Унинг китобларини тинимсиз ўқиш, сабоқларидан ибрат олиш нақадар мароқли. Дунёнинг баъзи мамлакатларида одамлар, жамиятнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан емирилиб бораётганини кузатиб турибмиз».

Ўнлаб Ғарб мамлакатларида бир жинсли никоҳларга йўл очилган, бола ўрнига кучук кучоқлаб юрилади, кўчаларда қип-яланғоч юришдан истиҳола қилинмайди, хотин хоҳлаган пайтда жазмани таклифига кўра эрининг паттасини қўлига тутқазиб қўя олади ва ҳоказо. Булар уларнинг қадриятлари. Демак, ўзларича ўзбек аёллари ҳуқуқлари ҳимоячиси бўлишни даъво қилаётган кимсалар фақат ва фақат ўз тушунчаларидан келиб чиқиб бу масалага ёндашадилар ва кутилмаганда юқоридаги каби «кашфиёт»ларни топадилар.

Бизнинг бир боламизга етти маҳалла ота-оналик қилиши бирортамизга малол келмайди, келинимиз ахлоқи учун кўни-кўшни ҳам ўзини жавобгар ҳис қилишини фақат яхшилиқ аломати деб биламиз. Фарзандларимизнинг ножўя қадамидан кўшнимиз бизни вақтида огоҳлантирса, унга фақат раҳмат айтамиз. Маҳалла ва оила биз учун муқаддас қадриятлар ҳисобланади. Ёш авлодни ҳаётга йўллаш, улар учун муайян бошланғич нуқта – старт позициясини яратиб беришга нисбатан муносабат турли этносларда турличадир. Ғарбнинг айрим халқлари менталитетида фарзандлар вояга етгач, ота-онаси, оиласини ташлаб, фақат ўз кучи билан мустақил оёққа туриш учун уйни тарк этиши одатий ҳол ҳисобланади. Ўзи ҳам оила куриб, фарзанд кўриб, уни катта қилгач – боласи ҳам авлодлар ворислигига чек қўйиб, оиласини тарк этади. Ёши улуг ота-онасини биздан кўра яхшироқ қарашади, деган ўйда қариялар уйига топшириб юбориш ҳам уят ҳисобланмайди.

Ўзбекларда ёшлар учун жуда юқори старт позицияси яратиб, катта ҳаётга йўлланади. Уйланаётган йигитга камида 1–2 хонали уй, турмушга чиқаётган қизга мебел жиҳозлари ва уй анжомлари тақдим этилади. Икки ёш фарзандли бўлгач, ўз навбатида, эстафетани қабул қилиб, кейинги авлодни, яъни ўз болаларини ҳаётга тайёрлай бошлайдилар. Ушбу миллий қадрият оилавий муносабатларда ҳам вужудга келиши мумкин бўлган бегоналашув жараёнини бартараф этади, авлодлар ворислиги учун замин яратади. Айни пайтда, бу қадрият, ёшлардаги боқимандалик, беғамлик, ўз ҳаёти учун масъулиятни фақат катталарга топшириб қўйиш каби иллатларни инкор этади, ўз келажагини ўз қўли билан яратишга иштиёкни рағбатлантиради.

Биз Ғарбга ўз қадриятларимизни тикиштираётганимиз йўқ. Шунга қарамай, юртимиздаги ҳақиқий вазият билан танишгач, маҳалла ва оила сингари қадриятларимизга ҳавас ва ҳайрат билан қараётганлари ҳам анчагина. Жаҳон Олимпия кўмитаси раиси Жак Роже фикрига эътибор қаратсак, ҳамма нарса ойдинлашади: «Очиғи, сизга ҳавас билан қараймиз. Чунки, сизнинг интиладиган порлоқ келажагингиз бор. Афсуски, аксарият Ғарб ва океан ортидаги мамлакатларнинг келажаги йўқ. У ерларда аҳолининг 70–80 фоизини кексалар ташкил қилади. Бари айб ўзимизда... Сизларда бўлса аксинча – туғилиш, кўпайиш кўп. Сизлар эртанги кун умиди билан яшайсизлар. Фарзандларингиз соғлигини ўйлаб, уч

боскичли спорт мусобақалари тизимини яратганингиз ҳам худди шу — келажак тўғрисидаги орзу-ўйларингиз ифодаси». Германиялик профессор Л. Левитин эса шундай ёзади: «Сизлар ўз маънавий маданиятингиз, турмуш тарзингиз Фарб мамлакатларига нисбатан устун эканлигини кўпинча билмайсизлар. Бошқа юртдан келганлар буни дарҳол сезиб, калбдан хурсанд бўлишади. Фарб одами ўзини якка-ёлғиз ҳис этади. Ўзбеклардаги ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ўзаро ёрдам руҳи, одамлараро мулоқот маданияти, маҳалладаги меҳр-оқибатлилиқ ва бошқа шу каби фазилатлар бошқа халқларда йўқ ёки кам учрайдиган ҳодиса. Агар ўзбек якка-ёлғизликни ёқтирганда ҳам тарихан таркиб топган анъаналар бунга йўқ қўймайди». Яна бир мисолни Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари, профессор Муҳаммаджон Қуронови «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган «Эгоцентризм — ёввойилиқ фалсафаси» сарлавҳали мақоласидан келтирсак, ортиқчалиқ қилмаса керак.

Европалик тадбиркор Ўзбекистонда 3–4 йил муқим яшаб, тижорат қилибди. Сафари қариб, кетар вақти етганда камгап, ғамгин бўлиб қолибди. Боисини сўрашса, индамай, бош чайқар эмиш. Охири «кетар жафоси»га бағишлаб, ош қилишибди. Зарбоф тўн кийдиришибди. Ана шунда жаноб Байди ўзбек ҳамкорларига ёрилибди:

«Шу пайтгача яхши пул топдим. Ўғлимга ёрдам қилиб келдим. Ватанимга қайтиб боргач, нафақага чиқсам, аввалгидек пул топа олмайман... Ҳеч кимга кераксиз предметга айланаман. Ўлсам, ўғлим билмайди. Билганда ҳам хафа бўлмайди.

Тўрт йил Ўзбекистонда яшадим. Қишлоқ, маҳаллаларда бўлдим. Ўзбекларнинг турмуши ҳақиқий, инсоний турмуш экан. Европада кексайганингда бебахтлиқ, хорлик бошланади. Ўзбекларда эса ҳаёт гаштини суриш бошланар экан.

Жисмим Фарбга кетаётир. Кўнглим Ўзбекистонда қолаётир», дебди намланган кўзларини жовдиратиб.

Бу не ҳол?

Бу — 61 ёшли инсоннинг, одамгарчилиқ маконидан Ватани — худбинлик худудига қайтаётган кишининг видолашуви эмасми?

Бу — биз учун одатий, аммо Фарбда топилмайдиган асл ўзбек турмушига бир европаликнинг таъзими эмасми?..

Инсон маънавиятига таҳдидлар ва улардан ўзини онгли ҳимоя қилиш кўникмалари таълим-тарбия, бобо-момолар ўғити, ота-оналар ибрати, эзгулик ва ёвузликни ажрата билиш жараёнида шакллана боради.

Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», деган фикри ХХI аср ибтидосида ҳам ўз долзарблигини сақлаб турибди. Чунки таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин, айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш орқалигина онгни ўзгартириш мумкин.

Миллий ғоя тарғиботини таълим-тарбия жараёни самарали кечадиган оила орқали амалга ошириш мақсадга тезроқ эришиш имконини беради. Ҳар биримиз ҳаёт ҳақидаги дастлабки тасаввурларни ўзимиз вояга етган оиладан олганмиз. «Қуш уясида кўрганини қилади», деганларидек маърифатли, зиёли оилада тарбияланган бола мактаб, маҳалла, жамоат жойларида ножўя ҳаракат қилмайди. Бу хусусда А. С. Макаренко ота-оналарга шундай маслаҳат бергани: «Сизнинг хулқ-атворингиз ҳал қилувчи омилдир. Сиз болани фақат у билан гаплашаётганда, унга бирор нарсани ўргатаётганда ёки буйруқ бераётганда ўргатаман деб ўйламай. Сиз уни ҳаётингизнинг ҳар бир сониясида, ҳатто, ўзингиз уйда йўқ чоғингизда ҳам тарбиялайсиз. Сизнинг қандай кийинишингиз, бошқа кишилар билан қандай гаплашишингиз, қандай қувонишингиз ва ташвишланишингиз, дўстларга ва душманларга қандай муомала қилишингиз, қандай қилишингиз, қандай газета ўқишингиз бола учун катта аҳамиятга эга. Товушингиздаги озгина ўзгаришни ҳам бола сезади ёки ҳис этади, фикрингиздаги барча бурилишлар кўринмас йўллар орқали унга етиб боради». Демак, фарзандга таълим-тарбия берилаётганда ота-оналарнинг ўзлари улар учун намуна, ибрат бўлмоқлари лозим. «Авесто»да бу хусусда шундай ёзилган: «Ёмон тарбиячи ўз

таълими билан илоҳий сўзларни тескари қилади ва тириклик идрокини хароб айлайди. Ҳақиқатда, у одамларни ростликнинг бебаҳо сармоясидан ва Эзгу Ниятдан баҳраманд айлайди» (Гох, 32-Ясна, 9-банд). Айнан шу сабабга кўра миллий ғояни бола, ёшлар, умуман инсон қалби ва онгига сингдириш жараёни оиладан бошланса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу ўринда улуғ муаллим Абдулла Авлонийнинг бугунга дахлдор ўта муҳим бир фикрига эътибор қаратсак: «Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилиниб келган, муаллимларнинг диққатларига суянган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, ғайратлик бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг даражада муҳтождирки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур. Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам, иккиси бир-биридан ойилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидир». Демак таълим ва тарбия ўзаро узвий боғлиқ шарқона тушунчалардир. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Инсонинг қонида эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам, муҳаббат ҳам, хиёнат ҳамиша ёнма-ён яшайди. Қайси бир сифатнинг балқиб юзага чиқиши муқаррар тарбияга боғлиқ. Тарбияни эса муҳит белгилайди. Муҳитни яратадиган жамиятдир. Шўро давридаги таълим-тарбия тизимининг энг номақбул томони шундан иборат эдики, ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик, битирувчиларнинг билимига қараб эмас, аввало, уларнинг коммунистик ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш тамойили асосий ўринни эгалларди. Кўпчилик ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, амал-тақал қилиб дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирарди. Бу тузумдан қолган мерос ичида шунга ўхшаш салбий асоратлар, афсуски, ҳозир ҳам сезилиб турибди.

Авлод тарбияси масаласи барча замонларда фидойи зиёлилар диққат марказида турган. Миллатни озод кўриш истагидаги жаҳид маърифатпарварлари Абдулла Авлоний сингари, бу муаммони ҳаёт-мамонт масаласи деб ҳисоблаганлар. Жумладан, Фитратнинг «Нажот йўли» рисоласида шундай ғоя илгари сурилган: «Ҳаётнинг умумий жадалгоҳида инсоннинг ўрни буюк. Ҳар бир одам улғайгач, бахт-саодатини таъминлаш учун бу жадалгоҳга кириб курашишга мажбур. Бу кураш майдонида ўзида уч нарсани мужассамлаштирган инсонгина ғолибликка эришиши мумкин. Бу уч нарса: тансиҳатлик, соғлом фикр ва яхши ахлоқдан иборат. Шу уч нарсанинг биттасидан маҳрум бўлган одам бу курашда мағлуб чиқиши муқаррар. Бошқа ибора билан айтганда, бахт-саодат жисмонан соғлом, солим фикрли ва чиройли хулқли инсонга насиб этади, шу жиҳатларга эга бўлганлар турли хил бадбахтликларни муносиб кутиб оладилар. Баст, фарзандининг бахтсиз бўлишини истамаган ҳар бир ота уни мустақил ҳаётга қўйиб юборишдаг олдин, шу мазкур учта аслаҳа билан қуроллантириб қўйиши керак. Тарбиянинг маҳсули ҳам шундай, яъни одамни тарбия қилиш уни жисмонан, фикран ва хулқан камолга етказиб, саодатга эришишга қобил қилишдан иборат. Гарчи, ҳар бир инсон бешиқдан то қабргача тарбия олиш қобилиятига эга бўлса-да, лекин уни болалиқдан тарбиялаш таъсирлироқ ва жуда муҳимдир. Шундан ҳар бир маданий тоифа гўдакларни тарбияси хусусида жиддий бош қотириб, сарфи ҳиммат қиладилар. Улар истиқболларининг саодатли ёки фалокатли бўлишини ёш авлод тарбиясига боғлиқ ҳолда кўрадилар». Шу боисдан ҳам уч минг муқаддам «Авесто»да «ўзгаларни яхшиликка олиб борган кишиларгагина яхшилик насиб этади» (Гох, 43-Ясна, 1-банд), деган эзгу ғоя илгари сурилганди.

Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши керак. Акс ҳолда бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожеаларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларнинг ишда, турмушда, оила ва жамоат орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишига олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп тўсиқларга дучор бўлади, беқарор ва салбий таъсирларга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади. Бугунги ҳаёт шиддати, воқеалар ривожини шу қадар жўшқинки, биз маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва зарур ишларни амалга ошираётган бўлсак-да, баъзи ўринларда, афсуски, кеч қоляпмиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда айрим ёшларда миллатга, Ватанга фойда келтиришни ўйлаш, истиқлолни мустаҳкамлашда фойдали инсон бўлиб етишиш ҳисси махсус, илмий асосда шакллантирилмаганлиги туфайли худбинлик, енгил йўллар орқали тўқис ҳаётга интилиш каби ҳолатлар намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, айрим фуқаролар орасида маънавий чекланганлик, дунёқарашнинг торлиги, миллий одоб меъёрларига риоя қилмаслик, сўз ва иш орасидаги тафовут, миллий ғурурнинг сустиги каби нохуш ҳолатлар учраб туради. Уларнинг айримлари «ўзимизники» бўлса, баъзилари хориждан сукилиб кираётган худбинлик ғоялари тарғиботи оқибатидир.

Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия ва СПИД сингари офатларни кўпчилик яхши билади. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошкора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, ҳозирок уларнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафасидир. Эгоцентризм худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмасликни билдиради. Инсониятга етказадиган зарари нуктаи назаридан бу иллат жаҳолат ва ақидапарастликдан асло қолишмайди.

Бизнинг ўзлимизда, ўзбеклимизда қадим замонлардан буён эгоцентризмга, худбинликка қарши кураш қуроли бор. Бу – жамоавийлик. Кўпдан айрилмай яшаш. Яхши-ёмон кунда кўпга суяниш.

Миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири – ижтимоий ҳамкорлик – азалий бойлигимиз. Лекин ҳар қандай қурол, асбоб ишлатилган тақдирдагина, фойда келтира бошлайди. Агар кетмон ёки ўроқ ишлатилмай, омборхонада ётаверса, занглайди, ишга яроқсиз бўлиб қолади. У ҳолда биз бармоқларимиз, кўлимиз билан ерни қовлашга, бегона ўтти юлишга мажбур бўламиз. Бундай ишлардан қўли чиқиб қолган қўл қонаб, яраланиб яна иш орттиради. Демак, дастгоҳ, машина, ер, компьютер... ишлатилсагина эгасига кўмаклаша олади. Кетмонни пулга олганмиз, уни ишлатмасак, табиийки, зарар кўрамиз. Ҳаётимиздаги жамоавийликнинг яхшилиги, фойдаси ҳақида гапириб, унга амал қилинмаса ҳам зарар кўрилади. Масалан, ёшлар тарбиясида. «Тарбия – ҳамманинг иши», деймиз. Аввало, ҳар бир онгли ўзбекистонлик ўз оиласидаги тарбия иши учун ўзи масъул. Ундан кейин қўшнилари, маҳалла, кўча-кўйдаги таниш-нотаниш болалар хулқи учун ҳам жамоавий бурчга эга.

Биз бегона боланинг яхши ишини кўриб мақтамасак, ёмон қилиғини кўриб, тергаб тузатмасак, бошқаларнинг ҳам бизнинг ўғил-қизимиз, неварамиз билан иши бўлмайди. «Менга нима?» деб ўтиб кетаверади. Демак, биз юртимиздаги ҳар бир боланинг хулқи учун жавобгармиз. Эзгулик ва ёвузликнинг азалий, абадий курашида қайси томон енгиллиги, пировард натижада, илмга асосланган тарғибот ва ташвиқот ҳал қилади. Бу курашда энг асосий ролни фидойи зиёлилар ўйнамоқлари даркор. Шу ўринда фидойилик нима ўзи, деган масалага бир эътибор қаратсак.

Ҳар қандай ақли расо, эс-хуши жойида бўлган инсон муайян мамлакат ва жамиятдаги қоидалар, ҳукукий меъёрларни бузмай ҳаёт кечири олади. Бундай одам расмий-ҳукукий идоралар ва тузилмалар томонидан мавжуд жамиятга таҳдид солмайдиган, хавф туғдирмайдиган шахс сифатида баҳоланади. Лекин, айнан шундай одам ахлоқсиз бўлиши, ҳуқуқни тан олган ҳолда, ахлоқий меъёрларни тан олмаслиги ҳам мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бундай кимса ўз мамлакатидagi жиноят кодексини тан олиш баробарида қалбидаги виждон қонунлари билан ҳисоблашиб ўтирмайди, жиноий жазодан қўрқади-ю, виждон азобини билмайди. Энди шу фикрни мисол орқали тасаввур қилиш ва изоҳлашга уриниб кўрсак. Кўз олдингизга келтиринг, эрта баҳорда шаҳар ичидан оқаётган канал бўйлаб шошиб кетаётган одам сувга чўкаётган, кўмакка муҳтож кишини кўриб қолди. Лекин, дарҳол ўзини сувга ташлаб, ғарқ бўлаётган одамни қутқаришга уринмади. Чунки, биринчидан, чўкаётган у эмас, иккинчидан, эғнидаги яп-янги, бугун биринчи марта кийилган костюм-шими сувга тушса расво бўлади, учинчидан, унинг мутлақо вақти йўқ, ўта фойдали иш юзасидан учрашувга шошяпти, тўртинчидан, сув ҳали

совук, шамоллаб қолиши мумкин, бешинчидан, ахир бу одамнинг чўкишига у сабабчи эмас-ку! Шундай қилиб, фожеа юз берди. Бир одам чўкиб кетиб, ҳаётдан кўз юмди, иккинчи одам эса, бу фожеани кўра-била туриб, ўз шахсий манфаати йўлида бамайлихотир давом этаверди. Бунинг оқибатида у қамалмайди ҳам, жарима ҳам тўламайди. Ундай кимса ҳақида фақат инсофсиз, виждонсиз экан, деган фикр билдирилади, холос.

Энди бошқа йўловчини тасаввур қилинг: у ўйлаб-нетиб ўтирмай, шу заҳотиёқ ўзини сувга ташлаб, чўкаётган одамни қутқарди, дастлабки тиббий ёрдамни кўрсатиб таксида ўз уйига қайтишга мажбур бўлди: кийим-бош шалаббо, каттагина фойдадан қолди, беш – олти кун шамоллаб, дори-дармонга ҳам анчагина маблағ сарфлади. Лекин, у бу ҳолатга ачинмайди. Юз берган воқеани эслаганда афсусланмайди, аксинча, ўз хатти-ҳаракатидан, бир инсонни ўлимдан асраб қолганидан қониқиш ҳиссини туяди. Ва бу хотирлаш унга инсоний руҳ бахш этади.

Бу ҳодисада биз ҳаётда икки хил тамойил асосида ҳаракат қилган икки кишини кўрамыз: биринчиси – худбин кимса, иккинчиси – фидойи инсон. Гарчи, қонун биринчи кишини худбинлиги, эгоизми учун жазоланмаган ва иккинчи инсонга алоҳида мукофот, имтиёз бермаса-да, жамият, маҳалла-кўй, одамлар уларга икки хил муносабатда бўладилар: худбинликдан нафратланадилар, фидойиликдан ҳайратланиб, миннатдорчилик билдирадилар, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатадилар.

Демак, фидойи инсонга бошқалар томонидан иззат-ҳурмат кўрсатилишига сабаб шуки, у истисноли, фавқулодда ҳолатларда ўзининг кундалик ҳаёт мажбуриятларини ва муносабатлари даражасини ҳеч кимнинг даъватисиз мустақил, ихтиёрий равишда ошира олиш қудратига эга бўлади. Фидойи инсон бошқалар, жамият, Ватан манфаати йўлида ўз қонуний манфаатларини, баъзан эса ҳатто ҳаётини қурбон қилишга тайёр туради ва зарурият туғилганда қурбон қилади ҳам.

Шу ўринда олис замонларда яшаб ўтган аجدодимиз Широқнинг Ота юрт истиклоли йўлидаги фидойилиги ёдга тушади. Биз бу инсоннинг оддий чўпон бўлганлигини биламиз, холос. Унинг ўзи қандай шахс бўлган, ёшми, кексами, бола-чақаси бўлганми-йўқми эканидан бутунлай беҳабармиз. Лекин, шуни аниқ айтиш мумкинки, у бирор мактабда ўқиб, хат-савод чиқармаган бўлса керак. Яна шуниси аниқки, у телевизор кўрмаган, радио эшитмаган, газета ўқимаган. Бинобарин, Ватанни севиш, унга жон фидо айлаш кераклиги ҳақида хитобу чақириқларни эшитмаган. Лекин, юртига бостириб келган ёвни саҳрога олиб бориб адаштириб келишга қарор қилганида, ўзининг ҳам соғ-саломат қайтиб келмаслигини яхши билган. Демак, Ота Маконини ғанимдан асраб қолиш учун онгли равишда жонини қурбон қилишга отланган. Албатта, унинг номини мангу қаҳрамонлар сафига олиб кирган бу мислсиз фидойилик элу юртга, Ватанга муҳаббатдан, ўзини халқининг бир зарраси, юртининг содиқ фарзанди деб ҳис қилишидан туғилган. Широқнинг жасоратини мангу қилган омиллардан, унга бекиёс гўзаллик бахш этган хислатлардан бири унинг ҳар қандай таъмадан мутлақо холилиги бўлган. Ҳар ҳолда, Широқ «бир замонлар келиб ўзбек ёшлари менинг жасоратим ҳақида дарсликлардан ўқиб, шаънимга олқишлар ёғдиришар» деган ўйдан мутлақо йироқ бўлган.

Фидойилик билан боғлиқ фаолиятга хориждан ҳам мисол келтириш мумкин. Жанубий Корея тараққиётига катта ҳисса қўшган Йонг Ки Ким XX аср 30-йилларида «12 оила – қишлоқда» деган ҳаракатни бошлаб, гиёҳ ҳам кўкармаган ташландиқ тепаликни сотиб олиб, уни обод қилишга киришган. Кейинчалик фермерлар тайёрлайдиган «Канаан» («Имкониятлар») мактабини очган. Йонг Ки Ким ҳамиша фақат ташландиқ, гиёҳ ўсиши кийин бўлган ерларни сотиб олиб, обод қилиб, одамларни ўз ташаббуси, бунёдкорлик ғояси ортидан эргаштириб, юрт равнақи ва ободончилигига ҳиссасини қўшган. Бугунги кунда «Канаан» билим даргоҳининг бош мақсади – тингловчиларда инсоний этикод туйғуларини шакллантириш, уларга инсоний фазилатлар – комиллик, ўзаро тенглик, биродарлик, ватанпарварлик ҳис-туйғуларини сингдиришдан иборат. Ушбу мактабда ҳар бир тингловчига Ватан ва миллат равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиш, Ота юртни жондан ортиқ севмоқлик шарт эканлиги ғояси сингдирилди. Битта фидойи, ватанпарвар

инсоннинг юксак ғояларга асосланган ишлари бугунги кунда кенг ёйилиб Жанубий Кореянинг обод бўлишига катта ҳисса сифатида қўшилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, фидойилик тамойилининг мазмуни турли тарихий давр ва ижтимоий жараёнларда турлича муайянлашади: у маълум даврларда оммавийлашуви ёхуд сусайиб кетиши ҳам мумкин. Масалан, аجدодларимиз, ота-бобо, момоларимиз томонидан иккинчи жаҳон уруши даври жанггоҳларида ҳам, фронт ортида ҳам миллионлаб фидойилик намуналари кўрсатилган.

Истиқлол даврининг дастлабки йилларида эса баъзи кишиларда худбинлик тамойили кучая бошлади. Ўтиш давридан ўсиш даврига ўтилган ҳозирги босқичда эса, аксинча, аста-секинлик билан фидойилик устувор тамойил мақомини эгаллаб бормоқда. Президент Ислам Каримовнинг фидойилик тамойили моҳиятини тўла англатадиган «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!» деган даъватини ахлоқий шиор қилиб олган юртдошларимиз, зиёлилар тобора кўпайиб бормоқда. Ана шу кўпайиб бориш жараёни қанча тезлашса, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ҳам ошиб, мафкурамизнинг энг асосий ғоялари ёшлар онги ва қалбига шунчалик мустаҳкамроқ сингдирилган бўларди.

## МАФКУРАВИЙ СИЁСАТ, ИММУНИТЕТ ВА ПРОФИЛАКТИКА

Муайян ғоявий қарашлар тизимини одамлар онгига сингдириш, зарарли маънавий-мафкуравий таъсирлар, турли шаклдаги тазйиқларнинг олдини олишга қаратилган услуб ва воситалар ҳамда уларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш ва бошқариш билан боғлиқ фаолият мажмуи мафкуравий сиёсат деб аталади.

Мафкуравий сиёсатни ғоявий вазифаларни амалга ошириш мақсадидаги ҳаракат тарзида ҳам тушуниш мумкин. Бу вазифалар муайян мамлакат ёки халқнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, нуфузи, халқаро иқтисодий, сиёсий ва дипломатик алоқалардаги мавқеи, тараққиёт даражаси каби қатор кўрсаткичлардан келиб чиқади. Масалан, мустакил Ўзбекистон шароитида миллий истиклол ғоясини яратиш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш масаласи ғоят долзарб муаммолар қаторига киради.

Одатда, ички ҳамда ташқи мафкуравий сиёсат бир-биридан фарқланади. Ички мафкуравий сиёсат мамлакат, халқнинг ўз олдига қўйган стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, тараққиётнинг янги бир босқичига кўтарилиши учун фуқароларни сафарбар қилиш вазифасини ўтайди.

Ташқи мафкуравий сиёсат, ўз халқи ва мамлакатининг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш, мустакил тараққиётнинг халқаро муносабатлар билан боғлиқ жиҳатларини таъминлаш ҳамда бегона ғояларнинг таъсиридан асраш, ҳимоя қилишга қаратилган бўлади.

Мафкуравий сиёсат самарадорлиги унинг қандай воситалар, усуллар ва шаклларда юритилишига боғлиқ. Бу ўринда ижтимоий тараққиётдаги турли гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатлари ҳисобга олиниши муҳим аҳамиятга эгадир. Мафкуравий таъсир ўтказиш йўллари омма учун қанчалик яқин, тушунарли ва табиий бўлса, ижтимоий-гуманитар фанлар ютуқларига таянган ҳолда ташкил этилса, мафкуравий сиёсат шунчалик самарали бўлади.

Бизга таҳдид солаётган ёт, вайронкор ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш вазифаси бугунги кунда ғоят долзарб аҳамият касб этмоқда. Шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизим мафкуравий иммунитет деб аталади. Аслида, иммунитет тиббиётга дахлдор тушунча бўлиб, у организмнинг доимий ички муайянлигини сақлашга, турли ташқи таъсирлардан, инфекциялардан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуини ифодалайди. Содда қилиб айтганда, иммунитет – организмнинг ўз-ўзини турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир. Шунингдек, у дахлсизлик маъносини ҳам англатади (масалан, депутатлик иммунитети, дипломатлик иммунитети).

«Мафкуравий иммунитет» тушунчаси биринчи бор Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан қўлланган ва унга қуйидагича таъриф берилган: «Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур».

Айнан шу сабабга кўра ёш авлодда ғоявий таҳдидларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш масаласи кун тартибидан ҳеч қачон тушмайдиган муаммолардан бири ҳисобланади. Мафкуравий иммунитетни шакллантириш, энг аввало, таълим-тарбия билан инсон яшаб турган ижтимоий муҳит билан бевосита боғлиқдир. Қадим-қадимдан мозий сабоқлари инсон яшаб турган давр воқеаликни англаш қулфининг калити ҳисобланган. Тарихий онг ижтимоий онгнинг таркибий элементи сифатида, авваламбор, ўтмиш ҳақидаги билимлар, тарихий тажриба ва сабоқларни умумлаштириш, ҳодиса ва жараёнларга нисбатан муносабатларни шакллантириш каби жиҳатларни камраб олади. Тарихий онг таркибига кеча, бугун ва эртаганинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда уларнинг бир бутун ҳолда тасаввур этилиши ҳам киради. Тарихий онг кишиларга бугунги кунда юз бераётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг моҳияти, илдизи ва оқибатлари ҳамда

аҳамиятини теран англаш имкониятини беради. Шу билан бирга у мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир.

Оқсоч мозий тажрибаси шундан далолат берадики, ўзининг тарихий илдиэларига эга бўлмаган мафкура ҳеч қачон жамият аъзолари онгида мустаҳкам ўрин эгаллай олмайди. Одатда, мафкуралар эл, миллат тарихи билан чамбарчас ҳолда шаклланади. Тарихни билиш ва англаш эса ўз навбатида инсон учун ҳар қандай мафкуравий жараёнлар моҳиятини тушуниш имконини беради. Аждодлар тарихини чуқур билиб, унинг ҳақиқатини англаб етган инсон ҳеч қачон Ота Макон учун етти ёт бегона ғоялар таъсирига тушиб қолмайди. Шу боисдан ҳам биз ёш авлодда тарихий онгни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоғимиз даркор. Тарихий онг инсонга ҳозирги ғоят мураккаб, таҳликали даврни мозий ва келажак билан боғлиқликда тасаввур этиш, ўзини тарихнинг бир бўлаги, аниқроғи, унинг яратувчиси эканлигини ҳис этиш имконини беради. Чунки, кеча нима бўлганини билмасдан туриб, бугунни англаш ва келажакни тасаввур қилиш ғоят мушкул муаммодир.

Ҳозирги даврда инсоният тараққиёти, бугунги ҳаётига таҳдид солаётган диний фундаментализм, экстремизм, терроризм, агрессив миллатчилик каби иллатлар асл қиёфаси, уларни вужудга келтирган ижтимоий, ғоявий илдиэларни чуқур англаб етиш ҳар бир инсондан тарихий билимларни мукамал ўрганишни талаб қилади. Инсоният тарихи бундай иллатлар қанчадан-қанча кулфат ва қирғинбарот урушларни келтириб чиқарганлигига кўп бора гувоҳ бўлган.

Тарихда ҳодиса ва жараёнлар айнан ҳолда такрорланмаса-да, турли даврларда юз берган воқеалар ўртасида маълум бир умумийлик мавжуддир. Айнан шу нуқтаи назардан, бугун инсониятга суиқасд қилишга уринаётган мафкуравий иллатлар мозий гувоҳи бўлган бошқа ғоявий таҳдидларнинг ўзгача бир кўринишидир. Тарихий онги шаклланган шахс бузғунчи ғояларнинг катта хавф эканлигини тезда англай олади ҳамда улар таъсирига тушиб қолмасликка уринади. Шу билан бирга вайронкор мафкураларга «ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши – маърифат» тамойили асосида курашишга ўзида куч-қувват топа олади. Айнан мана шу жиҳатдан мозий сабоқлари инсонни доимо огоҳликка чорлаб, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаб боради.

Миллий ғоя асосидаги мафкуравий иммунитет, аввало, ҳар бир юртдошимизнинг мустақил эътиқод ва дунёқарашга эга бўлишини тақозо этади. У Президентимиз Ислам Каримов асарларида илгари сурилган олижаноб, эзгу, бунёдкор ғоялар, юртимизда амалга оширилаётган ислохот натижалари, ота маконимиз ва жаҳон тарихи, миллий ва умумбашарий қадриятлар, замонавий цивилизация ютуқларига доир билим ва тасаввурларга таянади. Соғлом иммунитетга эга бўлмаган одам соғлом эътиқод ва дунёқарашдан ҳам маҳрум бўлади. Ундай кимсалар яхши ва ёмон, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига боролмайдилар. Турган гапки, фақат ўзини ўйлайдиган худбин учун халқ ва Ватан манфаатлари ҳам бегона бўлиб қолади. «Авесто»да бу хусусда шундай ёзилган: «Кимки Ашах – Ҳақиқат ҳузурига келса, охиратда унинг манзили ёруғлик бўлади.

Аммо, зулмат бу – амалга ошмайдиган ният, сўқирлик, «во дариғо»ликдир. Ҳақиқатда дин ва кирдикори шундай кимсаларнинг тириклиги пировард-натижада уларни зулмат қаърига тортиб кетади» (Гоҳ, 31-Ясна, 20-банд).

Соғлом иммунитетли инсон эса ўзини ёмон, ноқонуний ишлардан тия олади. Ноҳақлик ва зулмга қарши, агар имкони бўлса, очиқ курашади. Агар имкони бўлмаса, ўзини кучи етмаслигини билиб, англаб турса, бундай ноҳақликка қарши қалбида норози бўлиб, ўз нафратини билдиради. Шу ўринда «Хужжатул ислом» – «Исломнинг ҳужжати» мақомига эришган Абу Ҳамид Ғаззолийнинг кўрилатган масалага дахлдор фикрига эътибор қаратсак: «Пайғамбаримиз буюрадиларки: – Қайси бирингиз Аллоҳ ризосига тўғри келмайдиган бирон хатти-ҳаракатни кўрсангиз, уни қўлингиз билан огоҳлантиринг. Агар бу унга таъсир қилмаса, тилингиз билан бу ҳаракат тўғри эмаслигини айтиб, йўлга солинг. Кимда-ким тили билан ҳам, қўли билан ҳам бирон иш қилолмаса, лоақал бу ҳаракатни маъқулламаганлигини кўнглидан ўтказсин. Имонлиларнинг энг заиф феъли шудир.

Бу ҳадис юзасидан баъзи олимларимиз шундай дейдилар:

– Ёмонликка қўл таҳдиди билан монев бўлмоқ амалдорларга, тил билан монев бўлмоқ, яъни ул хатти-ҳаракатнинг ёмонлигини тил билан тушунтирмоқ олимларга, қалбан маъқулламаганини кўнглидан ўтказмоқ эса авом табақасига оиддир». Демак, юқоридаги фикрдан шундай хулоса келиб чиқадики, зиёли ҳар қандай ҳолатда ҳам ёвузликка қарши тил, фикр билан курашмоғи лозим. «Авесто»да ҳам «Барча эзгулик уруғини тарқатувчилар... Ашоҳ – Ҳақиқатнинг энг гўзал одобларини башариятга ёйгувчиларга ҳамд-санолар, шодмонлик ва офаринлар бўлсин!» (Гоҳ, 4-Ясна, 25-банд) дейилади.

Бинобарин, ёмонлик, ёвузликка қарши нафрат, яхшиликка нисбатан муҳаббат ва хайрихоҳлик, даъват – соғлом иммунитетнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Мафкуравий иммунитет эса ана шундай иммунитетдан ўсиб чиқади. Унинг асосий хусусиятлари огоҳлик, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан кураша олиш кўникмаларидир.

Мафкуравий иммунитетни ўзига хос хусусиятлари билан қуйидагиларга ажратиш мумкин. Биринчидан, инсоннинг умумий иммунитет тизими туғма бўлса, мафкуравий иммунитет шакллантириб борилади. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун алоҳида хусусиятга эга бўлади. Учинчидан, иммунитет тизими махсус шакллантирилган тақдирдагина жамиятда мафкуравий дахлсизлик таъминланади.

Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи элементи, бу билимдир. Аммо, билимларнинг ҳам тури кўп. Масалан, ирқчилик, коммунизм, фашизм, терроризм мафкураси тарафдорлари ҳам муайян «билим»ларга асосланадилар. Шундай экан, мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойиши, халқ ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий элементи ана шундай илғор билимлар замирида шаклланадиган баҳолар, қадриятлар тизимидир. Қадриятлар тизими эса мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ҳамда вайронкор ғоялар йўлида мустаҳкам қалқон сифатида хизмат қилади.

Аммо, билимлар ва қадриятлар тизимининг ўзи мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Чунки бу икки элемент мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим омили, яъни ижтимоий- иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий соҳалардаги мақсадлар тизими билан чамбарчас боғлиқ. Ана шундай аниқ мақсадлар тизими бўлмаса инсон, миллат ва жамият, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона шаклдаги ғоявий таъйиқларга бардош бера олмай қолади.

Жамиятга ёт, бегона ғоялар бирданига кира олмайди. Улар, аввало, миллат азалдан ишониб келган мерос, қадриятларга ишонч, умидни сўндиришга уринадилар. Бунинг учун миллий қадриятлар демократияга зид, эскилик сифатида ёмонланиб, обрўсизлантирилади. Натижада, мафкуравий иммунитетни синдиришнинг биринчи босқичи амалга ошади – миллат аждоглари, ўзи ишониб келган ғоялар, қадриятларга бефарқ муносабатида бўла бошлайди. Азалий қадриятларга амал қилинмай қўйилади, одамларда бундайларга нисбатан лоқайд муносабат шаклланади, замонавийлик ниқобини кийиб олган бундай кимсалар ҳатто маъқулланади ҳам. Қадрсизланган ғоялар эса аҳамиятсиз нарсаларга айланиб қолади. Ғоявий ғанимлар бўшлиқни шу услубда яратиш, очиб оладилар.

Ғоявий бўшлиқ очиб олинган, энди унинг ўрнини ўз ғояси билан тўлдириш ниятида бегона қадриятлар жозибали қилиб тасвирланади. Бузғунчи ғояга хос «янгилик» ва у бераётган ваъдалар одамлар қулоғи ва кўзи орқали онг ва қалбга кира бошлайди. Мафкуравий бўшлиқ ана шундай равишда аста-секин тўлдирилади. Агар инсоннинг қалби ва онги заҳарланса, кейин уни аввалги соғлом ҳолатига қайтариш осон бўлмайди.

Шу сабабдан ҳам жамият, ундаги тоифалар ва қатламлар онгида содир бўладиган ғоясизлик, вакуум ҳолати, яъни ғоявий бўшлиққа йўл қўйилмаслиги даркор. Муайян ақидалар, фикр ва ғоялар замон танқидига учраганда ёки янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан инкор этилганида, давр талабига жавоб берадиган ғоялар тўла

шаклланиб улгурмаган ҳолларда жамиятда ғоявий бўшлиқ вужудга келади. Ғоявий бўшлиқнинг юзага келиши чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий-психологик муаммо ва жараёнлар билан боғлиқ. Одатда, янги ғоялар турлича таъсир кучига эга бўлади. Айрим гуруҳлар уларни жуда тез қабул қилади, баъзи тоифаларнинг аввалги мафкуравий ақидалардан юз ўгириши ва янги ғояларни қабул қилиши эса, қийин кечади.

Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишининг яна бир манбаи — жамиятда бу соҳадаги тарбиянинг етарли эмаслиги, мафкуравий жараёнларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги ҳам бўлиши мумкин. Агар давлат ёки миллат, ижтимоий гуруҳ ёки қатлам ўз манфаатларини, мақсадларини аниқ-равшан ифода этадиган ғояларни кишилар, айниқса, ёш авлод онги, қалбига мунтазам равишда сингдириб борилмаса, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлади, ишонч-этикод сусаяди, мафкуравий таҳдидлар кучаяди.

Ғоявий бўшлиқ, имонсизлик ҳар қандай жамиятга жиддий хавф солади. Агар ғоявий бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини шу халқнинг табиатига бегона турли хил вайронкор ғоялар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар. Шу боисдан ҳам ўз келажагини ўйлаган ҳар бир давлат ва жамият ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, эскирган ақидалар ва бегона қарашларни инкор этиш билан бирга, илғор фикрлар, улуғвор орзу ва мақсадларни одамлар онги ва қалбига сингдиришга ҳаракат қилади.

Миллий ғоя ва мафкура ғоявий бўшлиққа йўл қўймайди, маънавий ҳаётни бутун халқ ва ҳар бир фуқаро манфаатига мос келадиган юксак ва жозибали ғоялар билан бойитади. Бу ўз навбатида, фуқароларда эртанги кунга ишонч ва келажакка умид ҳиссини мустаҳкамлайди.

Шу боисдан ҳам бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олган ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи — мафкуравий профилактика доимий эътиборни талаб қилади. Мафкуравий профилактика ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликнинг олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳалос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва йўлларида фойдаланиш, турли воситаларни қўллаш лозим бўлади.

Мафкуравий профилактика тезкор ва қисқа суръатларда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш зарур бўлса, иккинчи ҳолда доимий ва собитқадамлик билан фаолият кўрсатиш ижобий натижаларга олиб келади.

Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ҳам мафкуравий профилактика долзарб аҳамият касб этади. Зеро, у моҳиятан, ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларга таянади.

Таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани амалга оширишга ёрдам беради. Соғлом мафкурани омма онги ва қалбига сингдиришга хизмат қиладиган оила, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртлари, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари сингари ижтимоий тузилмалар мафкуравий профилактика жараёнида ўта муҳим роль ўйнайдилар.

Шунингдек, Ватан, эл манфаатлари, дўстлик ва ижтимоий ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи эртақлару дostonлар, қўшиқлару рақслар, турли кўриниш ва мазмундаги маънавий-маърифий тадбирлар мафкуравий профилактикани амалга ошириш шакллари ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганидек, Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафаси ошкора кўзга ташланмайдиган, лекин маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлардан биридир. Тобора кенгайиб, ўз шаклини ўзгартириб бораётган ғарбона ахлоқсизликни аксарият ғўр ва тажрибасиз ёшлар «европача маданият» ва «эркинлик» сифатида қабул қилиб, алданиб қолишлари мумкин. Ушбу муаммо хусусида 1919 йилдаёқ Фитрат шундай ёзганди: «Уларнинг тилаклари бизга маданият бериб, бизда маориф тарқатиш, бизни тараққий эттириш эмас, ... бизнинг ахлоқимизни бузмоқ, бизнинг соғлиғимизни хароб этмоқ ва уруғимизни қуриштириб, бизни ишдан чиқармоқ ва қўлларига муҳтож қилиб қўймоқдир». Ўша Фитрат томонидан

1914 йилда битилган «Нажот йўли» рисоласида ахлоқ тарбияси масаласига алоҳида эътибор қаратилганди: «Болалар ахлоқий тарбияни муҳитдан (яъни атрофдан) оладилар, бошқача қилиб айтганда, болалар сувга ўхшайдилар, сув идишнинг шаклини олганидек, болалар ҳам муҳитнинг одат-ахлоқини қабул қиладилар. Яъни уйда ота-оналаридан, мактабда синфдош ва муаллимлардан, кўчада ўртоқларидан кўрган одат ва ахлоқларни тезда ўзлаштириб, шу ахлоқ билан юрадилар.

Болалар уйда ота-оналаридан, мактабда ўқитувчиларидан ахлоққа ҳилоф бўлган одат ва ишларни кўрмасликлари ахлоқий тарбия ҳисобланади...

Маданий халқлар фарзандларининг ахлоқий тарбиясига катта аҳамият берадилар. Бузуқ ахлоқ эгаларини муаллимликка у ёқда турсин, ҳатто мактаб остонасидан ичкарига ўтказишмайди, болаларнинг ахлоқига зид китобларни ҳам киритишмайди»...

Бегона ўтлар юлиб ташланмаса, шоли кўкармайди, ҳосил бермайди. Ўз вақтида «ўтоқ» қилинмаса, инсон онгининг тилсимланган сирхоналарида сақланаётган ибтидоий инстинктлар ва санамга айлантирилаётган садизмга мойиллик кайфиятлари бартараф этилмаса, инсониятга қарши қаратилган жиноят даҳанаки хавф-хатардан расмана қоидага айланиб қолиши ҳам мумкин. Айни чоғда миллий ахлоқ-одоб, кўникма, стратегик идеалларга мутлақо ёт бўлган ва ҳар куни муваффақиятли равишда тарғиб қилинаётган «бозор маърифати», «янгича турмуш тарзи», афсуски, турли воситалар орқали одамлар онгига сингдирилмоқда. Мутахассислар ўтказган тажрибаларга кўра, ҳатто ўйинчоқ курул-яроғни ўйнаб вояга етган болакайнинг руҳий олами жанжалкашлик, жиззакилик, тажовузкорлик жиҳатлари билан яққол ажралиб турар экан. Кўпинча баъзи ота-оналар ўзлари билиб-билмасдан болаларини ёшлик чоғидан зўравонликка иштиёқ руҳида «тарбиялаб» қўядилар. Ва вақти-соати келгач, уларнинг ўзлари биринчи навбатда, тажовузкор, худбин «бало» зарбасига дуч келадилар. Бу ҳолатни, фожеани исботловчи ўнлаб мисолларни ўзингиз ҳам келтира оласиз.

Шўро адабиётининг муҳим вазифаларидан бири – ўсмир-ёшларни қаҳрамонлик, ватанпарварлик руҳида, социализмнинг ашаддий душманларига нисбатан мурасасиз ва шафқатсиз бўлиш руҳида тарбиялашдан иборат эди. Хўш, фарқ нимада? Аслини олганда, ҳеч қандай фарқ йўқ. Устига қандай мураббо суртиб тортиқ қилинишидан қатъи назар, тарбия қотиллик, зўравонлик асосида қурилган бўлса, охир-оқибат ўзини ва ўзгаларни ўлдирадиган камикадзегга эга бўламиз ҳолос.

Шу боисдан ҳам замонамизнинг буюк адиби Чингиз Айтматов инсоният устига бостириб келаётган замоннинг бадбин башараси тўғрисида гапириб: «Ҳар бир оила ўз фарзандларини ҳар қандай мафкуравий тажовузкорликдан ҳимоя қилишга тайёр бўлиши керак»лиги хусусида огоҳлантирган эди.

Назаримда, табиатни қандай қилиб асраш, очликдан, урушлардан, техникавий тараққиёт келтириб чиқарадиган кулфатлардан ҳимояланиш тўғрисида бош қотиришдан аввал маънавий маънода инсон қандай қилиб инсон бўлиб қолажagini, нафақат ақл-идрокли мавжудот шаклида, шу билан бирга ҳис этадиган, виждонли инсон қандай бўлиши кераклигини билмоғимиз лозим. Маълум даражада ҳайвонларнинг ҳам ақли бор. Виждон ва ҳис-туйғу эса фақат инсонга хос хусусиятдир.

Кишининг комил саодатга эришмоғи учун аввало халқ фаровон бўлмоғи даркор. Халқ фаровон бўлмоғи учун оила бахтли бўлмоғи шарт. Оила бахтли бўлмоғи учун кишининг ўзида эзгулик бўлмоғи лозим. Кишида эзгулик бўлмоғи учун унинг қалби тоза бўлмоғи зарур. Чунки инсоннинг хазинаси унинг ўз қалбидадир. Қалбнинг покизалиги учун тўғри, ақлли, ҳикматли фикрлар даркор. Ақлли фикрлар учун юқори даражадаги билим керак. Юқори даражадаги билимга етишмоқ учун одам ўзини ўзи ўқишга ўргатмоғи лозим.

Дунёдаги барча нарсалар ўзининг илдизи, сабаби ва оқибатига эга, барча ишларнинг ибтидоси ва интиҳоси мавжуддир. Мана шу бошланиш ва якунланиш оралиғида нималар биринчи даражали муҳим, қайси бири охирги даражани ташкил этади – буни англаб етиш инсон эгаллаган билимнинг мағзини белгилайди. Кишининг комиллик сари қадам қўйиши барча нарсаларнинг ибтидосидир. Агар унинг илм дарахти илдизи

бефарклик, лоқайдлик, боқимандалик, тайёрхўрлик ва илтифотсизлик бўлса, меваси ҳам турган гапки, шунга ярашадир. Киши асосий мақсадини аниқ белгилаб олгач, бошқа майда-чуйда ният ва умидларни четга суриб, хотиржамлик ва саботга етишади. Осоиштилик ва саботга етган кишигина маълум бир нарса, муаммо хусусида тиниқ фикр юритмоғи мумкин. Маълум бир ғоя хусусида тиниқ фикрлай олган, ўз мақсадини англаган тарғиботчигина тингловчилар онги ва қалбига таъсир этиб, кўзланган мақсадига эриша олади.

Ўзликни англашнинг поғоналари бор. Шахснинг ўзлигини англаши унинг ўз инсонлик моҳиятини англай бориши билан белгиланади. Инсон моддий вужуд экан, аввало, ўзининг моддий маконсиз мавжуд бўла олмаслигини англаб етса ва унга нисбатан кўнглида масъулият уйғонса, ушбу масъулият маънавий деб аталмиш қувватга дастлабки туташувни ҳосил қилади. Одамни Шахсга айлантирувчи маънавий камолотнинг биринчи поғонаси шудир.

Инсон ўз моддий мавжудлигини умр бўйи, узлуксиз таъминлаб боришга мажбур, бусиз у ўзга ҳеч қандай вазифани бажара олиш имконини топмайди. Авлодлар воришлигини таъминлаш ҳам инсон бўйнидаги қарздир.

Маълумки, бу икки эҳтиёж бошқа жонзотларда – ўсимлик ва ҳайвонларда ҳам мавжуд. Улар ҳам ўз моддий мавжудлигини таъминлаб, ўздан кейин насл қолдиришга уринадилар. Лекин ҳайвон топганини ейди. Унинг учун «ўзга ҳақкига хиёнат», «ҳалол» ва «ҳаром» тушунчалари йўқ. Ўзлигини англаб етган инсон эса ҳалол меҳнат билан ризку рўз яратади. У хоҳ деҳқон, хоҳ косиб, хоҳ тижоратчи-тадбиркор бўлсин, тирикчилик йўлида уринар экан, бир ўзи ва оиласигагина эмас, бутун жамият, ўзи сингари инсонларга манфаат келтиради. Агар ҳар бир ҳайвон зоти ўзи учун буюрилган доирада кўкатлар ёки ўзга жониворларни тутиб еб, ўз нафсини қондирса, инсон биринчи навбатда, яратувчи. У ер ҳайдаб, уруғ тикади, ниҳолни парваришлаб ҳосил ундириб, ризкини меҳнати билан ҳалоллаб истеъмол қилади. Агар инсон ушбу энг биринчи вазифасини юксак мавқеига мувофиқ бажармаса, фақат ўз роҳатини ўйлаб, ҳар қандай йўл билан бўлсин, нафсини қондириш пайида бўлса, у тезда ҳайвондан ҳам тубанлашиб кетиши ҳеч гап эмас.

Улуғ маърифатпарвар Фитрат одамзод ва ҳайвонот олами хусусида шундай ёзганди: «Кўп ҳайвонлар ўзаро ёрдам ва мададга эҳтиёж сезмайдилар. Ҳар қайси ҳайвон танҳо ўзи овқатини ёки ётиш жойини топа олади. Мисол учун қушларнинг энг кичиги ва заифи чумчукни кўз олдингизга келтиринг. Бу ҳақир жонивор кичкина тирноқлари ва заиф қанотлари билан бир умр ўз ҳаётини бировнинг ёрдамисиз ўтказади.

Лекин биз одамлар уларга нисбатан ҳар қадамда бошқаларнинг мададларига муҳтожмиз. Масалан, дастурхонимиз устида турган мана шу нону чойни олиб кўринг-а: бировнинг ёрдамисиз шуларга эга бўламизми? Ёки булар осмондан тушганми? Асло бундай эмас! Балки фалон тожир бир жойдан темир олиб келган, бир темирчи уни сотиб олиб, тер тўкиб оמוчу қўш ясаган, бошқа биров хўкиз ва оמוчни олган, бир неча киши кеча-кундуз меҳнат қилиб уруғини ерга сепган, вақт ўтгач, деҳқон буғдойини ўриб, хирмон қилиб, минг заҳмат билан буғдойини майдалаб ун қилган, бозорга олиб чиқиб сотган, биров сотиб олиб сўнг фалон нонвойга сотган. Нонвой кўкрагини оловга бериб нон қилиб сотганда сиз уни олиб келгансиз...

Энди сизнинг бир лукма нонингиз учун қанча ҳамжинсларингиз саргардон бўлганини тушунгандирсиз?! Агар бошқаларнинг ёрдами бўлмаса шу нонни қаердан олар эдингиз? Биргина нон эмас, балки кийим-кечак, оилангизнинг бошқа эҳтиёжларини ҳам олиб кўринг-а. Қанча одамнинг меҳнати бир нарса учун сарф бўлган! Шуларни эътиборга олиб, одамлар табиятан жамият бўлиб яшашга мажбурдирлар. Барча мамлакатлар, миллатлар, ҳукуматлар шу табиий қонун натижасида майдонга келгандир».

Ҳайвонот ва наботот оламида ҳар бир жинс ва тур ирсият томонидан белгиланган вазифасини бажаради, яъни кучук ва хўтиқни қанча тарбия қилинмасин, барибир у оқибат-натижада ит ва эшакка айланади. Инсон ҳайвонот оламидагилардан фарқли равишда ирода эркинлиги туфайли ҳаётдаги вазифасини имон-эътиқодидан келиб чиқиб ўзи ихтиёрий белгилайди. Айни шу ирода эркинлиги инсондан ўз хатти-ҳаракатига онгли ёндашувни

тақозо этади. Ўзлигини англашга уринмаса, нафсига эрк берса, одам учун нафақат мечкай, ароқхўр ва нашаванд, шу билан бирга ўғри ва муттаҳам-каззоб, фоҳиша ва қотилга айланиш хавфи доим таҳдид солиб туради. Шундай разолатлардан инсонни ҳаё ва андиша, инсоф ва ор-номус сингари соф инсоний хислатлар сақлаб туради.

Демак, барча жонзотлардан фарқли равишда инсоннинг ҳар бир қадами маънавий ўлчамларда баҳоланади. Унинг моддий эҳтиёж ва интилишларининг ҳам маънавий мезонлари мавжуд бўлиб, моддий ҳаётни давом эттириш мақсадида ейдиган бир бурда нони ҳам «ҳалол-ҳаром»лик жиҳатидан баҳо олади ва тақдирга таъсир кўрсатади.

Юкорида «садизмга мойиллик кайфиятлари» бартараф этилиши зарурлиги хусусидаги фикр бежиз ўртага ташланмаган. «Садизм» атамаси француз ёзувчиси Маркиз де Сад (1740–1814) номи билан боғлиқ. Ушбу атама жинсий бузуклик, ёстикдошига жисмоний азоб етказиб ҳузурланиш, шунингдек, ҳаддан ташқари шафқатсизлик, бошқаларнинг азобланишидан ҳузурланиш маъносини англатади.

Маркиз де Саднинг жанжалли фитналарга, ишқий можароларнинг майда-чуйда тафсилотларига бой бўлган ҳаёти унинг романларига кўчиб ўтган ва манфур шафқатсизликнинг намунаси бўлиб хизмат қилади. Унинг «Жюстин», «Содомда 120 кун», «Фоҳишахоналар фалсафаси» сингари тубандан-тубан китобларида инсон боласи хайвондан-да баттарроқ, шармандалироқ ҳолатларда тасвирланади, жинслараро муносабатларда ҳеч қандай шарм-ҳаёга, одоб-ахлоққа мутлақо тўғри келмайдиган манзаралар чизилади, жирканч ишларга тарғиб қилинади. Де Саднинг китобларида ёвузлик тараннум этилади. Унинг «Жюстин» романида шафқатсизлик саҳнаси тасвирланган ёркин бир парча бор: Жерканд исмли қаҳрамон дастлаб ўз хотинини ярадор қилади, сўнг қонни кўриб жазаваси тутати – бундан ўзини йўқотар даражасида завқ олади. Ҳар ҳафтанинг маълум бир кунида мана шу ҳолат такрорланаверади. Аёл коп-қора қонига беланиб, сулайиб қолганидан кейингина эри ҳузурбахш қилиқларини бас қилади. Аёлни Жюстинга садоқати, камсуқумлиги таҳсинга сазовор. Чўри бўлиб келган хонадонда у мисли кўрилмаган азоб-укубатларни бошидан кечиради. Зўрлаб унинг номусига тегадилар, хочга тортадилар, қамчи билан савалайдилар, итларга талатадилар, бамайлихотир томирини кесиб, коп-қора қонини оқизадилар... Эркак унинг бўйнига сиртмоқ солиб, аста-секин бўға бошлайди; бу пайтда ўзи тўшакда бошқа бир фоҳиша билан дон олишиб ётади. Бўғилаётган аёлнинг ихраган товуши эркак жазавасини яна ошириб юборади. Аёл ҳушидан кетиб йиқилгандан кейингина сиртмоқ бўшатилади. Муаллиф бундай жирканч саҳналарни ниҳоятда кўтаринки руҳда, мароқ билан тасвирлайди.

Бир қарашда руҳий алжирашдек туюладиган бу «асарлар» мағзида эса, де Сад яшириб ўтирмаган мана бундай ғоявий мақсад ётади. У «Фоҳишахоналар фалсафаси» асарининг бир ўрнида шундай ёзганди: «Биз бундан буён дунёни забт этмоқ учун беҳисоб кўшин билан узоқ ҳудудларга ҳарбий ҳужум уюштиришимиз, жангдан сўнг ўлган аскарларимиз этиги бегона юртларда чириб битиши мутлақо шарт эмас. Агар менинг китобларимга ўхшаш асарларда тасвирланган яшаш тарзини бутун дунёга аста-секин муваффақиятли тарғиб қила олсак, шу орқали у ерларда яшовчи одамлар қалбини эгалласак, уларни жисман маҳв этишга ҳеч қандай ҳожат қолмайди. Қалби бизнинг кўлимизга ўтган халқнинг ўзи, ихтиёрий равишда оёғимиз остига юкиниб келади, бизга кул бўлади...»

Миллий ғоя де Садникидек ёвуз эмас, бунёдкор, эзгу ниятдаги адабиёт ва санъат воситасида одамлар қалбига сингдирилади. Афсуски, бу соҳада ҳам анчагина муаммоларимиз мавжуд. Аввало, тақлидчилик ҳасталигидан қутилиш зарур. Кейинги пайтларда енгил, масхарабозлик спектакллари, ҳазил-мутуйиба кўпайиб, жиддий санъатга эътибор маълум даражада сусайди. Юмор ҳам, мутуйиба ҳам керак. Аммо, жиддий санъат уларнинг соясида қолиб кетмаслиги даркор. XX аср ўзбек адабиётининг биринчи устони Абдулла Қодирий «Бизда театру ишининг бориши» мақоласида («Иштирокиюн», 1919 йил 11 декабрь) айнан бугунга ҳам дахлдор фикр-мулоҳазаларини баён этганди: «Театру турмушда етишмаган ва ортикча ерларни олдимизга маҳкум этиб кўрсатувчи бир ойнадир. Иш шундоғ экан биз ҳам ўз театрумизни кўрганда турмушимизнинг аксини кўрмагимиз

керакдир... ..Комедия деган нима тўғри келса, шундан кула бермак эмас, балки ўзининг туб шартига мувофиқ этиб кулмак, драма ёзганда мавзуни турмушимизнинг нақ чирик жойидан олмоқ ва унинг ила баробар адабиёт тарозусига солиб ёзмоқ керакдир ...»

Ўзбекнинг маърифатпарвар ўғлони Мунаввар қорининг шундай сўзлари бор: «... баъзи кишиларимиз театрға, эҳтимол ўйинбозлик ёки масхарабозлик кўзлари билан бокурлар. Ҳолбуки театрнинг маъноси «ибратхона» ёки «улуғлар мактаби» деган сўздир». Кишиларнинг диди, туйғулари майдалашиб, бачканалашиб бормаслиги лозим. Чунки дид майдалашса, тафаккур ҳам майдалашади, муҳим, залворли фикру ғоялар, чуқур фалсафий-мушоҳадавий асарлар қабул қилинмай қолади. Бу эса, ўз навбатида, фундаментал тадқиқотларға эътиборни сусайтириб қўяди. Демак, ғоявий тарбияда майда-чуйда нарсалар бўлмади.

## ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ – МАЪРИФАТ

Инсоният қадим-қадимдан буён жаҳолатга, бидъат ва хурофотга қарши маърифат билан курашишга интилиб келади. Чунки, унга қарши куч ишлатилса, зўравонлик воситасида кураш олиб борилса, жаҳолат аввалгидан баттарроқ кучайиб кетиши мумкин. Жаҳолатга қарши – маърифат усули ҳозирги даврда, башарият тараққиёт борасида жуда илгарилаб кетган ХХІ аср ибтидосида ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг сабаби шундаки, энг кучли оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқилган, Курраи Заминни бир неча марта йўқ қилиб юборишга қодир ядровий бомбалар захираси мавжуд пайтда ўзаро зўравонлик ва жаҳолатга мутлақо йўл қўйиб бўлмади.

Бундай вазиятда вужудга келган локал, минтақавий, жаҳон муаммоларини фақат тушунтириш, уқтириш, англантиш, ҳозирги замон тилида «ақлий ҳужум», Соҳибқирон Амир Темурибораси бўйича эса кенгаш, маслаҳат, машварат воситасида бартараф этиш мумкин. Турган гапки, бундай ҳолатда келажак, мавжуд янги авлодни фақат маърифат асосида яшайдиган, жаҳолат эмас, маърифат асосида мусобақага киришадиган қилиб тарбиялашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки, одамзод яна ўзаро ёвлашувни давом эттириб, қарама-қаршилиқ, конфронтацияга зўр берадиган бўлса, бу ҳол бутун ер юзидаги тирикликни ҳалокат жари тубига туртиб юбориши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш деб, бирон-бир хавф, таҳдиднинг моҳиятини, мақсад-муддаоларини чуқур англаб унга қарши билим билан онгли равишда курашишга айтилади.

Барчамиз бир ҳақиқатни яна бир бор тушуниб олишимиз зарур. Бизга ҳозирги кунда кимда-ким бирон-бир зарба бермоқчи бўлса, ҳарбий ва иқтисодий томондан эмас, балки, юқорида қайд этилганидек, авваламбор маънавий-мафкуравий томондан зарба етказишга уринади. Бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз бўлса кўпинча қутилган натижага олиб

келмай, тор доираларда қолиб кетяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб боролмаяпти, тажрибасиз, дунёқараши чекланган баъзи ёшлар қалби ва онгига етиб бормаяпти.

Қалб ва онг сўзларининг доимо ёнма-ён тилга олиниши бежиз эмас. Қалб – эҳтирослар, ҳис-туйғулар макони. Инсон ҳис-туйғулари ўта мураккаб ва нозик бўлганлиги сабабли тез-тез ўзгариб туради. Қалбни адашишлардан асраш учун унда ишонч шакллантирилади. Ишонч эса, ўз навбатида, эътиқодга асос бўлади. Эътиқодли қалбни енгиш, ўзгартириш эса ўта мушкул жараён.

Онг – тафаккур маркази. Унда фикр ва маълумотлар жамланади. Онгда қалбдаги эътиқод асосида дунёқараш шаклланади. Дунёқараши мустаҳкам инсонни эса енгиб бўлмайди.

Лекин, ёшларнинг туйғулари ва тафаккури шаклланиш жараёнида бўлгани учун уларда ҳали эътиқод ва дунёқараш шаклланиб улгурмаган бўлади. Буни яхши англаган турли вайронкор куч марказлари бузғунчи ғоялар воситасида ёшлар қалби ва онгини эгаллашга тинимсиз уринадилар. Шу боисдан ҳам «Авесто»да келтирилган огоҳликка даъват ханузгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда: «Ааван (ҳақиқатгўй) қанча бенаво бўлмасин, ҳар қанча забун бўлмасин, уни дўст деб билмоқ лозим; дурванд (ёлғончи, гумроҳ, ёвуз) ҳар қанча қудрат соҳиби бўлса-да уни ёвуз ва бадхоҳ деб билмоқ жоиз» (Гоҳ, 18-Ясна, 5-банд. Натижада, уларнинг айримлари бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб, ҳатто ўз ота-онаси, халқи ва Ватанига қўл кўтарувчи қотилларга айланиб қолмоқда.

Бир ўрмонда болта пайдо бўлиб дарахтларни кеса бошлабди. Ўрмон аҳли унга чора тополмай донишманд кекса Арча хузурига борибдилар.

– Болта деганларинг нимадан ишланган, – деб сўрабди Арча воқеадан огоҳ бўлгач.  
– Болта деганимиз темирдан ишланган, – деб жавоб қилишибди.  
– Дастаси-чи, дастаси ҳам темирми? – деб сўрабди Арча.  
– Йўқ, дастаси темир эмас, ёғочдан.  
– Эҳ, аттанг, дастаси ўзимиздан бўлса, энди болтани тўхтатишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ, – деган экан донишманд Арча.

Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тарафдоримиз. Афсуски, мутаассиб кимсалар билан ғоявий мунозарага киришишнинг ўзи бир азоб. Улар миясига ўзгалар томонидан куйиб қўйилган ақидадан ўзга бирон-бир ҳақиқатни тасаввурларига сиғдира олмайдилар. Касб тақозосига кўра, каминага уларнинг баъзилари билан мулоқот қилишга тўғри келган. Ақидапарастлар тузоғига илинган ва жинойи жавобгарликка тортилган ёшгина йигитча билан суҳбат унинг дунёвий ва диний илмлардан мутлақо беҳабарлигини кўрсатди. «Қандай қилиб бу йўлга кириб қолдинг?», деган саволга у «Отам мени эскича ўқийсан деганлари учун бўлса керак» дея жавоб қайтарганди. Маълум бўлишича, йигитча конституцион тузумни ағдаришга даъват этилган варақаларни кўрсатилган манзилга олиб бориб берган. Ўзининг гапига қараганда, халтадаги нарсани нималигини ҳам билмаган.

Ривоят: Бир подшоҳ кўп юртларни босиб олибди. Фақат битта давлатни босиб олиш учун уринишлари самара бермабди. Шунда у донишмандларни тўплаб маслаҳат солибди. Ўша давлатнинг ичидан тарафдор топиш ягона йўл деган фикрга келишибди. Подшоҳ турли йўллар билан жосуслар юбориб ўзига хайрихоҳ одамни топиб ёллашни топширибди ва «унга салтанатимдан энг юқори ўринни бераман», деб ваъда қилибди. Ўша давлатдан имони сустроқ бир йигит ватанини сотиб, юрт дарвозаларини ғанимга очиб берибди. Сарҳадлари мустаҳкам бўлган кучли давлат осонлик билан босиб олинибди.

Ўзга мамлакат жосусларига ёлланган йигит катта мукофотни кутибди. Шунда босқинчи подшоҳ яқинларини йиғиб хоин йигитни дорга осишни буюрибди. Йигит «дод» солиб подшоҳни лафзсизликда айблабди.

– Мен берган ваъдамнинг устидан чиқдим, – дебди шоҳ. – Сенга аталган салтанатимнинг энг баланд жойи мана шу. Чунки, мана шу дор менинг тахтимдан-да баланд турибди. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки, ўз ватанига, элига хиёнат

килган одам бизга содиқ бўлишига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Сен учун муносиб мукофот – дор!

Барча замон ва маконларда ҳам Ватанга хиёнат энг оғир кечирилмас гуноҳ, жиноят ҳисобланган. Юртимиз осмонини бир неча бор қора булутлар қоплаган машъум кўпоровчилик қилинган кунларда оғир жиноий ишларга аралашиб, адашганларнинг айримлари сизу бизнинг атрофимизда юрганлар эди. Уларнинг шу ҳолга тушиб қолишларига атрофидаги кишиларнинг, жамоатчиликнинг бепарволиги, томошабинлиги ҳам сабаб бўлганлигини инкор этиб бўлмайди. Бу каби мудҳиш фожеаларнинг олдини олиш мақсадида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу жараёнда ҳам жонли ва таъсирчан сўз асосий восита бўлади. Аждодлар ва авлодлар, оталар ва болалар тажрибаси ҳамда тафаккур тарзи ҳам назардан қочирилмаслиги даркор.

Шу ўринда Фитратнинг «Нажот йўли» китобида келтирилган фикр тарбиясига дахлдор мулоҳазаларига эътибор қаратсак: «Фикр тарбияси одамнинг ақлини камолга етказиш ва бахт-саодатга етишиши учун қобилятли қилиб тарбиялашдир. Одам ақли тўғри ва яхши муҳокама эта олсагина камолга етган ҳисобланади. Муҳокаманинг ўзи нима? Муҳокама маълум ҳукмлардан мажхул ҳукмларни ажрата билишдир.

Масалан, «ватанга хизмат қилиш вожиб» деган ҳукм мажхулдир (яъни номаълум). Бу ҳукмнинг маълум бўлишлиги учун иккита маълум ҳукмлар бўлиши керак, мисол учун «ватан бизнинг валинеъматимиз», «валинеъматга хизмат қилиш вожиб», «шундай экан ватанга хизмат вожибдир»...

... Тўғри муҳокама юритиш учун киши уч нарсани билиши шарт: 1) исбот; 2) истиқомат; 3) суръат. Исбот бу маълум ҳукмларнинг рост ва тўғри бўлишлиги; истиқомат – маълум ҳукмларнинг мажхул ҳукмларга мантқан тўғри ва изчил кўчиши; суръат эса – тўғри ва маълум ҳукмларнинг бетўхтов, бетартиб ва тезлик билан мажхул ҳукмларга кўчишига айтилади...

Аввало, болаларга фикрлашда исбот бўлишини ўргатинг, яъни уларга доим тўғри, рост маълумотлар беринг ва хотираларида беасос, ботил фикрларнинг жой олишига йўл қўйманг, акс ҳолда улғайганларидан кейин ҳам ана шу беасос фикрларга тартиб бериб нотўғри муҳокама қиладилар, натижада нотўғри йўлларга кириб қолиб, зарар кўрадилар.

Ота-оналаримиз ва муаллимларимиз бизга гўдаклигимиздан Кўхи Қоф париларининг ҳужумидан сўзлаб, калламизни пуч, бемаъно хаёлларга тўлдириб келадилар. Шунинг учун, биз улғайганимизда мушук юрса ҳам, бирон бир садо чикса ҳам ваҳимага тушиб, шу ваҳима, қўрқувдан касал бўламиз.

Иккинчидан, болаларга фикрлашда истиқомат қилишни ўргатинг, яъни маълум фикрларни мажхул фикрларга тўғри ўтказсинлар, маълум фикрлар асосида хулоса қилаётганларида нотўғри хулосага келмасинлар. Бунинг учун болаларни муҳокама қилишга ўргатинг, ёмоннинг ёмонлигини, яхшининг яхшилигини муҳокама қилиб, исботлаб уларга тушунтиринг, уларнинг кўр-кўрона тақлид қилмасликларига доим эътибор беринг.

... Илова учун, биз гўдақларимизни муҳокамадан маҳрум қолдириб, барча ишни мушту калтак остида қолдирамиз. Масалан, болага дарсингни қил, тирноғингни ол, қимор ўйнама, деб айтамыз. Лекин қай тарзда? Менинг айтганларимни бажармасанг, калтак ейсан, деймиз. Бу буйруғимиз худди кўрга «ҳассангни ташлаб шу йўлга тушиб кетавер, агар йўлда тошга урилиб йиқилсанг, ўлдирамиз», дейиш билан баробар-ку.

Сиз ўзингиз аввало мулоҳаза қилинг: бола дарс тайёрламаслик ва тирноқ олмасликнинг зарарини билмаса, қандай қилиб айтганларингизни самимий қабул қилсин. Ҳа, болалигида калтақдан кўрқиб амал қилади, аммо улғайиб калтак зарби хотирасидан буткул чиқиб кетгач, ўзи хоҳлаганича иш кўради, сиз қил деганни қилмай, қилма деганингизни қила бошлайди. Мана шу жабру зулмингизнинг «фойдаси» бўлади. Аммо сиз қимор ўйнаш, дарс тайёрламаслик, тирноқ олмасликларнинг зарарини, ёмонлигини ширин тил билан тушунтирсангиз ва уни яхши ишларга рағбатлантириб, ёмон ишлардан

нафратлантира олсангиз, айтганларингизни ўзи хоҳлаб бажаради, ҳам дийдорингиздан безор бўлмайди».

Бизда «Сенга катталар иш буюрса, «хўп» дегин ва дарров бажаргин!», деган ёзилмаган анъанавий қоида мавжуд. Айнан шундай ғоя асосида тарбияланган айрим содда, ғўр ёшлар баъзан маккорлар тузоғига ҳам илиниб қолишлари мумкин. Шу сабабдан ҳам энди «Сенга катталар қонунга зид келмайдиган, ўзгалар манфаатига зарар етказмайдиган иш буюрсагина «хўп» дейишинг мумкин, акс ҳолда «йўқ» дея олишни ҳам ўрган!» деган маслаҳат бериш даври келди. Ислом Каримов фикрича «Юртимизга қарши... тажовуз ва кўпоровчилик хуружларини ташкил қилиш нияти билан юрган кучларнинг тузоғига тушганларнинг аксарияти биринчи навбатда оилада ҳам, мактабда ҳам жиддий таълим-тарбия олмаган ёшлардир. Улар ижобий маънодаги ворислик, яъни аждодлардан авлодларга ўтиб борадиган ибратли анъаналардан йироқ, муҳити носоғлом бўлган оилаларда ўсган, омади юришмаган, ҳаётда ўз ўрнини топмаган, жамият эътиборидан четда қолган ўсмирлардир. Уларнинг кўпчилигини ҳатто ўрта мактабни битиришга ҳам ақл-идроки, кучи етмаган кимсалар ташкил қилади». Шу ўринда Иброҳим Ғафуровнинг «Ҳаё – халоскор» китобидан ўрин олган «Бродскийга ўхшатма» сарлавҳали куйидаги мўъжаз бир асарни ўқиб чиқсак, масала янада ойдинлашган бўларди:

«Бир пашша уйга кириб, одам исига етишганидан хурсанд бўлиб мазза қилиб уй ичини айланиб учиб юрди. Бир оз ўтгач, чанқадими, зерикдими, очикдими, ўзини дераза ойнасига урди. Бир урди. Икки урди. Уч. Тўрт. Сўнг у тинимсиз визиллаб ойнага ёпишди. Лекин, ҳеч ташқарига чиқиб кетолмади.

Шу пайт бир сариқ қовоқари келиб қолди. Салобат билан хонани бир айланди. Деразага пешонасини дам сайин визиллаб ураётган пашшани кўриб унга жони ачиди.

– Ҳой, оғайни, бунча бизз-бизз дейсан. Озодликка чиқадиган йўл бу ёқда. Юр, ўзим бошлаб бораман, – деди-да, пешонасини ойнага уравериб ҳолдан тойган пашшани кўтариб, нарироқдаги ойнанинг очик жойидан ташқарига қараб учди.

... Пашшани иштаҳаси хўп очилган ғумбакларига олиб бориб едирди. Ғумбаклар семириб ўсишяпти...»

Экстремистик дунёқарашга эга бўлган кимса бошқача қарашлар билан умуман келишмайди ва ўз қарашларини амалга ошириш учун энг сўнгги чоралар – мавжуд тузумни кескин равишда ўзгартириш, ўз қарашларини куч ишлатиш ёрдамида сингдириш, бошқача фикрлайдиган кишиларни то йўқ қилишгача бўлган амалиётни қўллайди. Экстремизм мафкуравий жиҳатдан олиб қараганда, бошқа барча қарашларни рад этади. Бу оқим фақат ўзининг сиёсий ва диний қарашлар тизимини тан олиб, бошқа қарашларни бутунлай инкор қилади.

Кўпгина экстремистик ақида ва ҳаракатларнинг тарқалиш ҳудудлари кўпроқ хали шаклланиб улгурмаган ва жамият эътиборидан четда қолган ижтимоий гуруҳлар, шунингдек, люмпенлашган кишиларни ўз ичига олмақдаки, улар ўзларига хос экстремистик ақида ва куч ишлатиш воситасида жамиятда ўз ўрнини топишга ва ўзларини эътироф эттиришга интиладилар. Шунингдек, баъзан экстремистик қарашлар таъсирига зиёлилар, диндорлар ва ҳарбийларнинг вакиллари ҳам тушиб қолмоқдалар.

Террорчилик, кўпоровчилик акти ҳолатлари у ёқда турсин, терроризм, экстремизм тушунчасининг ўзи ҳам бўлмаган Ўзбекистонда бу вабо қандай пайдо бўлди? У қаердан бизга экспорт, экспансия қилинди? Қўли қонга ботганлар ўзи кимлар, деган саволлар занжири ҳар доим ҳам жавобга муҳтож бўлади.

Юқорида қайд этилганидек, ҳар қандай жамиятда ўтиш даврида ғоявий ғанимлар томонидан муайян ғоявий бўшлиқлар яратишга уринилади ёки бепарволик, лоқайдлик, бефарқлик оқибатида бўшлиқ пайдо бўлади. Ана шу ҳолатдан фойдаланган вайронкор кучлар айрим ёшлар онгини захарлаб, алдов йўли билан уларни боши берк кўчага етаклашга муваффақ бўлдилар. Мўътабар ислом дини таълимотлари нотўғри талқин қилиниб, алданганлар онгига бизга ёт ғоялар сингдирилди. «Ваҳхобийлик», «Ҳизб ут-тахрир» оқимлари тинимсиз тарғиб этилиб, умумий қирғинлар ҳисобига бўлса ҳам, халифаликни қайта тиклашдек сафсаталар сотилди. Айрим тафаккури заиф ёшлар эса

«арзон экан» деган ўйда ушбу сафсаталарни «сотиб оладилар». Уларнинг баъзилари бўлса бу йўлда ҳатто қурбон бўладилар ҳам. Натижада, луғатларда «ислом терроризми» деган нотўғри ибора пайдо бўлди.

XXI асрда, фан ва технологиялар ғоят тараққий этган даврда кишиларнинг онги ва қалбига яширин, ўз манфаати йўлида таъсир кўрсатишни ифодалашда манипуляция атамаси ишлатилмоқда. Манипуляция – бошқаларга билдирмасдан, асл мақсадни яширин тутган ҳолда бошқалар устидан ҳукмронлик қилиб, ўзи истаган хулқ-атворни шакллантиришни англатади. Бунда ёвуз, вайронкор ғоялар «даъватчи»си шахсга нисбатан зўрлик қилмайди ва куч ишлатмайди, асл мақсадларини пинҳон тутаяди. Айнан шу сабабга кўра «ислом дини ниқобида» деган ибора ишлатилади. Ғоявий манипуляция одамни у ёки бу ишни қилишга эмас (тарғибот-ташвиқотдан фарқли ўлароқ), балки шу ишни қилишга хоҳиш, истак уйғотишга хизмат қилади.

Ғоявий манипуляция жараёнлари қандай кечади? Аввало, даъватчи ўзи таъсир ўтказмоқчи бўлган одам тасаввурларини ўзгартиришга олиб келувчи ўзига фойда келтирувчи билимлар бера бошлайди. Натижада, шахс дунёқараши, қадриятлари тизимида даъватчи кутаётган тартиб пайдо бўлади ва етакчилик қила бошлайди. Бу эса шахснинг хулқ-атворига таъсир кўрсатади, лекин унинг ўзи характерида юз берган ўзгаришларни сезмай ҳам қолиши мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг «80-йилларнинг охирида мамлакатимизга ўзини «дўст», «диндош», «миллатдош» қилиб кўрсатиб, гўё ислом динининг софлиги учун курашга «даъват» этувчи айрим кимсалар кириб келди... Жуда «чиройли даъват»лар билан чиқиб, айрим ёшларни ўзига махлиё қилишга эришди ҳам. ...улар дин ниқоби остида ҳаракат қилаётган халқаро террорчилик ҳаракатининг бир тўдаси экани ошкор бўлди...» деган фикрини эслаш ўринлидир.

Мафкуравий таҳдидни – айнан даъватчилар уринишига, мафкуравий иммунитетни эса улар гапига лаққа тушмай, ўзлигида собит тура олишга ўхшатиш мумкин. Шу боисдан ҳам халқимизда қадимдан ўз қараши, шахсий фикрига эга бўлмаган одамлар «бетутуруқ», «субутсиз», «иккиюзламачи», «сотқин», «хоин» деган сўзлар билан ифодаланиб келинган. Айнан субутсиз одамлар кўпинча террорчилар, экстремистлар тузоғига илиниб қоладилар.

Терроризмнинг миллати ҳам, дини ҳам, жинси ҳам йўқ. Бу аниқ. Акс ҳолда исталган миллат ёки динни унга дахлдор қилиб, боғлаб айблаш учун баҳона пайдо бўлади. Бугунги кунда миллатлар ва динлар ўртасида толерантлик, яъни бағрикенглик, бир-бирини англаш, тоқат қилиш кайфиятини кучайтириш, барча эзгу ниятли ҳаракатларни бирлаштириш, инсоният онгида туб бурилиш ясаш орқали терроризмга зарба бериш мумкин. Бунга эришмоқ учун қандайдир ясама, догматик қарашларга эмас, мавжуд фундаментал таълимот ва дин қонуниятларига асосланишнинг ўзи кифоя. Чунки, бирорта миллат мафкурасида, бирон-бир дин таълимотида Яратган инъом этган энг бебаҳо неъмат – инсон жонига қасд қилиш ғояси илгари сурилмаган. Аксинча, инсон ҳаётига суиқасд энг оғир гуноҳ эканлиги таъкидланган.

Агар инсон ўз ҳуқуқ ва бурчларини теран англаса, ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўла олса унинг вайронкор ғоялар, қўпоровчилар таъсирига тушиб қолмаслик имкониятлари кенгаяди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳақли равишда таъкидлаганидек, «Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи, жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади».

Ҳуқуқий маданиятли шахс фақат қонунларни билиб, ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлибгина қолмай, уларга оғишмай амал қилади, итоат этади. У ўз ҳуқуқларини бошқалар томонидан бузилишига, қонунларнинг поймол қилинишига лоқайдлик билан қарамай, бу ҳақда жамоатчиликка хабар беради, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларига, судга мурожаат қилиб, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳимоялайди. Ҳар қандай

низолар ва можароларни бартараф этиш учун шахс қонунга ҳилоф кучларга эмас, балки тегишли давлат идораларига, пировардида судга мурожаат қилмоғи лозим. Адолат учун курашиш ҳуқуқий маданиятли ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг бурчидир. Шу ўринда Соҳибқирон Амир Темурнинг XXI аср учун ҳам ўта ибратли бир фикрига эътибор қаратсак: «Мен ёлғон сўзловчиларни тинглашдан бош тортдим, эшитгандимки, подшоҳларнинг шуҳрати уларнинг ўз фуқароларига раҳмдиллигидадир... Ана шунга кўра, ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимга адолат шамини ва иккинчи қўлимга беғаразлик шамини олиб, бу икки шам билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб бордим». Адолат ва беғаразлик айнан Конституция ва қонунларга хос хусусият. Шу сабабдан ҳам жамиятимизни давлат идораларида ишлаётган катта-катта лавозимларга ва ваколатларга эга одамлар эмас, қонунлар идора қилишига эришиш зарур. Кўпинча, ташки қиёфасидан халққа ғамхўр, гўё ақли етарли, тажрибадор ходимнинг ўз лавозимини суиистеъмол қилиши, уруғ-аймоқчиликка берилиши, маҳаллийчилик, ошна-оғайничилик ва пировардида порахўрлик, коррупция каби офатлар ҳам ҳаётимизга жиддий хавф солмоқда. Давлат номидан ана шундай иш юритиб, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва тижорат ишларига ноқонуний равишда аралашаётган нопоклар аҳоли наздида адолатсизлик, қонунларга ишончсизлик туйғуларини уйғотади, улар ҳуқуқий онгига ўта салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан ҳам Президент Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Минг афсуски, ҳокимият ва бошқарув идораларида ўтирган баъзи шахсларнинг ўзлари қонун талабларига риоя қилиш у ёқда турсин, қонунни қўпол равишда бузиши, аввало ўз манфаатини кўзлаб, ўз вазифасини суиистеъмол қилиши ҳеч чидаб бўлмайдиган ҳолатдир», дея таъкидланган эди...

Кўпинча баъзи катталар ёшларга қарата «Болам, зинҳор сиёсатга аралаша кўрмагин!», дея насиҳат қиладилар. Сиёсатшунослик илмида «Сен сиёсат билан шуғулланмасанг, сиёсат сен билан шуғулланади», деган гап бор. Сиёсатнинг бошланғич субъекти – шахс, фуқаро ҳисобланади. «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси амалга оширилаётган даврда фуқароларга конституцион, жумладан сиёсий ҳуқуқларини ифода этишлари учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Президентнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш тўғрисида»ги Фармойиши ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилади. Фармойишнинг мақсади ёшлар ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда Конституциянинг маъно-мазмунини ва асл моҳиятини ўргатишга қаратилган. Агар ёш авлод ўз қонунларини билмаса, унинг мустақил фикри ҳам шаклланмайди. Чунки Қонун барча саволларга жавоб берувчи ҳужжатдир.

Ёшлар ўзларининг ижтимоий-руҳий ва бошқа жиҳатларига кўра кўпинча салбий ҳодисаларга тез берилувчанлик, жамиятдаги ўзгарувчан шароитга мослашиш қобилиятининг юқорилиги билан ажралиб турадилар. Улар ўткир ҳиссий билиш қобилиятига эга бўлиб, сўз билан амалиётнинг номуаносиблик ҳолатларини кучлироқ сезадилар. Катталар учун одатий бўлган айрим «адолатсизликлар» ёшларнинг ҳали тўлиқ шаклланмаган онгига, дунёқарашига кучли зарар етказиши мумкин. Ёшлар тарихий давр талабини нисбатан кескин ҳис қиладилар, жамият муаммолари ва вазифаларини сезадилар. Аммо, уларнинг ёшлиги, тажрибасининг етишмаслиги туфайли асосий масалани иккинчи даражалисидан ҳамма вақт ҳам тўғри ажрата ололмай қоладилар. Шу сабабга кўра ёшлар олдида ҳақиқатни айтишдан чўчимаслик, сохтакорликдан қочиш, мавжуд қийинчиликлар, муаммоларни очик-ойдин баён этмоқ лозим.

Ҳаёт ҳақиқатларига мос келмайдиган, реал воқеликдан, борликдан, халқ ҳаётидан, кундалик турмушдан ажралиб қолган суҳбатлар, маърузалар, мулоқотлар, учрашувлар қанчалик жозибадор, обрўли кишилар билан бўлмасин, барибир, уларнинг амалий самараси бўлмайди. Ёшларнинг кўз ўнгида, қалбида турган муаммоларни ўзида акс эттирмаган, уларни қизиқтириб келаётган саволларга етарли даражада жавоб бермайдиган, одамлар юрагига жиз этиб таъсир кўрсатмайдиган анжуману мулоқотлар, тарбиявий ишлар назарда тутилган фойдани бермайди. Аксинча, кўзланган мақсадга зарар келтиради,

унинг обрўсини туширади. Натижада ёшлар бундай учрашувлар, мулоқот, тадбир ва машваратлардан қочадиган бўлиб қоладилар.

Ёшлардаги ҳақиқатга мойиллик, ўтмиш зарбаларидан чўчиб, юрак олдириб қўйган катталарга нисбатан, юқорироқ бўлади. Улар сохтакорлик, кўзбўямачиликдан, сўзи ва амалиёти бир-бирига зид кимсалардан жирканадилар. Миллат тараққиёти маънавияти юксак ёшларга боғлиқ эканлигини назардан қочирмаган ҳолда тарбиявий ишларни ёшлар талаблари билан мувофиқлаштириб бормоғимиз даркор. Илмий хулосаларга кўра, одамнинг хотирасида 90 % ҳолларда ўзи бажарган иш, 50 % ҳолларда – кўргани ва 10% ҳоллардагина эшитгани сақланиб қолади. Айнан шу сабабга кўра «Эшитдим – унутдим, кўрдим – эслаб қолдим, бажардим – тушундим», деган ибора туғилган. Демак, ғоявий тарбияда ёшларни кўпроқ ўзлари бевосита иштирок этадиган амалий мафкуравий ишларга жалб қилмоғимиз даркор.

Наманган Давлат университети ҳуқушунослик ва тарих факультетлари талабалари бир неча йиллардан буён ўзлари корхона, ташкилот, маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширмоқдалар. Наманган вилояти телевидениеси орқали намойиш этилаётган «Жоним болам», «Отанг бозор», «Лафз», «Кўз тегмасин», «Кўнгилдаги гаплар», «Фаол аёл» сингари ток-шоуларида, ушбу ёзувлар муаллифи томонидан 2001 йилда ташкил этилган «Тафаккур» интеллектуал телеўйида ёшлар ўз эркин фикр-мулоҳазалари билан фаол қатнашмоқдалар.

Маънавиятни тарғиб этишнинг икки анъанавий йўли бор. Биринчиси – инсоний фазилатларни улуғлаш, шундай хислатларга эга кишиларни таърифлаш, намуна қилиб кўрсатиш орқали кечади. Иккинчи йўл эса иллатларни қоралаш орқали бўлади. Бу восита биринчисига нисбатан самаралироқ. Шу сабабдан ҳам эришилган ютуқларни холисона эътироф этиб, йўл қўйилган камчиликлар танқидий нуқтаи назардан баҳоланиши зарур. Танқид ҳақида гапирганда кимнидир изза қилиш, обрўсини тўқиш, хато-камчиликларини майдалаб ўтириш эмас, аксинча, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ, нуқсонлар сабабларини аниқлаш, таҳлил этиш, уларнинг илдизига етиб бориш ва таг-томири билан йўқ қилиш асосий мақсадимиз бўлмоғи даркор.

## ТАРҒИБОТ ТАМОЙИЛЛАРИ, ОМИЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

Миллий ғоя тарғиботида кенг қамровлилик, узлуксизлик, босқичма-босқичлик, меъёрийлик, шахсий ибрат сингари ташкилий тамойилларга амал қилингандагина у кўзланган мақсадга олиб боради. Масалан, бошланғич синф ўқувчисига миллий мафкуранинг фалсафий ва этник илдизлари хусусида гапириш ноўрин бўлишдан ташқари мутлақо самарасиз ҳамдир. Шахсий ибрат – мафкура тарғиботи муваффақиятини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Муаллимлар, нотиклар миллат манфаатлари, интилишлари хусусида баландпарвоз гапларни айтиб, ўз ҳаётида шу манфаатларга зид ишларни қилсалар, бундай тарғибот самараси нолга тенг бўлади. Мамлакат ва миллат равнақи тўғрисида оғиз кўпиртирадиган бошлиқ бўшаб қолган лавозимга лаёқатли ва муносиб ходим қолиб, ўзига қарашли, лекин бу ўринга номуносиб одамни тикиштира, у миллат юзига оёқ қўйган, миллий мафкурани аксилтарғибот қилган бўлади...

Шундай ривоят бор: Бир одамнинг фарзанди ширинликка жуда ўч экан. Кўп қанд еб қўйиб иштаҳаси бўғилар ва бошқа таом истеъмол қилишни хушламас экан. Бу нарса бола саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, у озиб, ҳолсизланиб кетибди. Шифокорларга, табибларга кўрсатишдан ва муолажалардан ҳам наф чикмабди. Яқинларидан бири қўшни кишлоқда бир донишманд оқсоқол борлиги, болани шу кишига кўрсатиш кераклиги ҳақида маслаҳат берибди. У одам фарзандини олиб айтилган манзилга борибди. Оқсоқол уларни очик чехра билан кутиб олибди, мақсадларини билгач, бир зум ўйга толибди ва бир ҳафтадан кейин келишларини сўрабди.

Орадан бир ҳафта ўтиб ота-бола яна ўша хонадонга келганларида отахон аввалги жойида ўтирар эди. У меҳмонларнинг саломига алик олгач, болакайни ёнига чорлабди ва бошини силаб: – Болам қандни кўп еб қўймагин, ёкмайди, – дебди ва отасига юзланиб: «Бўлди, бораверинглар,» деб қўшиб қўйибди.

Ота бироз ҳайрон бўлиб ўғли билан уйига қайтибди. Лекин, тез орада болада жиддий ўзгариш бошланибди. Энди у ширинликка ружу қўймас, бошқалар қатори овқатланар ва энг муҳими ранги-рўйи ҳам ўнглана бошлабди. Отаси бундан бениҳоя хурсанд бўлса-да, бир оғизгина гап экан-ку, нега оқсоқол шу гапини биринчи борганимизда айта қолмади? Бунинг сири нимада экан, деб ўйланарди. Ана шундай ҳаёллар тинчлик бермай у яна оқсоқолнинг ҳузурига келибди. Юзидан нур ёғилиб турган донишманд чолга таъзим қилиб миннатдорчилик изҳор этибди. Сўнгра минг истиҳола билан саволини берибди. Нуроний шундай жавоб қилибди: – Сиз дастлаб фарзандингизни олиб келганингизда мен ўзим қанд еб ўтирган эдим. Бу ҳолда менинг бировга қанднинг зарари ҳақида гапиришим ҳеч қандай наф бермас эди. Шундан кейин мен ўзим қанд ейишдан тийилдим ва фақат шунинг учунгина фарзандингизга айтилган гапим ўз таъсирини кўрсатди.

Бу ривоятда, дўппини бошдан олиб қўйиб, жиддий ўйлаб кўришга арзийдиган ғоя мужассам. Бугунги кунда ёшларга қилаётган панду насихатларимиз ҳамма вақт ҳам кутилган самарани бермаётганлигининг сабабини ўзимиздан ахтариш керак эмасмикин? Масалан, ўзимиз ўқимасаг-у «кўп ўқиш» ҳақида ваъз айтганимиздан не наф? Ёки,

таъмагирлик дардига мубтало бўлган кимсанинг ҳалоллик, адолат, маънавият ҳақидаги маърузасини уни таниган, билганлар қандай қабул қиладилар?

Оз бўлса-да, учраб турадиган бундай иллатлар азалдан ҳурмат-эътибор билан тилга олиниб келган обрўли инсонлар сиймосини бироз нурсизлантириб, уларнинг нишонга тегадиган ўқдек сўзларини пақиллаб овоз чиқарадиган ўйинчоқнинг товушидек кадрсизлантириб қўйишини унутмаслигимиз лозим.

Инсон қалби ва онги учун кураш авж олган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда бошқа одамнинг дил қулфини очиб кўнглига йўл топиш учун эса, аввало, ўзимизнинг кўнглимиз очиқ бўлиши керак. «Қалбдан кўчган сўз қалбга кириб боради, тилдан чиққани эса қулоқдан нари ўтолмайди», дейилади араб халқ мақолида. Носамимий, амалий тасдиғига эга бўлмаган қуруқ гап сўзнинг ҳам, сўз айтиувчининг ҳам қадрини тушириб юборади. Жойларда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар сони эмас – сифати, дабдабаси эмас – кўзлаган мақсади, обрўси эмас – мазмуни, қамровини катта-кичиклиги эмас – таъсирланчилиги муҳим аҳамият касб этади.

Оила мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан бири ҳисобланади. Чунки шахс маънавияти, унинг дунёқараши, тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода оила – ҳақиқий маънавият ўчоғи, ғоявий тарбия омили ва муҳитидир. Оиладаги соғлом муҳит – соғлом мафкурани шакллантириш манбаи ҳисобланади. Бинобарин, миллий ғоямизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига, аввало, оила муҳитида сингдирилади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади.

Оила, унинг минг йиллар мобайнида сақланиб келаётган муқаддас анъаналари орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, имон-эътиқод, масъулият, илмга иштиёқ, меҳнатсеварлик, маънавият ва маданият кўникмалари шаклланади. Зеро, ҳеч бир шахс оиланинг жамиятдаги ўрни ва вазифасини, Ватаннинг остонадан бошланишини англамай туриб, ўзини мукаммал инсон деб ҳис қила олмайди.

Болаларда ёшлиқдан эл-юрт тақдири учун фидойилик туйғусини шакллантириш ғоявий тарбияда муҳим ўрин тутди. Бунинг учун бола ҳаётининг дастлабки йилларидан бошлаб миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланиши лозим. Тарбия жараёнида иложи борича миллий турмушимизга ёт бўлган «жангари» ўйинчоқлар, мультфильмлардан фойдаланмаслик керак. Шарқона одоб ва башариятнинг эзгу интилишларини акс эттирувчи ўйинлар, ўйинчоқлар, расмни китобчалар, миллий эртақлар асосида яратилган мультфильмлар болаларда илк ёшлиқдан ғоявий қарашларнинг тўғри шаклланишида қўл келади.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, ҳашар орқали ўзаро ёрдам, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатлар камол топишида маҳалланинг ўрни бекиёс. Маҳалла доирасидаги мафкуравий таълим-тарбия анъанавий байрам ва тадбирлар пайтида муҳтожларга ёрдам, яъни ижтимоий ҳимоя, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, аёллар нуфузини ошириш, диний муассасалар билан ҳамкорликда тадбирлар уюштириш, турли авлод вакиллари муносабатларини такомиллаштириш каби ғоявий тарғибот усуллари орқали амалга оширилади.

Минг йиллар мобайнида шаклланган урф-одат, маросим ва байрамлар ҳам миллий ғоя асосларини сингдиришда ўта муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Мустақиллик, Наврўз, ўқитувчи ва мураббийлар, Хотира ва қадрлаш куни каби байрамларнинг жамият ҳаётига замонавий мазмун бахш этишига алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим.

Мафкура тарғиботининг энг асосий қудратли ва таъсирчан воситаси – оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Ислон Каримов таъбири билан айтганда, «Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланмаган. Ҳеч бир замонда оммавий ахборот воситаларига ҳозиргидек эътибор ва рағбат кўрсатилмаган. Негаки, матбуот ҳеч бир замонда мустақиллик давридагидек чинакам миллийлик касб этмаган. Илгари у мустабид тузумнинг халқимиз табиатига ёт ҳукмрон ғоясини тарғиб қилишга маҳкум эди. Бугун

Ўзбек матбуоти, энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида ҳолис воситачи сифатида фаолият юритмоқда. Бу жараён ҳар бир журналистдан янада жасур ва фидойи, фаол ва ҳозиржавоб бўлишни, воқеалар қозонида қайнашни, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб боришни тақозо этади». Бу жараён бутун дунё миқёсида давом этмоқда.

Бугун халқаро атамашуносликда «ахборот ҳокимияти»ни англатувчи «медиократия» сўзи ҳам қўлланмоқда. Ахборот ҳокимияти – бу аввало кишилар устидан илмий билимлар, ахборотлар ва уларни тарқатиш воситалари ёрдамида ҳукмронлик қилишдир. Бундан ташқари, бу обрў-эътибор асосида бўйсундириш билан боғлиқ бўлган, ҳокимиятнинг ахлоқий, диний ва айрим бошқа турларидир. Ҳозирги жамиятда маънавий таъсир этишининг барча турлари орасида биринчи ўринга илмий-ахборот ҳокимияти кўтарилмоқда. Норберт Винер таъбири билан айтганда: «Ахборот – биз ташқи оламга мослашиш ва ўз тафаккуримизни унга мослаштиришдаги мазкур оламдан оладиган мазмуннинг ифодасидир». Муҳим ахборотга эга бўлиш – ҳокимиятга эга бўлишдир; муҳим ахборотни муҳим бўлмаганидан ажрата билиш янада кўпроқ ҳокимиятга эга бўлишни англатади; муҳим ахборотни ўз талқинида тарқатиш ёки уни яшириш имконияти – икки баробар кучли ҳокимиятга эгаликдир. Инсон одатда билган нарсаларидан эмас, балки билмаган нарсаларидан кўркиб яшайди. Шунинг учун ҳам у ўша мавҳумликка чек қўйиш мақсадида ахборот излайди. Кимда-ким инсонга ана шу мазмундаги ахборотни етказиб бериш орқали ишончга кира олса, у ўша инсон онги устидан маълум бир маънода назорат ўрнатиш имконига ҳам эга бўлади. Ахборот уруши, мафкуравий ҳуружлар ҳам айнан мана шу асос устига қурилган. Шу сабабга кўра мафкуравий ҳуружларга қарши туришнинг энг яхши усули, бу аҳолининг ахборотга бўлган талабларини қондириб бориш, ҳар қандай ахборот бўшлиқларига, зарарли бўҳтон, ғийбат, миш-мишларига чек қўйиш орқали мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишдир.

Улуғ ватандошимиз Исроҳон Ибратнинг «Газет хусусида» шеъриси бундай байтлар бор:

Газет кўрмаган беҳабар халқлар,  
Мисли ўлгандир ва ё ухлагон.  
Газет амру маъруф этар халқга,  
Ёзар кўп хабарларни этмай ниҳон.

Ибратнинг фикрича, матбуотнинг асосий вазифаси миллатни тараққиётга даъват этиш ва ҳақиқатни ёзишдир. «Садойи Фарғона» газетаси чоп этилиши муносабати билан битилган «Табрик Намангондин» шеъриси худди шундай хулоса ифодаланган:

Миллатимизи тараққийга тарғиб  
Айласун, сўзни қилмай афсона.

Бугун берилаётган ахборотларнинг асосан ютуқларни кўрсатиш, мақтовлардан ибрат бўлиши мафкура тарғиботида қанчалик фойдали ёки зарарли эканини чамалаб кўрайлик. Ҳаёт бор экан, муаммолар, камчиликлар, нуқсонлар бўлавериши табиий. Бу – исбот талаб қилмайдиган аксиома. Шундай экан, муаммоларнинг мавжудлигига фожеа сифатида эмас, одатдаги нарсаси деб қарашга ўрганишимиз керак. Уларнинг борлигини тан олишимиз, уларни ҳал этишга киришимиз лозим. Тараққиётнинг ҳар бир босқичи – бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар демакдир. Бу – ҳаёт қонунияти, биз уни инкор этолмаймиз ва инкор этишга ҳаққимиз ҳам йўқ. Президент фикрича, «Агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг кадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, ҳавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остида чикаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай-сезмай қолишимиз мумкин».

Турли-туман хуфёна гаплар, миш-миш, уйдирма, бўҳтон ва овозалардан фойдаланмасдан, одамлар ҳолис маълумотлар ва гаплардан матбуот орқали хабардор бўлсалар, бундан давлат ҳам, жамият ҳам фақат наф кўради. Жамият ҳаётининг томир уришини белгилайдиган оммавий ахборот соҳасида шундай сиёсат юритилса, турли

пинҳона хатти-ҳаракатлар учун ҳеч қандай асос қолмайди. Ютукни – ютук, камчиликни – камчилик, жиноятни – жиноят, хиёнатни – хиёнат, деб, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ – том маънодаги демократик жамият матбуотининг ҳақиқий қиёфасини белгилаб беради.

Президент фикрича, «Журналистнинг нафақат қалами, балки зеҳни ва мантикий тафаккури ҳам ўтқир бўлиши керак... Журналист авваламбор публицист бўлиши зарур... У воқеаларнинг мантикий ҳалқасини топиб, ҳақиқатни юзага чиқара оладиган, ҳар қандай рақиб ёки оппонент билан тортишишга, мунозара юритишга қодир инсон бўлиши лозим... Журналист ҳаётнинг ҳеч бўлмаса бир соҳасини ҳар томонлама чуқур эгаллаган, шу бўйича ихтисослашган бўлиши лозим. Шундай журналистгина таҳлилий тафаккур ва таъсирчан услуб соҳиби бўлиб, ўта мураккаб масалаларни ҳам оддий ва тушунарли тилда ифодалаб одамларга етказиши, уларнинг ҳис-туйғуларини уйғота олиши мумкин. Бугунги жамият аъзолари ана шундай журналистга кулоқ солади, унинг гапларига ишонади. Телевидение ёки радио, газета ёки журнал бўладими – қаерда чиқиш қилмасин, ҳамма унинг фикри билан танишишга ҳаракат қилади».

Одамларга ҳақиқат, майли аччиқ бўлса-да, ҳақиқат айтилса, улар осмонни забт этишга қодир бўладилар. Аммо, оммавий ахборот воситалари ёлғонни чиройли ниқобга ўраб тақдим этса, жамиятда бефарқлик, лоқайдлик ва фаолиятсизлик кайфияти тарқала бошлайди. Ҳаётий амалиёт ва оммавий сўзнинг тафовути инсонда машаққатли иккиланиш: икки фикрлилик, икки ахлоқлиликни келтириб чиқаради.

Ислом Каримов таъбири билан айтганда: «Мафкуравий озиқнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлиши зурур. Яъни, халққа бор ҳақиқатни очиқ айтиб, шунга кўндириш, ишончини қозониш ва шу асосда уни янги марраларга чорлаш керак». Шу сабабли матбуотда танқид сув билан ҳаводек керак. Куруқ мактов, ҳамду сано ҳеч кимни қизиқтирмайди. У фақат асоссиз макталаётган, кўтар-кўтар қилинаётган ташкилоту корхона, раҳбарларнигина кўнглини биров кўтариши мумкин, холос. Дейлик, олис Хоразмдаги бир фермер хўжалиги ерларига чигит қадалгани ҳақидаги жўнгина хабар нима янгилик бера олди? Чигит ҳар йили мавсум келганда албатта қадалиши керак, шундай қилинмаса пахта ўсмайди, ҳосил бўлмайди. Ҳосил бўлмаса – у ёғи маълум гап. Бу – атиги қишлоқ хўжалиги ахборотномасигагина кириши мумкин бўлган оддий маълумот. Матбуот хабари эса, ўша олис хорзмликкагина эмас, умрида далага чиқмаган, пахтани кўрмаган одамга ҳам қизиқарли, аҳамиятли бўлмоғи даркор.

У ҳолда, умуман, матбуот фақат танқид билан шуғулланиши керакми, шундай қилмаса, зерикарли, ҳеч ким ўқимайдиган бўлиб қоладими? Йўқ, асло ундай эмас. Матбуотнинг вазифаси танқиддангина иборат эмас. Матбуот ҳаққоний далиллар негизида, ҳаётий бош ғоялар, асосий йўналишлар таҳлили воситасида жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилмоғи керак. Бунга эса теран таҳлилсиз, гоҳо одамга хуш келмайдиган, ғашига тегадиган, ғзабини ҳам қўзғайдиган аччиқ танқидсиз эришиб бўлмаслиги аён.

Демак, танқид зарур, матбуот танқидсиз яшай олмайди. Лекин, у қандай танқид бўлиши керак? Ҳамма гап ана шунда. Танқиддан мақсад – танқид, ўч олиш, ер билан яксон қилиш, бадном этиш эмас, ҳақиқий манзарани очиқ бериш, камчиликларни баралла айтиш, ишни яхшилашга оид йўл-йўриқлар кўрсатиш, оқилона, фойдали хулосалар яшадан иборат бўлмоғи керак. Танқид махв этувчи, яксон қилувчи эмас, бунёд этувчи, ҳаётбахш омил бўлмоғи лозим.

Муаммоларимизни кўра-била туриб, сукут сақлаб туришимиз кўпинча хориж ва ўзимиздаги ғанимлар тилини беш қарич қилиб кўяди. Баъзан ўзимиз уларнинг танқидига тайёргина озиқ бериб кўямиз. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун ақидапарастлар ўз даъватини динга тарғиб этишдан эмас, камчиликларни кўрсатишдан бошлайдилар? Чунки улар, авваламбор, инсонда ўзларига ишонч уйғотишга ҳаракат қиладилар. Ана энди одам табиатини қаранг: у ўзида ишонч туғдирган кимсанинг оғзидан чиққан пуч, ақлга сиғдириб бўлмайдиган, хомхаёл ғояларни ҳам рост деб қабул қилади. Бундай тарғибот негизида аслида, ғояга ишонч эмас, ғояни тарғиб қиладиган кишига ишонч ётади. Очиғи, макташ тарғиботнинг ягона усули эмас ва ҳаттоки энг тўғри усули ҳам эмас. Демак, миллий ғояни

хаётни фақат мақташ, уни бенуқсон тасвирлаш орқали тарғиб-ташвиқ эта олмаймиз. Тарихчи Франсуа Мишле таъбири билан айтганда «Кимки фақат ҳозирги замонни мақтайверса, у ҳеч қачон келажакни тушунмайди». Президент нуқтаи назари ҳам худди шундай: «Урра-уррачилик, яшасинчилик кайфияти, бугунги сиёсатни орқа-ўнгига қарамай фақат мақташ билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмайди, бирорта муаммо ҳам ечилмайди».

Телевидение – бугунги кунда оммавий ахборот воситалари орасида, Интернет сингари, етакчи мавқеда. Бу – табиий. Гап қоғоз, босмаҳона ёки бошқа сабабларга кўра газета-журналларнинг камроқ нусхада босилаётганида эмас. Балки–телевидение миллионлар аудиторияси, информация олишнинг энг қулай, энг таъсирчан воситаси бўлганидир. У миллий сиёсатнинг кўзгуси, ҳукукий демократик давлат, миллий ғоя тарғиботчиси, жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилувчи – эркинлик ва ҳур фикр майдони бўлмоғи зарур. Ҳозирги давр бугунги телевидениедан ғоят тезкорликни талаб қилмоқда. Агар журналист замоннинг долзарб муаммоларини зудлик билан тушунарли равишда томошабин – ахборот истеъмолчисига етказиб бера олмаса, табиийки, у ҳаётдан орқада қолган бўлади. Истеъмолчи эса энг янги информацияни хорижий манбадан олишга мажбур бўлади. Бугунги ахборот дунёсида янгиликлар, маълумотларни, шундоққина хабар сифатида айтиб қўя қолмасдан, таҳлил ва талқин эта билиш журналистнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шундай ахборот кўламига эга ҳамда ўшандай ахборот оқимини зудлик билан «ҳазм эта оладиган» журналистлари бор телевидения кучли телевидения, оммавий ахборот воситасидир.

Талантли, истеъдодли журналистнинг маҳорати, энг аввало, унинг таҳлилида кўринади.

Хўш, таҳлил, чуқур таҳлил дегани ўзи нима? Бу саволнинг маъзини англаш учун, энг аввало, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳақида турли йиғинлар ва суҳбатларда билдирилган фикрларни, илгари сурилган ғояларни қайта-қайта ўрганишимиз керак. Мана, оддий бир мисол. Бундан бир неча йил муқаддам Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларни пайхон қилишнинг олдини олиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинганди. Шундан сўнг матбуотда от миниб экинларни кўриқлаётган милиционерлар, молига қарамаган шахсларга солинган жарималар тўғрисида қатор мақолалар эълон қилинди. Бироқ, ушбу чиқишлардан фарқли ўлароқ, мазкур материаллардан кўнгли тўлмаган Президентимизнинг мулоҳазалари жуда кўп зиёлилар, ғоявий фронт жангчиларига сабоқ бўлади: «Агар мен журналист бўлганимда мана бунча сигир-бузоқ қамалди, мана бунча шахс жазоланди, дейишдан аввал, бир ҳовуч донни кафтимга олиб, бир ҳовуч дон мисолида масаланинг моҳиятини очар эдим. Таҳлил жараёнида:

1. Битта сигир бир гилам ўрнича майсани пайхон қилди. Шу ердаги майса-майса бўлгунича қанча дон, қанча ўғит, қанча трактор – техника кучи, қанча ёқилғи, ўғит кетгани ва деҳқон қанча куч сарфлагани;

2. Дон, нон ота-боболаримиз томонидан қадим-қадимдан қанчалар кадрлаб келингани, нонни кўзга суртиб ушоғини ҳам ариққа ташлашгани – балиқ есин деб;

3. Дон мустақиллиги – бу давлат сиёсати, миллат равнақи экани, ҳукумат доннинг қанчасини не-не қийинчиликлар билан четдан олиб келаятгани, унга миллион-миллион маблағ сарфлаятгани;

4. Қўшни давлатларда нон муаммоси қанчалар кескин бўлиб бораётгани;

5. Ўзбекистонда аҳоли ҳар йили 400-500 минг кишига кўпайиб бораётгани, уларни нон билан таъминлаш кераклиги;

6. Ерга, мулкка эгалик муносабатини тубдан ўзгартириш, бу меники, бу колхозники деган шўроча тушунчадан бутунлай воз кечиш шартлиги каби масалаларга эътибор берган бўлур эдим».

Яна бир мисол. Ислом Абдуғаниевич суҳбатларининг бирида кераксиз маҳсулот ишлаб чиқариш қанчалар зарарли экани ҳақида куюниб шундай дегандилар: «Ишчи эрталаб автобусда овора бўлиб ишга келади, кун бўйи станок олдида меҳнат қилади, уйига бориб бола-чақасини умидвор қилади – ишладик, ойлик оламиз, деб. Хуллас, кун бўйи

қанча вақти, меҳнати, асаби кетади, станок ишлайди, электр энергия сарф бўлади, хом ашё сарф бўлади. Ишлаб чиққан маҳсулоти эса ҳеч кимга керак эмас! Шундан кўра уйғинасида ўтирса, ойлиги тўлаб турилса ўзига ҳам, корхонасига ҳам миллион-миллион фойда эмасми? Ҳеч бўлмаганда ортикча исрофгарчиликнинг олди олинадикун! Масаланинг яна бир томони бор – ишчи, ишладим, ойлик бер, дейди, пулини вақтида оломаса, инсон ҳуқуқлари поймол қилинаётганига шаъма қилади. Ишлаб чиққан маҳсулотининг тақдири билан эса иши йўқ. Танқид ва талаб аввало ҳар бир шахснинг ўзига қаратилмоғи шарт. Шундай дардга чалинган корхоналар, уларнинг калтафаҳм раҳбарлари, бепарво ишчилари, нокерак маҳсулотлари бўйича таҳлилий материаллар нега ёзилмаяпти?»

Дарҳақиқат, нега? Негаки, бизда теран таҳлил, маҳорат, изланувчанлик, жонқуярлик, зиёилик масъулияти етишмайди. Гоҳо керакдан нокеракни, гоҳида эса нокеракдан керакни ажратиш мушкул кечади. Журналист салбий ҳодисаларнинг туб-тубига етиб, барча тааллуқли жиҳатлари билан очиб бериши лозим. Ватан ҳаммамизники, миллат – ўзимиз, юксак ютуқлар – бизники. Аини пайтда камчиликлар ҳам бизнинг бепарволигимиз, лоқайдлигимиз, бу масала менга тегишли эмас, деб қараб туришимиз оқибатида туғилади.

Матбуотимиз, радио ва телевидениенинг энг асосий камчиликларидан яна бири шуки, кейинги йилларда халқ ҳаётида жуда кўп ўзгаришлар бўляпти – дунёқараш, сиёсий савия, фикр доираси кенгайди, айрим журналистлар эса ана шу ўзгаришлардан орқада қолмоқдалар.

Кўп марта эътирозларга сабаб бўлаётганидек, бизда журналист этикаси, маданиятига риоя қилиш масаласи ҳам оқсамокда. Сухбатларни, савол-жавобларни кузатсангиз, журналист ўз иши қолиб гоҳ терговчига, гоҳ оқловчига, гоҳ қораловчига, гоҳида эса, қозига ўхшаб кетади, масалани чуқур ўрганмай хулоса-ҳукм чиқаради. Баъзида эса ҳуда-беҳудага қизишиб кетади. Айниқса, хорижий матбуотда ўзбекка айб қўйилса, ёниб-куйиб ҳимоя қилишга киришиб кетамиз. Бу ҳолат ушбу ёзувлар муаллифининг бошидан ҳам кўп бора ўтган. Билим бўлмаса фикр бўлмайди, фикр бўлмаса таҳлил бўлмайди. Таҳлилсиз қуруқ ваъзхонлик, куйиб-ёниш эса одамларнинг юрагини жижиллатмайди, онгига сингмайди. Аслида томошабин, фуқаро куйиши, уйғониши керак. Шундагина ғоя кишилар қалби ва онгига сингиб, моддий кучга айланади.

Ҳақиқат кўп қирралидир.

Жамоатни бир хил кўз билан дунёга қарашга ундаш эса матбуот учун, зиёилар учун айб.

Ахборот қадим замон замонларда ҳам қудратли кучга эга бўлган. Сўз қуролининг кучи куч қуролининг сўзидан кучлироқ эканлигини теран англаган Навоий ҳазратлари:

Эурсен шоҳ – агар огоҳсен сен,  
Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен, –

деб ёзган эдилар.

Ахборот тарқатиш воситалари, коммуникация тармоқлари глобаллашаётган бугунги кунда у янада қудратли куч, қуролга айланмоқда. Жараёнларни бошқариш учун, аввало, тезкор ва мавжуд вазият тўғрисида тўла тасаввур берадиган ахборот зарур.

Бугунги кунда иқтисодиёт ва сиёсат баробарида ахборот ҳам глобаллашмоқда, тўғрироғи, ахборотнинг глобаллашуви иқтисодий ва сиёсий интеграция жараёнларига шароит яратиб бермоқда. Баъзан ўзимиз яшаб турган минтақадаги жараёнларга тўғри баҳо бериш учун ҳам ташқи ахборотга, дунёнинг бошқа минтақаларида рўй бераётган воқеалар таҳлилига эҳтиёж сезамиз. Негаки, Марказий Осиё минтақасидаги жараёнлар ҳам дунёда рўй бераётган жараёнларнинг узвий қисмидир. Бундай вазиятда ҳар бир мустақил давлат, аввало, ўз ахборот мустақиллигини ҳам таъминлаши зарурияти туғилади.

Оммавий ахборот воситалари орқали миллий ғоя тарғиботининг яна бир муҳим жиҳати мавжуд. Бу жиҳат – ахборот террорига, мафкуравий таҳдидларга муносиб жавоб бериш билан боғлиқ. Охириги пайтларда информацион таҳдид ва ҳуружларнинг тез-тез уюштирилаётганлиги қуролнинг «ахборот» деб аталмиш янги тури янада қудратлироқ бўлиб бораётганлигидан далолат беради. Ахборот қуролининг кўпорувилик кучи,

келтирадиган талофатлари ҳар қандай оммавий қирғин қуролиникидан кам эмас. Чунки, бу қурол ёрдамида онгга берилган зарбалар кишини адаштиради, уни ўз ва юрт манфаатларига зид ҳаракат қилишга ундайди ва демак, инсонни бошқариш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради. Бошқа давлатлар оммавий ахборот воситалари орқали иғвогарлик баёнотлари билан чиқишлар ҳам мустақил, суверен давлатнинг ички ишларига аралашув сифатида баҳоланмоғи лозим. Гап қуруқ бўлмаслиги учун, шу ўринда бир мисол келтирсак. «АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» деб аталмиш рўйхатга киритилганлиги мамлакатимиз жамоатчилигида, беозор айтганда, таажжуб уйғотди», дейилади Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2006 йил 25 ноябрда эълон қилинган Баёнотида. Бу ҳол Америка ташқи сиёсат маҳкамасининг дин ва эътиқод эркинлиги каби долзарб масалаларга бир томонлама ёндашишини ва «икки ёқлама стандартлар» бўйича иш тутишини яна бир бор намоён этди. Ўзбекистон Республикаси айрим сиёсатчиларнинг, давлат арбоблари ва оммавий ахборот воситаларининг очиқдан-очиқ иғвогарликдан иборат ҳамда динлараро ҳамжиҳатликка раҳна солишга қаратилган андишасизларча ва мутлақо асоссиз уйдирмаларига нисбатан ҳар доим принципиал ва изчил позицияда бўлиб келган. Бу аввало, халқаро террорчиликни муқаддас ислом дини билан боғлашга уринишлар, Ғарб нашрлари «сўз эркинлиги» шиори остида юз миллионлаб мўмин-мусулмонларнинг ғурури ва шаънини камситадиган ҳақоратомуз фикрларни тарқатгани каби фактларга тегишлидир. Ўзбекистон ҳамиша бундай хатти-ҳаракатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаган ва шундай ҳисоблайди. Ўзбекистон томонидан Муҳаммад пайғамбарга (с.а.в.) карикатуралар нашр қилинганлигининг ҳамда Рим папаси Бенедикт XVI ислом дини ҳақида масъулиятсизларча айтган гапларининг қораланиши бунинг яққол тасдиғидир. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги АҚШ Давлат департаментининг юқоридаги қарорини мутлақо асоссиз деб ҳисоблаб, бу мустақил Ўзбекистоннинг ички ишларига аралашидан бошқа нарса эмас, деб Баёнот берди.

Дунёни озми-кўпми англаб етган, ундан бохабар шахс АҚШ департаменти қарори ҳақиқатан ҳам «икки ёқлама стандартлар»га асосланганлигини дарҳол пайқаб олади. Чунки фақат ўз манфаатларини марказга қўйиб иш юритишга ўрганиб қолган давлатлар одатда айни бир ҳодисага турлича баҳо беришдан уялиб ўтирмайдилар. Яъни, агар халқаро терроризм, диний экстремизм ҳужуми ўзларига қарши қаратилган бўлса, уни ер билан яксон қилиш учун барча чоралар кўрилади. Бу ишга катта-кичик бошқа давлатлар қучи ҳам сафарбар этилади.

Худди ўша террорчилар, экстремистик гуруҳлар ўзга мамлакатларга, масалан, Ўзбекистон суверенитетига таҳдид солса – бу юртда «халифалик давлати қурамыз», «барча кофирлар тигдан ўтказилади», деган ғоялар билан очиқдан-очиқ ҳужумга ўтса ва ҳукумат бундай хуружга қарши ҳимоя чораларини кўрса, бунинг номи «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотиш» деб аталади! Истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири диний бағрикенглик (толерантлик) ҳисобланади. Биз диний бағрикенгликни тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шарти эканлигини яхши англаймиз.

Қадимдан юртимизда буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик, яҳудийлик, ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, шаҳарларимизда масжид, черков синагогалар фаолият кўрсатган. Уларда турли миллат, элат ва динга мансуб кишилар, ҳозирги даврдагидек, ўз диний амалларини эмин-эркин адо этганлар. Ватанимиз тарихининг энг мураккаб, зиддиятли, оғир даврларида ҳам юртимиздаги мавжуд дин вакиллари орасида диний асосда можаролар бўлмаган. Бу – юртимиз халқларининг диний бағрикенглик борасида улкан тажрибага эга бўлганидан далолат беради.

Ҳозирда мамлакатимизда ўн саккизта диний конфессиянинг ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга диний маросимларини ўтказиш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш учун зарур барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – АЙСЕЕСКО (ISESKO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинишининг ўзиёқ Ғарбдаги рўйхатчиларга берилган муносиб жавоб ҳисобланади.

Саудия Арабистони подшоҳлиги Ислом ва вақф ишлари вазирининг маслаҳатчиси Мажид бин Абдулазиз ат-Туркий фикрича: «–Шарқ дарвозаси – Тошкент асрлар давомида ислом цивилизациясининг пойтахти бўлиб келган. У ҳатто собиқ шўроларнинг зулматли тузуми даврида ҳам ўз илм-фани билан ташқи оламга зиё таратган. Ислом цивилизацияси шуъласи ва араб тилини ўрганиш марказларидан бири бўлган Тошкент маънавият ўчоғи ҳамдир».

Аслида бояги рўйхатни тузганлар Ўзбекистонда жамаки диндор фуқаролар эътиқодига кўра эҳтиёжини қондириши учун барча қонуний шарт-шароитлар яратилганлигини жуда яхши биладилар. Улар исломдек муқаддас дин айнан Ўзбекистонда ўзининг том маъносини топганлиги, миллионларнинг қалб қувватига айланганлигини ҳам яхши англайдилар. Улар Ота Маконимизда дунёвий давлат қуриш иши диний эътиқоднинг мустаҳкамланиши билан ҳамоханг олиб борилаётганлигидан, эл ўзининг миллий кадриятларидан воз кечмаётганидан, ўзлари тинимсиз отаётган «ахборот найзалари» ва «ўқлари» нишонга тегмаётганлигидан безовталанмоқдалар, холос. Ўзбекистон Раҳбарининг бизнинг юртимизда дунёвий давлат қурилажаги, лекин бу даҳрий давлат бўлмаслиги хусусидаги ғояларининг самарали амалга ошаётгани Ғарб ва Шарқдаги бузғунчи марказлар «хафалигига» сабаб бўлмоқда.

Греция Пантеон университети ҳузуридаги Россия ва Евроосиё Маркази директори, доктор Константинос Филис фикрича: «Ўзбекистон раҳбарияти янги қарорлар қабул қилишда ўз халқининг анъаналари, урф-одат, тамойил ва кадриятларини ҳисобга олади. Бу миллий ўзига хослик асраб-авайланаётганини англатади. Миллий ўзига хосликка ана шундай муносабат ҳозирги глобаллашув даврида фавқуллодда муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида Ғарб Ўзбекистоннинг ўзига хосликларини, яъни халқнинг тарихи, маданияти, менталитети ва анаъаналарини ҳисобга олган ҳолда демократик жаҳмиёт қураётганини тўғри ва теран тушунмоғи лозим».

Ғарбнинг айрим бузғунчи кучлар воситасида Ўзбекистон ҳудудида бир неча марта миллатлараро, динлараро, фуқаролараро жанжалларни уюштириш, қўни- қўшни давлатлар билан муносабатларни чигаллаштиришга йўналтирилган режалари барбод бўлгач, энди юқоридагидек рўйхатлар орқали Ўзбекистонни дунёга, жумладан, ислом дунёсига, мусулмон мамлакатларига ёмонотлиқ қилиб кўрсатишга уринилмоқда.

Биз ушбу ҳолатни ҳам бемалол ахборот хуружи, таҳдиди, уруши деб баҳолай оламиз. Аслида, ахборот мақсадга эришишнинг энг арзон воситаси ҳам саналади. Ахборот урушлари биз билган урушлардан қатор жиҳатлари билан ажралиб туради. Биринчидан, ахборот урушлари анча камхарж – қўшин сақлашни, қуро-яроғ сотиб олишни талаб қилмайди. АҚШнинг собиқ Президенти Ж. Картер ҳам: «Тарғиботга сарфланган 1 доллар қуро-яроғга сарфланган 10 доллардан самаралироқ», деб бекорга таъкидламаган. Иккинчидан, ахборот урушлари ҳеч қандай чегараларни тан олмайди. Интернет, сунъий йўлдош орқали алоқа, оммавий ахборот воситалари ҳукмронлик қилаётган бугунги дунёда ахборотни божхона кўригидан ўтказиб, сарагини-саракка, пучагини-пучакка ажратишнинг иложи йўқ. Бироқ, энг ташвишлиси, бу урушда рақибни жисмонан йўқ қилиш эмас, уни ўзига маънан бўйсундириш мақсади кўзланади.

Бозорнинг оддий ҳақиқати шундаки, ҳар ким топганини савдога чиқаради. Товари сифати, тури ва фойдаси жиҳатидан танлаш харидорнинг ихтиёрида. Ана шу қонуният нуктаи назаридан қараганда жаҳон ахборот бозорида бизнинг манфаатларимизга мутлақо зид, миллий хусусиятларимиз, анъана, кадриятларимизни менсимайдиган ахборотлар шиддат билан ҳаётимизга кириб келмоқда. Бу ўз-ўзидан ахборот соҳасидаги хуружлардан

ҳимояланиш, бинобарин, миллий хавфсизликни таъминлаш муаммосини кун тартибига қўймоқда.

Ахборот хуружларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- ёлғон ахборот тарқатиш;
- ижтимоий онгни манипуляция қилиш;
- миллий-маънавий қадриятларни емириб ташлаш;
- етти ёт бегона маънавий қадриятларни сингдириш;
- халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш;
- кибертерроризм.

Кибертерроризм ўз навбатида вирус тарқатиш, интернетда ноқонуний бойлик орттириш (кибержиноят), кибер-манякчилик, турли бўҳтон ва уйдирмалар тарқатиш орқали бирор мамлакат ёки шахсни обрўсизлантириш сингари турларга бўлинади.

Ҳозирги даврда ахборот хуружлари қуйидаги мақсадларни кўзлаган ҳолда тажовуз ва уринишга айланиб бўлган. 1) Ўз ахборот функциялари ва ресурсларини ҳимоялаган ҳолда ахборот муҳитини назоратга олиш; 2) Ахборот хужумларини олиб бориш учун назорат қилинаётган ахборотлардан фойдаланиш. Қуйидаги воситалар эса, одатда жаҳон миқёсида ахборот қуроли сифатида қаралади:

- ахборот манбаларини йўқ қилиш, бузиш ва ўғирлаш;
- ҳимояланиш тизимини айланиб ўтиш;
- компьютер тизими техник воситалари ишлашини бузиб ташлаш;
- компьютер вируслари;
- ахборот айирбошлашни йўқ қилувчи воситалар ...

Ахборот хуружи қуйидаги асосий қисмларга асосланади.

1. Психологик операциялар – ахборотдан фуқароларга таъсир этишда фойдаланиш.
2. Электрон хуруж – аниқ маълумотларни олиш имконини бермайдиган восита.
3. Рақибга, душманга сохта ахборот бериш.
4. Очиқ ахборот хуружлари – ахборотни кўзга кўринмайдиган ўзгартиришларсиз бузиш ва ҳоказо.

Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизими бевосита ижтимоий хавф, миллий таҳдид, тараққиётга тўғаноқ сифатида баҳоланмоғи ва унга қарши кучли механизм яратишни тақозо этмоқда. Бунда давлат ахборот сиёсати алоҳида аҳамият касб этади. Ахборот, демак, миллий хавфсизликни ҳам таъминлаш борасида қуйидаги асосий вазифалар олдимизда кўндаланг турибди.

- ахборот муҳитида миллий манфаатлар ҳимоясини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида мукамал қонунлар яратиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун давлат органлари фаолиятларини мувофиқлаштириш;
- ахборотни эркин алмашишга бўлган эҳтиёжи билан унинг тарқалишида мумкин бўлган чекланишлар ўртасидаги ягона мувозанатни ўрнатиш;
- ахборий структурани мукамаллаштириш, янги ахборот технологиялари ривожланишини жадаллаштириш ва уларни кенг қўллаш. Ўзбекистоннинг глобал ахборий инфраструктурага кириб боришини эътиборга олган ҳолда ахборотларни таҳлил қилиш, ишлаш, сақлаш, йиғиш ва излаш воситаларини унификациялаш;
- давлатимизнинг телекоммуникация ва ахборий воситалар индустриясини ривожлантириш, уларнинг чет эл аналог, муқобилларидан устуворларини ички бозорда кенг тарқатиш.

Бундан ташқари ҳозирги мавжуд ижтимоий фикр, жамиятнинг умумий сиёсий-маърифий даражасини замонавий ахборот хуружига ва унинг шиддатига дош бера оладиган даражага кўтармоғимиз даркор. Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш учун яна қуйидагиларга эътибор беришимиз даркор:

– Оммавий ахборот воситаларида ҳозиргача шаклланган тил, услуб ва ифода усулини ўзгартириб, жозибадор, айна пайтда ҳаётга яқин, энг оддий кишилар қалби ва руҳиятига мос келадиган халқчил ифода усулини шакллантириш лозим.

– Жамиятни, унинг ҳар бир аъзосини ахборот воситаларига қизиқишини ошириш йўли билан ахборот орқали юзага келадиган руҳий танглик, бошқача қилиб айтганда, бузғунчи ғояларга эргашиш кайфиятининг оммалашиб кетишига чек қўймоқ даркор. Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши – маърифат тамойилининг устуворлигига эришиш мақсадга мувофиқ.

– Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида фукаролик жамияти институтлари – жамоат ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, улар сўзи ва фикрининг таъсирчанлигини ошириш керак.

Албатта, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлашнинг энг самарали йўлларида тўғридан-тўғри ҳар қандай бузғунчи ғояга, жамоатчилик фикрини бузадиган хабарларга асосли тарзда қарши тура билиш, демак механизмни яратиш зарур.

Энг аввало, жамоатчилик фикрини ўзгартираётган, чалғитаётган ноҳолис ва ёлғондан иборат ахборотлар ташқаридан, ўзига хос ҳимоя қалқонига эга бўлган маконлардан келадиганини назарда тутиб, уларга юксак сиёсий ва касбий маданият орқали ёндашиш талаб қилинади.

Иккинчидан, ҳар қандай хужумкор, вайронкор ва бузғунчи ғояга қарши ўз вақтида, мўлжални аниқ олиб муносабат билдиришда эҳтиросларга берилмаслик, ортиқча шов-шувларга йўл қўймасдан сиёсий вазминлик ва айна пайтда кучли таъсир ўтказиш усулларини ўзлаштирмоқ лозим бўлади.

Зотан, миллий хусусиятлар, анъаналар, урф-одатлар, қадриятларни барпо этиш йўли билан мамлакатларни забт этиш цивилизациялашган ҳодисага айланди. Бундай мақсадни амалга оширишда янги технологиядаги ахборот тизимлари ғоят қўл келмоқда.

Ахборот урушида инсон онги, миллат руҳияти нишонга олинади. Айрим кучлар томонидан «демократия тарғиботи» шаклида бериладиган ахборот тўғридан-тўғри Ғарб турмуш тарзининг зўрма-зўраки «сохта демократия» шаклида тикиштирилишига айланиб кетяпти. Бир пайтлар «жаҳон пролетариати инқилоби» қандай экспорт қилинган бўлса, бугун эгоцентризм, худбинлик, шовинизм, беҳаёлик, уятсизлик, шафқатсизлик, зўравонлик сингари соғлом инсон табиатига зид ҳолатлар ахборот воситасида шундай экспорт қилинаёпти. Гарчи бундай мафкуравий хуруж отишмалар ва қон тўкишларни келтириб чиқармаса-да, миллий ўзликни англашни заифлаштириш эвазига жамиятни таназзулга олиб келади. Матбуот орқали терроризмга тааллуқли кўплаб батафсил ва холис хабар ҳамда репортажлар берилишига биз кўникиб қолганмиз. Улар шу даражада ранг-баранг ва шу даражада муфассал бўладик, бундай «тўкин-сочинлик» ким ёки нима фойдасига эканлигини англаш ҳам мушкул.

Ғарбдаги қатор оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиладиган, айтайлик, фаолияти ман этилган ташкилотлар раҳбарларининг очиқ чиқишларини, кўпоровчиларнинг дағдағаларини, қайсидир давлат раҳбарини ўлдириш билан қўрқитишга бўлган уриниш-у хезланишларини, ҳозиргина содир этилган террорчилик актини тўғридан-тўғри телевидение орқали кўрсатилишини қандай тушуниш мумкин? Бу нима, бу ҳам демократиями ёки эркинликдан гангишми? Албатта, уларнинг барчасига бирдек баҳо бериб, кўрсатувларни цензурадан ўтказиш керак, деб бўлмайди. Аслида, эркинликнинг, айниқса сўз эркинлигининг ҳам қандайдир сарҳадлари, чегараси бўлмоғи даркор. Чунки, «эзгу ниятда» қилинадиган баъзи ишлар, баъзан бутунлай аксинча самара бермоғи ҳам мумкин. Юқоридаги ҳолатларда баъзан оммавий ахборот воситалари ўзлари истамаган ҳолатда, террорчилар тарғиботчиларига ҳам айланиб қолишлари мумкин. Айна шу маънода Буюк Британия собиқ Бош вазири Маргарет Тетчер: «Оммавий ахборот воситалари – террорчилар учун кислород вазифасини ўтайди», деган фикр билдирганди. Аслида хуруж ва терроризм унсурлари мавжуд бўлган ҳар қандай ахборотнинг ўйланмай (тўғридан-тўғри) матбуот орқали ёритилиши маълум даражада (эҳтимол 1–2 фоиз бўлса ҳам) террорчиларнинг ўз мақсадига эришишига кўмаклашади. Чунки, аслида уларнинг

асосий мақсадлари – баёнотлари миллионлаб кишилар томонидан эшитилишига эришиш, жамиятда қўрқув, ваҳима уйғотиш ва парокандаликни келтириб чиқариш эди. Матбуот эса баъзан билиб-билмай, айнан шу ҳолатни таъминлаб қўяди, яъни нафрат ўрнига ваҳимани уйғотиб қўйиш мумкин.

Хорижда ва юртимизда содир этилган террорчилик актлари ҳақидаги ахборотлар Ўзбекистон матбуотида оператив ва батафсил ёритилмайди, деб танқид қилувчи «доно»ларнинг чиқишлари ва бундан кўзлаган мақсадлари, худди шу нуқтаи назардан, анчагина шубҳалидир. «Матбуот эркинлиги бўғилаяпти», дея аюҳаннос солиш билан хаспўшланаётган бундай «холис хизмат» ортида бўлажак фалокатлар ётибди. Лекин, фалокатдан кейинги хулосаларни ўрганиш учун уни албатта бошимиздан ўтказишимиз шарт эмас. Ҳозирга қадар юз берган ўзимиздаги ва бошқа юртлардаги фожиалардан ҳам сабоқ чиқарсак бўлаверади.

Москвадаги «Норд – ост» театрида содир этилган қўпоровчилик телевидение орқали тўғридан-тўғри кўрсатиб турилганлиги сабабли талофатлар бир неча бор кўп бўлгани расмий ҳукумат томонидан эътироф этилди. Чунки ичкарида яшириниб олган террорчилар ташқаридаги ҳукумат аскарларининг ҳаракатлари ва тактикаларидан тўлиқ хабардор бўлиб турдилар. Ва кутилмаганда, ўз тактикаларига ўзгариш киритдилар. Натижада эса юзлаб бегуноҳ кишилар қурбон бўлдилар...

Бугунги кунда чегара билмас оммавий ахборот инфраструктураси халқаро мафкуравий муносабатларни ҳам интенсивлаштириб, универсаллаштириб юборди. Натижада мафкуравий муносабатларнинг глобаллашув жараёни вужудга келди. Бу жараённинг муҳим хусусиятларидан бири, ахборот урушининг ғоят катта иқтисодий манфаатлар билан чирмашиб кетганлигидир. Яъни, жамиятни ғоясизлантиришга йўналтирилган ахборотлар бозорида маънавий-маърифий, мафкуравий жиҳатдан савияси ниҳоятда паст бўлган аудио ва видео кассеталар, ахлоқсизликка, тубанликка олиб келадиган адабиётлар ва бошқа санъат асарларининг сотилиши жуда катта иқтисодий фойда манбаи ҳам бўлиб қолмоқда. Шундай қилиб, улар ҳам хўрдани, ҳам бурдани урмоқдалар. Ғоявий ғанимлар бизнинг ўзимизга сотган матоҳларидан олинган фойдани яна бизга қарши маънавий-мафкуравий курашга йўналтирмоқдалар. Сир эмас – бизга қарши маънавий қўпоровчилик билан шуғулланаётган кучлар ўз мақсадларига эришиш учун ҳеч нарсани аямаяпти, ҳамма воситаларни ишга солмоқда – қанчадан-қанча маблағ сарфламоқда, энг замонавий усул-услугаларни қўллаган ҳолда, ёшларни ўзига ром этувчи турли шоу-томошалар, кўнгилочар кўрсатувлар, мусикий каналлар ташкил этмоқда. Бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин. Бундай манбалар орқали кўпинча бузғунчи ғоялар тарғиб этиляпти, энг ёмони – уларни ҳали оқ-қоранинг фарқига бормайдиган ишонувчан, таъсирга берилувчан ёшларимиз кўряпти, томоша қиляпти.

Асрлар мобайнида шаклланиб келган маънавий ҳаётни издан чиқаришга қаратилган ахборот тажовузларини бугунги кунда ҳар қадамда кўриш мумкин. Масалан, болаларимиз фойдаланадиган ўқув дафтарларига бир назар ташлайлик. Аксариятининг муқовасида чет эллик машҳур спортчи ва санъаткорлар, турли сериаллар актёрлари расмлари туширилган. Эҳтимол, уларнинг спорт ёки санъатдаги ютуқларига ҳавас қилиш мумкиндир. Лекин бу спортчи ва санъаткорлар шахсий ҳаёти, ишқий саргузаштлари ҳақида интернет ва бошқа ахборот воситалари орқали берилаётган шармсиз гаплар фарзандларимизга қандай намуна бўлиши мумкин? Модомики, ўқув дафтарлари муқовасига расм тушириш шарт бўлса, нега улуг аждодларимиз сиймоси, қадимий шаҳарларимиз, бетакрор табиатимиз манзарасидан фойдаланмаймиз?

Биз бой ва бетакрор меросга эга халқмиз. Қозоқнинг буюк оқини Абай эътирофини ҳеч ким инкор эта олмайди: «Ўзбеклар етиштирмайдиган ва мўл ҳосил олмайдиган экиннинг ўзи йўқ, ер юзида ўзбек савдогарининг оёғи етмаган жой йўқ, ўзбеклар уддалай олмайдиган ишнинг ўзи йўқ... Ўткир зехн, маҳорат, абжирлик ва тадбиркорлик – буларнинг ҳаммаси ўзбекларга хос хусусиятдир». Қалмиқ адиби Давид Кугултинов айнан юқоридаги фикрга тан бериб, шундай ёзганди: «Худо ўзбекларга сахий ва туганмас хазина мисол замин, ана шу замин

сингари сахий ва мурувватли маънавият, гўзал тил ва жаҳонга татигулик буюк маданият берди. Бунчалик катта меросга эгалик қилиш ер юзидаги ҳеч бир халққа насиб этмаган». Лекин, уни ҳар қанча мадҳ этганимиз, оламга кўз-кўз қилганимиз билан бундан менинг, сизнинг, унинг, барчамизнинг маънавий савиямиз ўз-ўзидан кўтарилиб қолмайди. Биз асрий меросимизнинг ҳам, бугун яратилаётган маънавий-маърифий бойликларнинг ҳам том маънодаги эгаларига айланмоғимиз даркор. Қолаверса, фақат бугина эмас, балки Курраи Заминнинг ҳамма минтақаларида яратилган маданий бойликлар, маънавият хазиналарини ҳам ўзлаштириб олмоғимиз лозим. Бунинг эса фақат битта йўли бор – ҳар қайсимиз кучимизни аямай, вақтимизни қизғанмай бу бойликларни ўрганиб, улар тўғрисида фикр юритиб, баҳслашиб, моҳиятини англаб, уларни кўнгил мулкига айлантirmoғимиз керак. Бу иш фармон, қарор ёхуд ҳашарлар йўли билан амалга ошмайди, мўъжиза рўй бериб, бир юмалаб уларни ўзлаштирган одамга айланиб қолиш ҳам мумкин эмас. Фақат узлуксиз меҳнат билан, бутун умр давом этадиган машаққатли изланишлар билангина бунга эришмоқ даркор. Шундагина бу бойликларнинг ички маъноси, моҳияти бизга аён бўлади. Шундагина биз беқиёс гўзалликлардан баҳраманд бўлиб, ўзгариб бораётганимизни, кўнглимиз ҳар хил доғлардан фориг бўлиб бораётганини, уларнинг ўрнини меҳр ва муҳаббат, мурувват ва шафқат эгаллаб бораётганини ҳис қиламиз. Ана шундагина, яъни инсоният яратган битмас-туганмас хазинани тўла бўлмаса ҳамки, лоақал имкон қадар ўрганиб, ўзлаштириб олгандан кейингина одам ўзини маданиятли деб ҳисобласа тўғри бўлади.

Маънавият масалаларига жуда катта аҳамият берилаётган, миллий ғояни ҳар бир шахс қалби ва онгига етказиш тадбирларини амалга ошириш чоғида китобхонлик масаласи ўта долзарб муаммолардан бирига айланиб улгурди. Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам «Ана тадбиркорлар замони келди, қани, китобингни йиғиштир, болам, энг шимариб пул топишга кириш» деган гаплар тез-тез айтиладиган бўлиб қолди. Айтилдигина эмас, чиндан ҳам халқнинг адабиётга, китобга муносабати кескин ўзгарди, одамлар назарида тадбиркор бўлмоқ учун киши ўз ишига пишиқ бўлса, юлдузни бенарвон урса, пул санашни яхши билса, кифоя. Бугун бизга ўзбекнинг зиёли тадбиркорлари керак. Одамга ақлни пешламоққа, маънавий дунёни бойитмоққа имкон берадиган воситалар кўп. Шулардан энг самарадори, энг қулайи, энг беминнати ва энг камчиқими китобдир. Одам фақат имтиҳон топишириш учунгина ёки ном чиқарарга китоб ўқимаслиги керак. Китоб ҳар қандай одам учун нондай азиз бўлмоғи лозим. Одам ҳар куни бир лаҳза бўлса-да, китоб билан сирлашмоқни ўзи учун ҳаётий заруриятга айлантирмоғи зарур. Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтаб қолишлари мумкин. Китоб ўқимаслик ҳаётда муқаррар тарзда чаламуллалikka, маърифатсизликка, жоҳилликка олиб келади. Бу эса ўз навбатида лоқайдликни, фикрсизликни, маънавий қашшоқликни туғдиради. Айнан шундай дардга мубтало бўлган кишилар эса ёвуз, бузғунчи ғояларнинг тузоғига тушиб қолишлари мумкин...

Соҳибқирон Амир Темур таъбири билан айтганда, «Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрок, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир».

Ривоят қилишларича, ўткан замонда бир ҳукмдор вазиру уламоларини ўз ҳузурига чорлаб, «Дунёда энг зўр, керакли, ҳамма нарсадан хабардор қилувчи нима?» деган саволни ўртага ташлабди. Даргоҳда йиғилганлар у дейишибди, бу дейишибди; бирови дунёда энг зўр нарса – қилич деса, иккинчиси энг кераклиси – нон, дебди. Ҳамма нарсадан хабардор «Ойнаи жаҳон» деювчилар ҳам топилибди.

– Уч кун муҳлат бераман, – дебди ҳукмдор ҳеч кимнинг жавоби маъқул келмаганидан дарғазаб бўлиб.

Қўшни давлатда таърифи етти иқлимга кетган донишманд яшаётганлигидан вазирнинг хабари бор экан. Вазир: «Подшоҳнинг саволларига шу донишманддан ўзга ҳеч бир киши жавоб топа олмайди», – деган ўйда уни излаб топиб саройга бошлаб келибди.

Подшоҳнинг биринчи саволига «Китоб!» – деб ҳеч иккиланмай дадил жавоб қайтарибди донишманд.

– Чунки китоб билим беради. Дунёда энг кудратли нарса эса – билимдир. Билим эса энгилмасдир.

– Саволингизга тўғри жавоб топди, – дейишибди аъёнлар шодланиб.

– Дунёда энг керакли нарса нима?

– Китоб! – дебни донишманд ҳеч иккиланмай.

– Китоб?! – ажабланибди ҳукмдор.

– Ҳа, дунёда энг керакли нарса китоб, – такрорлабди сўзини донишманд. – Инсон учун ҳаётда икки нарса энг мўътабар ва азиз. Бу нон билан китоб. Нон – ризқ-рўз, дастурхон кўрки, ҳаёт баракаси. Мозийдан хабар этувчи – тарих, бугунни акс эттирувчи кўзгу, келажакдан бохабар айлагувчи мўъжиза эса китобдир. Покланиш, имон бутунлиги, маънавий бойлик, маърифат ҳам китобдандир. Китоб олимлар фикрининг паноҳгоҳи, доно кишилар бўстонинг чамани, оддий кишиларнинг томошагоҳидир. У кимсасиз кишиларга дил очувчи боғ, кўнгли шикастларга раҳнамодир. У барча ерда барча билан ошно, дардли кишилар дардига даводир.

– Шаҳаншоҳ, донишманд бу саволингизга ҳам тўғри жавоб қилди, – дейишибди сарой аҳли.

– Суву қуруқликдаги ҳамма жойлар, дунёдаги элу элатлар ҳақида хабар берувчи ҳам сенингча китобми? – аччиқланибди ҳукмдор.

Ҳа, китоб, – дадил жавоб берибди донишманд. – Дунёни шундоққина кўз олдингизга келтириб қўядиган ҳам, ҳеч кўрмаган ва бир умр кўролмайдиган кишилар ҳамда жойлар билан таништирадиган ҳам шу китобдир. Мана мени олиб кўринг. Мен туғилиб ўсган қишлоғимдан бошқа ҳеч бир жойда бўлмаганман. Аммо, Мағрибдан – Машриққача, Шомдан Чингача яхши биламан, десам мактанмаган бўламан. Курраи Заминда турли элатлар ҳаёти, расм-русумлари, урф-одатлари, анъаналари, қадриятларидан озми-кўпми бохабарман. Бунга ана шу китоб орқали эришганман.

Донишманд ҳукмдор совға қилган олтинларга бозордан элни эзгуликка, ёруғликка чорловчи алломалар китобларидан харид қилиб, унинг шуъласидан элни баҳраманд айлашдек зиёилик ишини давом эттирибди...

Мўъжизалар олами бўлмиш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ишига хизмат қилувчи, ўзида эзгу, бунёдкор ғоя ва мафкураларни жо этган китобни улўғловчи бундай ривоят, афсоналар саноксиз. Уч минг йиллик миллий давлатчилик тарихига, бутун дунё илм аҳли ҳамон чанқоқлик билан ўрганаётган бобокалон китоб «Авесто»га эга ўзбек халқи томонидан китобни мадҳ этувчи минглаб мақол, афоризм, топишмоқ, ҳикматлар бежиз яратилмаган.

Мақолларда бутун-бутун китоблар мазмун-моҳиятига тенг келадиган фикр ва ғоялар мавжуд бўлади. «Китоб – ақл чироғи», «Китоб билим беради, билим бахт келтиради», «Китобсиз ўқиш – қанотсиз қуш», «Кўп ўқиган – кўп билар», сингари мақолларнинг жонли анъаналарда яшаб, эл орасида айтилиб юрилишининг боиси шундан.

Маданиятли, зиёлилар оиласида, ота-онанинг ўзи доимий мутолаа қиладиган оилада бола ёшлиқдан китобга меҳр қўйиш, уни муқаддас деб билишга одатланади. Бу одат, кўникма мактабда ўзини тўлиқ намоён этади. Аммо, мактаб болага ҳамма нарсани бера олиш имкониятига эга эмас. Лекин, у жуда муҳим – инсоннинг бутун маънавий ҳаётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган бир кўникмани бера олади. Ҳар қандай жамият тараққиётининг пойдевори, асоси, уни муқаррар ҳалокатдан сақлаб, асраб қолувчи буюк кучни биз «маърифат» деб атаймиз. «Маърифат» атамаси кўпликда қўлланганда у «Маориф» сўзига айланади. Шундай қилиб, маориф тизими болаларимизга бера оладиган кўникма мустақил мутолаа, мустақил фикр, мустақил таҳлил, эзгу ғояларни тарғиб этадиган китобга муҳаббат деб аталади.

Ҳозирги замон кишиси китоб, ахборот асрида яшамоқда. Китобдан ташқари бениҳоя кўп журналлар, тўпламлар, газеталар, кино, театр, радио, телевидение, интернет ва бошқа воситалар турли бунёдкор ва вайронкор ғоялар гоҳ очик, баъзида пинҳона тарғиб этувчи ахборот бериб туради.

Инсон мана шундай ахборот ўрмони, бозоридан агар унда истеъмол маданияти шаклланмаган бўлса, ўзига кераклисини ажратиб, танлаб олиши осон кечмайди. Бу, энг аввало, унда мутолаа – ўқиш маданияти қандай ва қай даражада шаклланишига боғлиқ. Китоб ўқиш, ахборот истеъмоли маданиятига китоб танлай билиш, уни қандай ўқиш, китоб сақлаш одоби, ўқилган, англаниган, ўқилган билимни ўзига ва ҳаётга татбиқ эта билиш сингари ўнлаб масалалар киради.

Таниқли адиб, ўзига хос, ижодий услубга эга, бизнинг тасаввуримиз, ўй-хаёлларимизни ўзига тортувчи, бой ҳиссиётга ундовчи асарлар муаллифи Асқад Мухторнинг китоб маданиятига дахлдор бир фикридан бохабар бўлиб қўйиш фойдадан холи эмас: «Ўқишлар ҳар хил бўлади. Биров эрмак учун ўқийди, биров ҳордиқ чиқариш учун, биров ўқиётган китобини илмий таҳлил қилиш учун, яъни «бурч юзасидан». Биров бўлак машғулот бўлмаганидан, вақт ўтказиш учун, биров ниманидир билиб олиш учун, биров асардаги воқеага, қаҳрамонларнинг тақдирига қизиқиб ўқийди. Шунинг учун атрофингизга қарасангиз ҳар хил китобхонни кўрасиз: кимдир трамвайда, метрода, тикилинча китобга тикилган, кимдир навбатда турганда... дарров сумкасидан хатчўп солинган китобни олиб очади, биров хиёбонда қош қорайиб қолган бўлса ҳам варағидан кўз узолмайди. Кимдир диванда чалқанча ётиб, кимдир иш столида жиддий ўтириб, қўлига қалам олиб ўқимокда... Китобхонлар ҳам, ўқишлар ҳам ҳар хил. Ҳар кимнинг ўз ўқиши бор. Мен учун ўқиш – меҳнат. Лекин меҳнат деган билан завқсиз, ҳаяжонсиз ўқиш эмас, албатта! Хассос китобхон... китобдаги руҳий оламда яшайди... Мен танлаб ўқиш йўлини афзал кўраман...

Ҳа, қайта ўқиш – китобхонликда алоҳида бир соҳа. Бу ўқиш дегани завқли меҳнатнинг катта бир маъноли қисми».

Дарҳақиқат, китоб ўқишнинг ўзи бир санъат, санъат бўлганда ҳам ниҳоятда мураккаб, серқирра, айнаи чоғда мароқли ва лаззатли санъат. Китобни танлаб, аниқ мақсадни билган ҳолда ўқиш зарур. Қўлга тушган китобни шунчаки ўқиш экан-да, деб ўқийверишдан фойда йўқ. Китобни қандай ўқишга келганда кўпни кўриб, кўпни биладиган алломалар қуйидагиларни тавсия қиладилар: кўчада кетатуриб, ўринда ётган ҳолда, машинада, троллейбусда ва от-аравада мутлақо мутолаа қилманг. Овқатланаётган пайтда ёки ваннада мутолаа қилиш қанчалик одобсизлик ҳисобланса, китобни кунт ва диққат билан ўқиганини уқмасдан ўқиш ҳам шунча бефойда. Шу боисдан ҳам китоб ўқиш санъатини чуқур билиб олиш, унга амал қилиш, ёвуз ғояларни фош этиш, олинган эзгу ғояларни эл-юрт равнақи йўлида сарфлаш ҳар бир зиёлининг муқаддас бурчидир.

## МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ УСЛУБ ВА УСУЛЛАРИ

Миллий ғоя тарғиботида кўп китоб ўқийдиган, маълумотли зиёлиларга мўлжалланган бироз мураккаброқ ахборот, маълумотлар билан тадбиркорлар кайфиятига кўзлангандек таъсир этиб бўлмайди. Шунингдек, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда талабаларга ҳам, зиёлиларга ҳам, деҳқонларга ҳам бир хил муносабатда бўлиш, бир хил усуллардан фойдаланиш кутилган самарани бермайди. Чунки, турли ижтимоий гуруҳлар вакилларининг дунёқараши, манфаатлари ва қадриятлари бир-биридан фарқ қилади. Мафкура тарғиботида айнан мана шу қадриятларга, манфаатларга мос ғояларни илгари суриш кўпроқ самара бериши мумкин.

Айнан шу ҳолатни назарда тутган ҳолда ХІ асрда битилган Кайковуснинг «Қобуснома»сидаги тавсияга амал қилсак, тарғибот самараси янада ошган бўларди: «Хосга хос сўз, омийға омий сўз деғил, токи у ҳикматга мувофиқ бўлсун ва эшитғон кишига оғир келмасин, йўқса сўзингни далил ва ҳужжат била ҳам эшитмағайлар. Ундин сўнг уларнинг ризосига қараб, сўзлагил, то саломат бўлғайсан... Ҳар кишига сўз айтур бўлсанг қарағил, ул сенинг сўзингга харидорму ёки харидор эмасму? Агарда уни сўзингга харидор топсанг, унга сўзингни сотғил. Йўқ эрса, ул сўзни кўйиб, шундоқ сўз деғилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингга харидор бўлсин. Лекин, инсон била инсон бўлғил, одамий била одам бўлғил, нединким инсон бошқа, одамий бошқадуру». Фалсафий нуқтаи назарга кўра «одам» биосоциал мавжудот. Ўғри, террорчи, фоҳиша, порахўр, қонунбузар... ҳам одам. Фақат унда биологик, яъни ҳайвоний унсурлар инсонийликка нисбатан кучлироқ. У ҳам ақлли, уддабурон, лекин унинг ақли, дунёқараши жамиятга, дунёга қарши йўналтирилган ҳолос. «Инсон» эса соцбиологик мавжудот. Унда ижтимоий хусусиятлар ҳайвонийликка нисбатан кучли. У мудом ўз нафсига қарши курашади, хатти-ҳаракатларини жамият, инсоният, ўзгалар манфаатлари билан уйғунлаштиришга интилади...

Бир ҳакимдан «Қандай одам жазога лойиқ?» деб сўрадилар. Унинг жавоби: «Ҳеч қандай инсон жазога лойиқ эмас. Жазога лойиқ нарсалар ваҳший ҳайвонлар, одамларга зиён етказадиган илон, чаён каби газандалардир. Аммо шундай кишилар ҳам борки, уларнинг вужудида дарранда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай кишилар қилган зарарларига қараб жазоланади. Бу тариқа кишиларини ҳатто одам, дейиш ҳам ноўриндир!»...

Тарғиботчи-ташвиқотчиларнинг ўзлари ҳам эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, кўпни кўрган, жонкуяр, оташин, энг муҳими, одамларнинг юрагига ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри билан йўл топадиган ҳалол инсонлар бўлмоқлари даркор. Яъни, бунга маънавий ҳуқуқи бўлмаган ўғри ўзгаларни тўғрилиққа даъват эта бошласа, уни аслида кимлигини яхши биладиган кишиларнинг энсаси қотади. Демак, тарғиботчи 3

минг йиллик тарихга эга бобокалон китоб «Авесто»даги «эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал» тамойилига мос шахс бўлмоғи лозим.

Тарғибот-ташвиқот ҳам таълим-тарбиянинг бир кўринишидир. Тарбия фақатгина ихтиёрийликка асосланмайди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 64-моддасининг биринчи қисмини ёдга олсак: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар». Демак, бу ўринда тарбия ота-она зиммасига мажбурият сифатида юкланган. Ҳар қандай тарбияда, ҳатто юксак ривожланган демократик тарбия тизимида ҳам озми-кўпми бажарилиши шарт бўлган белгилар мавжуд. Масалан, бола гўдаклигидан юз-қўлини ювишга ўргатилмаса, керак бўлса, мажбур қилинмаса, ювуқсиз ҳолда дастурхон атрофига ўтириш унга одат бўлиб қолади. Халқимизга азалдан хос бўлган шарму ҳаё, андиша, ота-онага ҳурмат, катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат каби олижаноб фазилатлар ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Маълум бир ўринларда бу усулдан тарғибот-ташвиқот ишларида ҳам фойдаланиш ўзини оқлайди.

Бундан ташқари, мафкура илмий, фалсафий, диний, бадий, ахлокий ва ўзга ғоялар мажмуидан иборат эканлигини ёдда тутган ҳолда, ҳар бир суҳбат, учрашув, эшиттириш, кўрсатув мазмун-моҳияти билан одамлар қалбига етиб бориши учун турли ихтисос ва йўналишлардаги мутахассислардан фойдаланмоқ лозим. Миллий ғояни ёшлар онги ва қалбига сингдиришда жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Улар эл севган адиблар, санъат усталари, ҳуқуқ органларининг вакиллари, Ватан қаҳрамонлари, ҳарбийлар, солиқ, меҳнат бўлимлари ходимлари, сиёсий партиялар вакиллари, олимлар, сиёсатчилар ва спортчилар бўлиши мумкин. Бундай жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар уларнинг ҳаёт тажрибалари хусусида жонли мулоқот юритишга имкон беради. Улар билан мулоқот орқали ёшлар ўзларини қийнаётган, қизиқтирадиган саволларга бевосита жавоб оладилар. Бундай шахслар ҳаёти ва фаолияти юрт тинчлиги, Ватан равнақи ғояларига яққол мисол бўлиб, ёшларни ана шу йўсинда яшаш ва ҳаракат қилишга ундайди.

Мафкура тарғиботининг бизда кенг расм бўлган шакли воизлар фаолияти билан боғлиқ. Ҳозирги даврда ҳам қадимдагидек воиз-нотиклик санъатини эгаллаш, тўпланганларга мақбул қилиб гапириш бугунги дунёда мавжуд 35 мингдан зиёд касб-ҳунар ичида энг мураккабларидан бири ҳисобланади. Қўл-оёғи бутун хоҳлаган кишини кетмон чопишга, машина ҳайдашга ўргатиш мумкин. Тарғибот эса жарроҳлик сингари нозикликни талаб этади. Обдон ўйланмаган, пишмаган ёхуд оғиздан бехос чиқиб кетган бир сўз билан ҳам ишнинг пачавасини чиқариб қўйиш мумкин. Воиз-нотик энг аввало, тингловчиларга етказмоқчи бўлган ғоя ва мақсадини аниқлаб олмоғи даркор. Нотиклик маҳорати мақсадга қандай етишиш йўллари кўрсатиб, лўнда ва тушунарли қилиб сўзлаб, аудиторияни ўзига ишонтириб, кишиларни шу мақсад йўлида фаол ҳаракатга тарғиб этишдан иборат.

У ёки бу муаммо ечимига бағишланган маъруза ўқиш ҳам мураккаб ақлий меҳнат ҳисобланади. Ақлий меҳнат эса турғунликни, сустликни эмас, ижодий изланишни, муттасил янгиланиб туришни талаб қилади. Ҳаммага маълум нарсани қоғоздан кўз узмай, бош кўтармай ўқиб бериш ҳам ёки аксинча, баъзи бир қайдлар, ёзувлар қўйилган минбарга яқинлашмай у ёқдан бу ёққа юриб «булбулигўё» бўлиб сайраш (одатда бундай маърузадан кейин тингловчилар миясида жуда оз нарса қолади) ҳам маҳоратга кирмайди.

Тарғибот-ташвиқотнинг кучи унинг илмий асосланганлигида, тингловчиларга ижтимоий тараққиёт қонунларини ўргатишида, ислохотлар жараёнида инсоннинг ўрни ва ролини кўрсатиб беришидадир. Илмийлик жамият ҳаётининг асосий, етук эҳтиёжи, манфаатларини тўғри акс эттиришда, унинг босқичма-босқич, эволюцион ривожланиш қонунларини очиқ беришда ўз аксини топади. Тарғибот-ташвиқотнинг илмийлик принципи унинг ҳаққонийлик тамойили билан узвий боғланиб кетган. Бу воиз нутқида реал воқелик – ҳаётий воқеа, ҳодиса, жараёнларнинг қандай бўлса, шундай тўлалигича ёритиб берилишини тақозо этади.

Миллий ғоя тарғиботининг кучи, қудрати ва таъсирчанлиги аввало унинг ҳаққонийлигидадир. Сидқидилдан ҳалол меҳнат қиладиган, шу бунёдкорлик меҳнати билан ҳаёт кечирадиган кишилар ҳамиша ҳақиқат тарафдори бўладилар. Бозор иқтисодиётига асосланган ҳукукий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосини ҳам шундай кишилар ташкил этади. Шу боисдан ҳам раҳбарлар, ўқитувчилар, воизлар нутқида ўрганилаётган, кун тартибига қўйилган масала рўй-рост ва тўла ҳақиқат асосида ёритилиши керак. Мавжуд камчилик ва нуқсонлар яширилмаслиги, ҳаспўшланмаслиги, аксинча фош этилиши ва уларни бартараф қилиш йўллари кўрсатилиши, бунга кенг жамоатчилик жалб этилиши лозим.

Олий таълим даргоҳида 30 йилга яқин давр мобайнида дарс беришим, турли корхона, ташкилот муассасаларида маърузалар қилишим ва кузатишим оқибатида, назаримда айрим ҳамкасбларимнинг нутқлари, маърузалари баъзан бирёқлама бўлиб қолаётгани кўзга ташланиб қолади. Аксарият нотиклар ютуқларимиз ҳақида бўрттириб, ишонарли факт ва далиллар билан ҳаяжонланиб гапирадилару, камчилик, муаммо ва қийинчиликлар ҳақида лом-мим демайдилар. Натижада, жуда талабчан, кузатувчан бўлган ёшлар, тингловчиларнинг кўпчилиги ўзларини қизиқтирган саволларига керакли, жўяли, асосли жавоб ололмай қоладилар. Ундан сўнг, табиий равишда, ахборот чанқоқлигини ўзга манбалардан қондиришга урина бошлайдилар.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, муаммо, камчилик, ва қийинчиликлар хусусида сўз борганда уларга бир томонлама ёндашиб танқидни ҳаддан ошириб юбориш, у ёки бу салбий ҳодисани бўрттириб кўрсатиш ҳам ярамайди. Танқид ниқоби остида шу вақтгача эришган ютуқларимизни шубҳа остига қўйиш, миллий анъана, қадриятларимиз, турли ахборот хуружлари таъсирига берилиб, ўзбекона турмуш тарзини бадном қилишга йўл қўймаслик даркор.

Илмийлик ва ҳаққонийлик принциплари тарғибот- ташвиқотнинг яна бир тамойили – ҳаёт билан боғлиқлик принципи билан уйғун олиб борилган тақдирдагина ўзини тўлалигича намоён эта олади. Тарғиботнинг ҳаёт билан боғлиқлик принципи ғоявий асосини назария билан амалиёт бирлиги ҳақидаги таълимот ташкил этади.

Назария воқеликнинг тафаккурда умумлашган инъикоси, амалиётнинг илмий хулосасидир. Назариянинг, ғоянинг ўзи ўз ҳолича мавжуд воқеликни ўзгартира олмайди. Назария, мафқуранинг моҳияти, буюклиги шундаки у ўзгариш, тараққиёт йўлини кўрсатиб беради. Амалиёт деганда айнан шу фаолият, яъни кишиларнинг воқелик ҳодисалари ва жараёнларини ўзгартирувчи фаолияти англанади. Назарий ва амалий фаолият бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлиб бири иккинчисини тақозо этади. Амалиёт ва назариянинг, ғоянинг бирлашуви натижасидагина инсоннинг олами, ўз-ўзини амалий-назарий англаш жараёни амалга ошади. Ғоя ва амалиёт бирлиги қонунини тарғибот-ташвиқот жараёнига татбиқ этилганда миллий ғоя, маънавий-маърифий ишлар билан узвий боғланиб кетишида ўз ифодасини топади. Тарғибот- ташвиқот, бугунги турмушимиздан келиб чиқиб, бозор иқтисодиётига ўтиш, моддий ишлаб чиқариш соҳасида эришилган реал муваффақиятларга асосланса, ишлаб чиқариш муносабатлари тизимида кишиларнинг конкрет фаолиятини ҳисобга олсагина, самарали бўлади.

Тарғибот-ташвиқот ишлаб чиқаришга бевосита эмас, балки кишилар қалби ва онги орқали, уларнинг хулқ-атвори, ният, мақсад, интилишлари орқали, билвосита таъсир кўрсатади. Албатта, шунга эътибор бермоғимиз лозимки, тарғиб қилинган ғоянинг натижаси кишиларда бирданига ёки бир неча кун ичида намоён бўлмаслиги ҳам мумкин. Ғоялар ўзининг ҳаётийлиги билан кишилар, айниқса ёшлар қалби ва онгига кириб борган, улар ҳаётининг мазмунига айланган тақдирдагина ўз натижаларини кўрсатади, ҳаракат учун қўлланмага, моддий кучга айланади.

Халқчиллик принципи асосида тарғиботнинг соддалик, тушунарлилик, ишонарлилик, аниқлик хусусиятлари ётади. Воиз ўз нутқи орқали халқ оммасига, ёшларга, уларнинг қалби ва онгига таъсир қилишни мақсад қилиб олган экан у содда, аниқ, тушунарли тилда гапириши лозим. Нотик тилининг тозаллиги, маъно жиҳатидан аниқ ва равлонлиги унинг таъсирчанлигининг муҳим гаровидир. Ҳар қандай тарғиботчи билан ҳар

қандай ташвиқотчининг санъати ҳам тингловчиларга жуда яхши таъсир қилиш учун маълум ҳақиқатни уларга мумкин қадар ишонадиган, мумкин қадар осон тушунадиган, мумкин қадар аниқ ва эсда сақланадиган қилиб гапиришдан, улуғвор, бунёдкорлик фаолиятига даъват қилишдан иборатдир.

Шу боисдан ҳам улуғ сўз устаси Кайковус, «Ҳамма қобилиятлардан энг яхшиси нутқ қобилиятидир», деб ҳисоблаганди. Э. Жирарден бўлса, «Сўзнинг кучи беҳаддир. Чекинаётган кўшинни тўхтатиш, мағлубиятни зафарга айлантириш ва мамлакатни кутқазиб қолиш учун гоҳо ўринли айтилган бир сўз кифоя бўлган»лигини эътироф этган. Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий эса «Дунё сарф қилиб эришилмаган натижаларга вақтида ишлатилган бир яхши сўз билан эришиш мумкин»лигини таъкидлаган.

«Нотиклик санъатида нима бирламчи?» – деган саволга бу борада фаолият кўрсатган даҳолар ўз қобилият, иқтидор, истеъдодларидан келиб чиққан ҳолда масаланинг турли қирраларини ўта муҳим, деб ҳисоблаганлар. Галикарнаслик Дионис нутқ санъатида «максадга мувофиқлик»ни, Цицерон «аниқлик ва тозаллик»ни, Аристотель бўлса «чиройли сўзлаш, ишонтириш, мантикий асослаш»ни нутқнинг зарурий шарти, деб билганлар. Нотикнинг характери, овози, ўзини тутиши, ҳатто қандай кийинишини бирламчи омил сифатида қарайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор, дейдилар донолар. Сўзда куч-қувват мужассам. Эзгу сўзлар тебраниши теграмиздаги оламга ижобий таъсир этса, салбий, оғриқли сўзлар бу оламни вайрон қилиш хусусиятига эга. Шу сабабли сўзларни билиб, эзгуликни кўзлаган ҳолда ишлатмоқ даркор. Нотик, энг аввалло, билимли бўлмоғи лозим. Лекин, билим олиш энг машаққатли жараёнлардан бири ҳисобланиб, ажодларимиз қадимдан барчани бешикдан қабргача билим олишга чорлаб, даъват этиб, тарғиб-ташвиқ қилиб келганлар. Чунки, билимли шахс енгилмас, ҳаёт машаққатларига сабр-чидам билан бардош берувчи инсондир. Бу борада улуғ аллома, Юсуф Хос Ҳожиб шундай фикрни билдирганди: «Кишининг билимдонлиги унинг тили орқали намоён бўлади. Билимни яшириб бўлмайди. У сўз орқали маълум бўлаверади. Оламда одам пайдо бўлганидан бери яхши одатларнинг барчаси билимдонлар туфайли пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам билимдонлар доимо тўрға ўтказилади».

Одатда, кишининг кимлиги кўпинча унинг сўзидан билинади. Шу боисдан ҳам Мавлоно Жалолиддин Румийда «Қани сўзлачи, мен сени кўрайин», деган ҳаққоний, ҳаётий фикр туғилган. «Авесто»нинг Виспирад қисмида (24-бўлим, 1-банд) эса «Эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амал саодатини олқишлаймиз. Қабих андиша, қабих сўз ва қабих амал билан курашмоқни шарафлаймиз», «Девларни нобуд айлагувчи рост сўзни олқишлаймиз» (Виспирад, 20-бўлим, 1-банд), Яснада эса «Шундай кишининг сўзига қулоқ тутингки, тирикликнинг дармонбахши бўлсин; шундай одамга юз бурунги, сўзда ростгўй, тавоно вабурротилдир» (Гоҳ, 31-Ясна, 19-банд), деган ғоя илгари сурилган.

Оғзаки нутқ жонли сўзлашув демакдир. Унда фикр аниқ ва лўнда, жумлалар қисқа ва содда бўлгани маъкул. Айрим нотиклар чиройли сўзлашни узундан-узоқ жумла тузиш, уни жимжимадор қилиш деб биладилар. Афсуски, бундай, «тилни синдирадиган» жумлада ифодаланган фикрларни илғаб олиш мушкуллашади. Бундай нутққа асосланган тарғибот самарасиз бўлади, тингловчилар вақти ҳам бекорга исроф этилади. Энг ёмони, кейинги сафарги ўзга маҳоратли воиз маърузасига таклиф этилганда, тингловчилар аввалги ҳолатни эслаб, аудиторияга келишдан безиллаб қоладилар. Шу боисдан ҳам маърузага тайёрланиш давридаёқ нотик, ўз нутқидаги бор «сувни» сиқиб чиқариши, фикрини, тарғиб этилаётган ғояни қисқа, тушунарли жумлалар билан баён қилишга уринмоғи даркор.

Воиз оғзаки нутқнинг ёрдамчи воситалари – пауза (нутқ орасидаги узилиш, сукут) ва интонация (сўзловчининг нутқ мавзусига муносабатини, ҳис-туйғусини ифодаловчи талаффуз услуби)дан ҳам моҳирона фойдаланиши лозим. Талаффуз услуби фикр таъсирини кучайтиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Воиз ўз тингловчиларига нима деяётганлиги билангина эмас, балки уни қандай ифода этаётганлиги билан ҳам таъсир этади.

Интонация нотиқнинг гапириш услуби, сўзларни талаффуз этиш хусусияти, овозининг баланд ва пастлиги, нутқ суръати, пауза ва ҳоказолар орқали белгиланади. Ўринли фойдаланилган интонация сўзларга, жумлага, ниҳоят нотиқ ифода этмоқчи бўлган мазмунга жон бағишлайди, унинг таъсирли чиқишига кўмаклашади. Шунини ҳам унутмаслигимиз лозимки, баён этилаётган воқеа, ҳодиса, жараёнлар мазмун-моҳиятини чуқур англамай туриб, уларга нисбатан тингловчилар муносабатини уйғотмасдан тўғри интонация танлаб бўлмайди. Интонациянинг қандай бўлиши, нутқ мақсади, мазмунига боғлиқдир. Агар нутқ мақсади ва мазмуни ўзгарса, интонация ҳам ўзгаради.

Нутқда паузанинг ҳам аҳамияти катта. Нутқ орасидаги узилиш, сукут, бир томондан, тингловчиларнинг биров тин олишига имкон берса, иккинчи томондан, фикрни тўғри тушуниб, англаб олишлари учун мушоҳада қилиш имконини беради. Нотиқ эса пауза вақтида кейинги айтмоқчи бўлган фикрини аниқ ва ёрқин ифода этиш йўллариини излайди. Сукутдан тингловчилар диққатини жалб этиш, ҳозиргача баён этилган фикрни англаб олишлари ва эътиборларини жамлаш учун ҳам фойдаланилади.

Оғзаки нутқ масофа ва вақт жиҳатидан чекланган бўлади. У овоз етадиган доирадагина қўлланилади. Энг муҳими, оғзаки нутқ, том маънода жонли мулоқотдир, унда нотиқ тингловчиларга бевосита таъсир этишнинг талайгина усулларида фойдалана олади.

Нотиқ нутқ маданиятини эгаллаш учун аввало она тилининг бой имкониятларидан самарали фойдаланишни билиб олиши лозим. Қайси нотиқнинг сўз бойлиги кўп ва хилма-хил бўлса, унинг нутқи ҳам шунчалик бой ва жозибали бўлади. Воиз ўзининг фаол сўз бойлигини доимо кенгайтириб, бойитиб бориши даркор. Нутқда нотиқ ишлатаётган сўзларнинг миқдори эмас, маъноси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Маънодош сўзлардан моҳирона фойдаланиш нутқни ифодали ва таъсирли қилади. Бир сўзни кўп марта қайтаравермаслик учун синонимлардан фойдаланган маъкул. Бироқ, бунда синонимлар эмоционал буёқдорлиги, нутқда қўлланиш доирасига кўра бир-биридан фарқланишини унутмаслигимиз лозим. Синоним сўзлар маъносига қараб танланиши керак. Шу сабабга кўра нотиқ синонимларнинг хусусиятларини, уларнинг маъно ва услубий нозикликларини яхши билиши, нутқда улардан ўринли фойдаланиши шарт.

Баъзан нутқда бир сўзни бир неча марта такрорлаш эҳтиёжи туғилади. Бу ўринда мақсадни ифодалаш учун (масалан, таъкид маъносиди) ўз ўрнида таъкидланган сўзлар нутқнинг таъсир кучини оширади. Масалан, академик Ғафур Ғуломнинг барчага маълум куйидаги сатрлар шундай маҳорат намунаси бўла олади:

Азиз асримизнинг азиз онлари,  
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.  
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрларла,  
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Бу ўринда «азиз» сўзи уч марта қўлланилишига қарамай, ҳар сафаргисида таъсир кучи янада ошиб боради.

Нутқнинг таъсирчанлиги кўп жиҳатдан товушларнинг тўғри талаффуз этилишига ҳам боғлиқ. Бошқа тилларда бўлгани каби, ўзбек тилида ҳам шундай сўзлар борки, уларнинг ёзилиши бир хил бўлса ҳам, ўқилиши, айтилиши турличадир.

Истиклол йилларида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, халқаро алоқаларнинг кучайишига мутаносиб равишда ўзбек тили хорижий сўзлар, тушунчалар ва атамалар ҳисобига янада бойиб бормоқда. Нутқда ишлатилган кўп сўзлар (масалан, маркетинг, менежмент, лизинг сингари), гарчи келиб чиқиши ўзбек тилидан йироқ бўлса-да, тўғри тушунилади. Шу сўзсиз айтилмоқчи бўлган фикр қашшоқлашиб қолаётгандек, янада аниқроғи, фикр ўз ифодасини тополмагандек бўлиб қолади. Бироқ, ўзга тиллардан олинган сўзларни ҳаддан зиёд ишлатиш нутқнинг таъсирчанлигини пасайтириб юборишини ҳам унутмаслигимиз керак. Шу сабабга кўра воиздан бундай сўзларни қўллаш, ишлатишда ўта эҳтиёткорлик талаб қилинади. Аслида зарурият, эҳтиёж бўлмаган ҳолда бошқа тил сўзларини ишлатиш ҳар икки тилга нисбатан ҳам ўта қўполлик қилишдан бошқа нарсаси эмас.

Қисқаси, воизлар қайси тилда маъруза қилсалар, шу тил грамматикасини яхши билишлари шарт. Грамматикани билган нотик адабий тил нормалари (лексик, грамматик, орфоэпик ва ҳоказо)га амал қилади: аниқ ва равон сўзлаш учун тилнинг бор услубий имкониятларидан тўла фойдаланади. Шундагина у нотикдан талаб қилинаётган нарса – нуткнинг мантиқан кучли, мазмунан бой, содда, таъсирчан, равон ва ишонарли бўлишига эриша олади.

Маърузанинг муваффақияти кўп жиҳатдан бошданок тингловчилар диққатини жалб этиб олишга боғлиқ эканлиги сир эмас. Тингловчилар диққатини жалб этишда воизнинг кириш сўзи жуда катта аҳамият касб этади. Баъзи нотиклар ўз сўзларини мавзу режасидан, айримлар масала аҳамиятидан, бошқалар эса аниқ факт ва ҳаётдан олинган мисоллар билан бошлайдилар.

Маъруза тингловчиларни бирдан ўзига қаратиб оладиган қизик ходиса, кутилмаган савол, ажойиб эпиграмма (бир неча сатрли кичик ҳажвий шеър) билан бошланиб, кейин асосий мавзуга уланиб кетса, нур устига аъло нур бўлади. Воизнинг кириш нутқи қандайлигидан қатъи назар у методиканинг умумий қондасига кўра қисқа бўлиши керак, чунки унинг мақсади аввало тингловчилар диққатини жалб этиш, сўнгра уларни мавзунинг моҳиятига олиб киришдир. Кириш сўзи чўзилиб кетиши биринчидан, маъруза бошидаёқ тингловчиларни толиқтириб қўйса, иккинчидан улар диққатини тарқатиб юборади.

Тингловчилар диққатини жиддий муаммоларга қаратишда, уларга бироз дам бериб, яна меҳнат қилиш учун мияни «пешлаб» олишда юморнинг аҳамияти катта. Шу сабабли ижтимоий-сиёсий, илмий нутқда сатира ва юмордан моҳирона фойдаланиш катта самара беради. Курраи Заминга танилган донишмандлар, машҳур нотиклар энг мушкул пайтларда, энг мураккаб масалаларни изоҳлашда сатира ва юмордан кенг фойдаланиб, вазиятдан чиқиб кетганлари ҳақида кўплаб мисол келтирса бўлади. Аслини олганда юмор ҳамиша ҳаёт ташвишлари устидан ғалаба қозониш рамзи бўлиб келган.

Инсон ва унинг сезгилари, сезгирлиги, интуицияга эга эканлиги унинг сўзсиз белгиларни қабул қилиш ва уларни овозли белгилар билан қиёслаш қобилиятини ҳам ўз ичига олади. Инсон гавда хатти-ҳаракатлари, яъни сўзсиз воситалар воситасида мулоқот инсон ҳиссиётлари, қалби, онгига таъсир этишнинг қудратли воситаларидан бири ҳисобланади. Рақс санъатидан яхши бохабар шахсгина раққоса, балерина хатти-ҳаракатларини «ўқиб», ўзига тана ҳаракатлари орқали берилаётган ахборотлар орқали маълум бир хулоса чиқара олади. Бунга ўхшаш мулоқотни қадимдан турли масхарабозлар пантомима шаклида ҳам амалга ошириб келганлар. Машҳур кино усталари Чарли Чаплин, Раҳим Пирмуҳаммедов ва бошқа актёрларнинг барчага танилиши ёки муваффақиятсизлиги уларнинг ўз ҳис-туйғуларини гавда ҳаракатлари воситасида қай даражада ифодалашларига боғлиқ эди. Овозли кино пайдо бўлиши билан сўзсиз роллар аҳамияти анча заифлашиб, биринчи ўринга яна жонли мулоқот эгалари чиқиб олганлар. Лекин, шунга қарамай Раҳим Пирмуҳаммедов, Наби Раҳимов, Ғани Аъзамов сингари буюк ўзбек актёрлари сатира, юморга асосланган асарлар орқали сўзсиз белгилар орқали ўзгалар билан «сухбатлаша олиш» қобилиятларини намоён этаверганлар.

Бу борада тадқиқотлар ўтказган олим Альберт Меробян фикрича, инсоний мулоқот 7 фоиз сўзли, 38 фоиз вокал ( овознинг паст-баландлиги, қўшимча овозлар, уларнинг ширадорлиги...) ва 55 фоиз сўзсиз ҳаракатдан иборат. Профессор Бердвистл ҳам инсон ҳаётидаги сўзсиз мулоқотлар аҳамиятини ўрганиш орқали юқоридаги хулосага келган. Унинг фикрича, оддий бир инсон кун давомида оддий сўзларни фақат 10–11 дақиқа гапирар, ўртача гап эса 2,5 сонияни ташкил этар экан. Инсон мулоқотининг 35 фоизи сўз, маълумотнинг 65 фоизи бўлса ҳаракатлар орқали берилади. Ушбу муаммони ўрганаётган олимларнинг аксарияти сўзли мулоқот ҳақиқий маълумотни беради, сўзсиз мулоқот ёрдамида эса сухбатдошнинг ҳис-туйғулари ифодаланади деб ҳисоблайдилар. Ҳатто айрим ҳолатларда сўзсиз белгилар, ҳаракатлар, сўз, гап ўрнини тўла эгаллаши ҳам мумкин. Тасаввур килинг: ўқитувчи ўқувчига қараб хўмрайди. Дарс пайтида ўзгаларга ҳалал бераётган ўзи тингламаётган ўқувчи учун устози оғиз очмаган бўлса-да, ҳамма нарса тушунарли бўлади.

Барча жонзодлар сингари одам ҳам ҳаракатларимизни тартибга солаётган биологик конунларга бўйсуниб, улар асосида ривожланади. Лекин, ҳамма ҳам ўз хати-ҳаракатларини ҳис этавермайди, яъни сўз ва ҳаракат ўртасида анчагина тафовут мавжудлигини сезавермайди. Камдан-кам кишиларгина сўз ва ҳаракат номутаносиблиги, яъни «оққуш, чўртанбалиқ, қискичбақа»ни кўра оладилар. Масалан, суҳбатдошимизнинг тўлқинланиб айтаётган гапларидаги ёлғонни сезиб турибман. У мени ёш бола деб ҳисоблаб, лақиллатмоқчи деб ўйлаймиз, аслида эса унинг айтган сўзлари ва гавда ҳаракатлари ўртасидаги тафовутни сезган бўламиз.

Воизлар, яъни нотиклар бу сезгини «аудиторияни ҳис этиш» деб номлашади. Тасаввур қилинг, Сиз маъруза ўқияпсиз. Тингловчиларнинг барчаси бирдек гавдаларини ўриндикнинг орқа суянчигига ташлаб, қўлларини қовуштириб олганлар. Тажрибали, кўпни кўрган, сезгир воиз бу ҳолатни кўриб, тингловчилар нима демоқчи бўлганларини дарҳол англайди. Унинг сўзлари тингловчиларга етиб бормаётганини, қизиқарли бўлмаётганини ҳис этади. «Маъруза бизга дахлдорроқ, қизиқарлироқ бўлсин!» дея гавда ҳаракатлари орқали ифодаланган, «айтилган» таклифни «эшитилади». Дарҳол таклифни қабул қилган ҳолда тингловчилар кайфиятини, ўз нутқига муносабатини ўзгартиради. Залга лукма ёхуд савол ташлайди, мавзуга доир мутоиба ёки латифа айтиши ҳам мумкин... Турли корхона, ташкилот, муассаса, турли тоифалар – қариялар, ёшлар, ўқитувчилар, ҳарбийлар, болалар... олдида аввалдан маърузалар ўқиб, суҳбат, мулоқотлар қилиб юрган тажрибали воиз вужудга келган ноқулай вазиятни тезда бартараф эта олади.

Агар маърузачи сезгир бўлмаса, тингловчилар ҳаракатини ўқий олишга қурби, фаросати етмаса, нутқини аввалги йўсинда давом эттираверади. Натижада, тарғибот-ташвиқотдан қўзланган мақсадга эришилмайди, тингловчилар эса бундай воизни қабул қилишмайди. Бунинг устига тингловчилар аудиторияга ихтиёрий равишда келмаган, мажбурлаб киритилган бўлса, улардаги ички қаршилик туфайли, маъруза бошланмасданок уларнинг «диққат эшиги» ёпиб қўйилган бўлади. Тажрибасиз маърузачи аудиторияни ўқий олмани, мақсадига эришмаганлиги устига тингловчилар диққатини кейинги нотик учун «қулфлаб» қўйганини ҳам англамайди. Кейинги сафар тингловчилар билан мулоқотга келган тажрибали воиз энди «аудиторияга кириб олиш» учун қўшимча ақлий куч сарфлашга мажбур бўлади.

Агар бирор шахс суҳбат пайтида оғзини қўл билан билан беркитиш ҳаракатларидан фойдаланаётган бўлса, у онгли равишда нутқига ёлғон аралаштираётган бўлади. Воизни тинглаётиб ўз оғзини беркитган бўлса, демак, нотикнинг нутқига ёлғон аралашганини сезиб қолган! Маърузачи учун тингловчилар оғзини қўллари билан беркитаётганини кўриш – жуда оғир ҳолат ҳисобланади. Агар тингловчилар сони оз ёки суҳбат юзма-юз бўлаётган бўлса, яхшиси гапдан тўхтаб, бирор киши мен ҳозиргина билдирган фикримни изоҳлаб бера оладими?» деб сўраган маъқул. Бундай мурожаат тингловчилар учун ўз норозиликларини очиқ баён этиш, маърузачига эса ўз мулоҳазаларини аниқроқ изоҳлаш ва жавоб қайтариш имкониятини туғдиради.

Оламда мулоқот жараёнида қўлланилаётган ҳаракатларнинг асосий қисми бир-биридан унчалик фарқ қилмайди. Одамлар ўзларини бахтли ҳис этишганда, хурсанд бўлганларида уларнинг юзларида табассумни кўрамиз. Жаҳли чиққан ёхуд хафа бўлган ҳолатларида эса «қовоқларидан қор ёғиб» туради. Бошнинг пастга қилган ҳаракатидан «ҳа», деган маъқуллаш аломатларини англаймиз. Бошнинг сарак-сарак қимирлаши эса «йўқ», фикрингиз, таклифингиз, хатти-ҳаракатларингизга қўшилмайман, розимасман, деган маънони билдиради. Универсал ҳаракатларнинг яна бир намунаси ҳаммамизга маълум бўлган елка қисиш ҳаракатидир. Бу ҳаракат асосан уч қисмдан – қўлларимизни кенг очиш, елкаларимизни кўтариш, қошни кўтарилган ҳолатда ушлаб туришдан иборат ва у орқали биз суҳбат, мулоқот, маъруза мавзусини тушунмаётганлигимизни, билмаслигимизни ифодалаймиз.

Тингловчилар диққатини бутун маъруза давомида ушлаб туриш ниҳоятда қийин, бироқ зарур. Муаллиф кузатувлари шуни кўрсатмоқдаки, маъруза бошланганда тахминан 15-20 дақиқа ўтгандан кейин тингловчилар биров чарчайдилар, уларнинг ахборотларни

қабул қилиш даражаси сусаяди, диққати бўшашади. Моҳир нотик буни дарҳол сезиб олади. Бундай пайтларда тингловчилар секин ҳар тарафга аланглай бошлайдилар, баъзилари қўлларини тиззаларига қўйиб стулга суяниб оладилар, айримлари ёнидаги дўсти ёки дугонасини туртиб ниманидир сўрайди, яна бири бир нуқтага тикилганича ҳаёл суриб кетади. Бу ҳолатларнинг барчаси тингловчилар диққатининг толиққанлигидан далолат беради. Тажрибали воиз бу дақиқалардан фойдаланиб, юмор ва сатирага мурожаат қилади ва тингловчиларнинг бироз тин олишига имкон яратади.

Аслида бу моҳир нотиклар учун ҳам унчалик осон иш эмас. Воиз ёдга оладиган қизиқ воқеа ёки айтиб берадиган латифа кўриб чиқиладиган мавзуга дахлдор бўлиши лозим. Кулги, жонланиш билан ўтган дақиқалар эса тарғиботчи билан тингловчилар ўртасида яхши муносабат ўрнатибгина қолмай, уларни бунёдкор ҳаракатга рағбатлантириши, шавқ уйғотиши даркор.

Енгил, қувноқ ҳазил воиз билан аудитория орасида қандайдир яқинлик вужудга келтиради. Шу боисдан ҳам ушбу сатрлар муаллифи томонидан баъзи маърузалар ҳазилдан бошланади. Баъзан тарғиботчи номи эълон қилингани заҳоти залда қарсақлар янграйди. Бундай пайтда, айрим ҳолларда, тингловчиларга қарата, «Маърузани нимадан бошлашга имкон берганингиз учун раҳмат!» дегач яна қарсақлар чалинган пайтлар ҳам бўлган. Бу маърузанинг илк дақиқаларидаёқ тингловчилар билан самимий ва содда муносабат ўрнатилганидан далолат эди.

Лекин, шуни ҳам унутмаслигимиз лозимки, кулги бўлсин деб маърузада ҳар нарсани гапиравериш ярамайди. Айниқса, у ёки бу тингловчининг шахсига тегадиган сўз бўлмаслиги шарт. Лақаб тўқиш, жисмоний камчилигини рўқач қилиб, тингловчи устидан кулиш ёки аския объектига айлантириш воиз обрўсига путур етказиб қўяди.

Кулги самимий, дилдан ва беғубор бўлиши тарғиботчи илгари сураётган ғояларга боғлиқ бўлиши лозим. Ана шундагина тингловчи руҳини тетиклаштириб, таъбини равшан қилади, бунёдкор фаолиятига унум бағишлаб, чарчоғини таркатади. Ўқитувчилик ва воизлик фаолиятим давомида кўплаб машҳур нотиклар сўзини тинглашга, ҳамкасблар маърузаларида қатнашишга тўғри келган.

Уларнинг кўпларидан ўзим ҳам, бошқалар ҳам зўр қониқиш билан чиққанмиз. Одатда, бундай маърузадан сўнг «вақт қандай ўтиб кетганлигини билмай қолдим», дейилади.

Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари, профессор Муҳаммад Қуронов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари, доцент Султонмурод Олим, журналист, адиб Аҳмаджон Мелибоев, шоир Зиёвиддин Мансуров, НамДУ профессори Маҳмуджон Ҳожимирзаев, доцент Орол Эрназаров сингари нотиклар маърузалари тингловчиларнинг самимий ва беғубор кулгиси ва кўрилган муаммо хусусида атрофлича билим олиш билан ўтади.

Миллий ғоя тарғиботи енгил юмор, халқ мутоибалари, хандалар, аския, мақол, маталлар билан бойитилган бўлса, унинг кучи, таъсирчанлиги, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги янада ошади. Нотик А. Қодирӣ, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, Ойбек, С. Аҳмад ва бошқалар асарлари персонажлари тилидан ҳам моҳирона фойдаланиш мумкин.

Ўз вақтида ва топиб ишлатиладиган енгил юмор тингловчилар эътиборини жонлантиради, воиз айтмоқчи бўлган фикрни янада ойдинлаштириб, маърузани бойитади. Аммо, ҳамма нарсада бўлгани сингари, бу ерда ҳам меъёрга амал қилингани маъқул. Вазиятни ҳисобга олиб 1–2 марта ҳазил-мутоиба қилиш бошқаю, маъруза кулги кечаси эмаслигини унутиб юбориш бошқа.

Нотиклик маҳоратининг муҳим хусусиятларидан бири бадий адабиётлардан фойдаланишдир. Яхши ёзувчининг миллати бўлмайди, у ҳамма яхши ниятли кишиларникидир. У ҳамма давр кишилари билан ҳамнафас бўлиб, ўз доно маслаҳатлари билан уларга маънавий озик улашиб, тарбиялаб ҳамдард бўлиб яшайверади. Адабиёт ҳаётӣ воқеа, ҳодиса, жараёнларни бадий образлар орқали тасвирлайди. Шу боис ундан фойдаланиш тарғибот-ташвиқот эмоционаллигини кучайтиради, жозибадорлиги ва таъсир кучини оширади, маърузанинг жонли ва қизиқарли бўлишини таъминлайди.

Моҳир сўз усталари – Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор – асарларидан фойдаланиш тарғибот-ташвиқотда катта самара беради. Чунки, нотиқлик санъати сўзни аяб ишлатишни, гапнинг ихчам, маъноли, тушунарли ва қизиқарли бўлишини талаб қилади. Тарғиботчилар ўз нутқлари ихчам, чиройли ва таъсирчан бўлиши учун тинмай ўқишлари, ўқишлари, ўрганишлари, изланишлари лозим.

Тарғиботда жойини топиб мақол, матал, ҳикматли сўзлар, ҳикоят, ривоятларни ишлата билиш ҳам ўзига хос бир санъатдир. Улар ўз маънодорлиги, ёрқин ва ихчам шакли билан кишилар онги, қалби, ҳиссиётларига кучли таъсир этади. Мақол, матал, ривоят, ҳикматли сўзлар бир неча юз, минг йиллар давомида таркиб топган халқ донишмандлигининг дурдоналаридир. Улар билан безатилган нутқ қизиқиб тингланади. Ўрнини топиб ишлатилган мақол нотиқ нутқига гўзаллик бағишлайди. Шу боисдан ҳам халқимизда «Сўз кўрки – мақол» ибораси туғилган.

Воиз ўз нутқи давомида бир неча марта мурожаат қиладиган воситалардан бири цитата (ҳавола, иқтибос) ҳисобланади. Ҳавола илмий нутқда айниқса кўп ишлатилади. Зеро, бу нутқ бошқаларига қараганда илмийлиги, чуқур исботланганлиги, мантиқан кучлилиги билан ажралиб туради. Иқтибосда кўпинча илмийлик, ҳаётий ҳақиқат, далил юки бор. Шунинг учун ҳам нотиқ цитатани ўз фикрини қувватлаш, унда келтирилган фактлар, олға сурилган бунёдкор ғояларнинг тўғрилиги, ҳаққонийлигини исботлаш, тасдиқлаш учун ишлатади. Воиз ўз нутқида у ёки бу машҳур киши, давлат раҳбари фикрини келтириш билан бирга уни изоҳлаб бериш, унга муносабатини билдириш орқали тарғибот самарадорлиги оширади. Тарғиботчи шу тариқа у ёки бу муаммо хусусидаги обрўли шахс фикри, нуқтаи назари билан таништирибгина қолмай мунозара муҳитини яратиб, тингловчиларни ўйлашга даъват этади.

Албатта, яхши нутқ содда, аниқ, тушунарли ва сермазмун бўлиши лозим. Нотиқнинг чуқур мулоҳазалари муаммони тўла-тўқис очишга ожизлик қилгандагина, донишмандларнинг фикрига мурожаат этилгани маъқул.

Тарғиботда факт ва рақамлар, мисоллардан ўринли фойдаланиш ҳам унинг мазмунли ва таъсирчан чиқишида алоҳида аҳамиятга эга. Воиз томонидан келтирилаётган фактлар тингловчиларни фикрлашга, таққослаш ва мушоҳада қилишга даъват этиши керак. Мисолларни ҳам тингловчиларда фикр уйғотадиган тарзда тақдим қилиш лозим.

Маърузада фактик материаллардан оқилона ва керагича фойдаланиш зарур. Янги маълумот, озчиликка маълум фактлар, энг сўнгги хабарлар, табиийки, барчанинг диққатини ўзига жалб этади. Бу – бизнинг шахсий тажрибаларимиздан ҳам маълум. Бундай янги маълумотлар интернетдан, газета-журналлардан, янги ва яхши китоблардан олинади. Радио, телевидение, кино, театр кўрсатувларидан ҳам кенг фойдаланишимиз зарур. «Ахборот», «Давр», «Аср», «Ҳудуд» сингари ахборот дастурлари бизни замондан орқада қолдирмай, дунёдан доимо бохабар бўлишга ундаб туради. Бу борада айниқса телевидениенинг ўрни ва таъсири бекиёс. Шунингдек, тингловчилар ўқиган, ишлаётган, фаолият кўрсатаётган ўқув юрти, корхона, ташкилот, муассаса, туман, шаҳар ҳаётидан олинган мисоллар уларга яқин, дахлдор бўлгани сабабли кучлироқ таъсир қилади. Факт ва мисолларни қалаштириб ташлаш тарғиботчининг билимдонлигидан далолат эмас, меъёридан ошириб юбориш тингловчиларнинг қизиқишини сўндириб, маърузани ўта қуруқ қилиб қўяди. Факт ва рақамлар назарий қоидалар билан узвий боғлансагина яхши самара беради. Фактлар шарҳланса, тингловчиларга уларнинг амалий аҳамияти кўрсатиб берилсагина бу материаллар катта қизиқиш уйғотади.

Маъруза жараёнида «бу ҳол қачон ва нима сабабдан пайдо бўлди?», «қайси сабаблар қандай оқибатларга олиб келди» ёки қисқача «нима учун?», «нима сабабдан?» ва бошқа шунга ўхшаш саволлар ташлаш ва бундай саволларга жавоб ахтариш тингловчиларни жонлантиради, уларни ижодий фикрлашга чорлайди. Энг муҳими шундаки, воизнинг аудитория билан ҳамкорликдаги фаолияти тингловчиларда жамоавий изланиш ҳиссини уйғотади.

Тарғибот, мулоқот, маърузанинг муваффақияти унинг қандай яқунланишига ҳам боғлиқ. Хотима – маърузанинг мантикий поёни бўлиб, ўз таъсирчанлигига кўра, энг кучли

кисми бўлиши, тингловчилар фикри, ҳис-туйғулари, хоҳишлари шаклланишини охирига етказиши керак. Бунда нотик фикр-мулоҳазаларига якун ясаб, асосий қоидаларни умумлаштириб, тегишли хулосалар чиқаради ва илгари сурилган ғояларни ҳаётга татбиқ этишда тингловчиларда шавқ ва рағбат уйғотади.

Нотик маъруза пировардида албатта савол-жавоб учун вақт қолдириши лозим. Бу – педагогиканинг ҳам қатъий талаби. Тушадиган саволлар тингловчилар фаоллигини кўрсатувчи белгидир. Савол берилиши ўқилган маъруза, қилинган мулоқот, суҳбат тингловчилар диққатини ўзига жалб этганлиги, уларни қизиқтирганлигидан далолатдир. Воиз тушган саволларга асосли жавоб қайтариши керак. Бордию тушган саволга айна пайтда жавоб бера олишга кўзи етмаса очиқ-ойдин: «ҳозир мен бу масаладан етарли даражада хабардор эмасман, чунки, у билан махсус шуғулланмаганман, шунинг учун яхшиси бу соҳа мутахассисига мурожаат қилганингиз маъқул», деб айтгани самаралироқ. Тингловчилар шундай деб тан олган воизларни куруқ гап сотиб, юзаки мулоҳазалар, умумий гаплар билан қутилишга уринганларга нисбатан кўпроқ ҳурмат қиладилар. Тажрибали нотиклар тушиши мумкин бўлган саволнинг тахминан характерини олдиндан кўра биладилар ва бунга маърузага тайёргарлик кўраётган вақтда жавоб вариантларини ўйлаб қўядилар. Ҳар қалай савол қандай бўлишидан қатъи назар тингловчига жуда мулойимлик билан одоб доирасида муомала қилиш лозим.

Қадимги Римнинг машҳур нотиғи, воизлик санъатининг тождорларидан бири Цицерон (мил. ав. 106–43 йиллар) «Киши ... нотик бўлиб етишади» деган эди. Бу – ҳақиқат эканлигини тан олмай иложи йўқ. Ҳеч ким нотик бўлиб туғилмайди ёки ўз-ўзидан шундай бўлиб қолмайди ҳам. Демак, тарғиботчи-ташвиқотчи, воиз деган юксак ном, зиёилик масъулиятининг ўзи кишидан ўз ғоявий ва назарий, илмий ва услубий билимларини тўлдириш мақсадида тинимсиз изланишини тақозо этади.

Нотик катта мартабага эга бўлган кишидир. Албатта, гап миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга ўзининг сўзи, ибрати, фидойилиги билан муносиб ҳисса қўшаётган кишилар ҳақида кетмоқда. Яхши нотикни ҳамма ерда ҳурмат билан тинглайдилар. Тарихга назар ташласак, ўз юртлари тақдирига алоҳида таъсир кўрсатган ажойиб, истеъдодли нотиклар фаолият кўрсатганликларига гувоҳ бўламиз (Цицерон, Перикл, Риёзий, Шерозий, Румий, Хусайн Воиз Кошифий...). Улардан бири Муин Воиз эди. У нотикликни мансабдан устун қўйган, ўзи ҳар қандай шароитда ҳам тингловчиларни ўзига ром қила олар эди. Чунки, у ўз нутқи билан эл-юртнинг дили, дарди, давлат мақсад-муддаоларини ифода этиб, халқ ва ҳукумат ўртасидаги ўзига хос маънавий кўприк вазифасини адо этарди. Назарияни амалиёт билан моҳирона боғлаб сўзларди.

Айнан шу масала нотиклар фаолиятида ўта муҳим аҳамият касб этади. Француз олими Пьер Буаст фикрича, куруқ назарий нутқлар порлаб турадиган, аммо ҳарорат бермайдиган биллур қандилларга ўхшайди. Нутқларида теранлик етишмаган баъзи нотиклар бу нуқсонни кўпинча эзмалик билан тўлдирадилар. Бу эса, ўз навбатида, воизни мақсаддан узоқлаштириб юборади. Оз сўз билан кўп маъно англата олган воизнинг нутқи жуда ёқимлидир, чунки, айнан шундай нутқ, маъруза тингловчилар онги ва қалбига етиб бора олади.

Одатда, ҳар қандай одам ўзининг шахсий қарашлари, манфаатларига мос келадиган нарсаларгагина ишонади. Яъни, оммага чиройли илмий иборалардан кўра, табиий, одатий, кундалик ҳаётда ишлатиладиган сўзлар тизими тезроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатади. Тажриба ўткир нотик ва сиёсатчиларнинг ўз нутқларида ҳеч қачон ғайритабиий, англаш мушкулроқ илмий иборалардан фойдаланмасликларини кўрсатади. Тингловчига таъсир этувчи ва унинг ишончини уйғотувчи, эътиқодини мустаҳкамловчи нутқ шундай бўлиши лозимки, уни тинглаганлар ҳар бир ифода этилган сўз устида камроқ ўйланиши, аксинча, таниш, ўзига ёқимли нарсалар хусусида гап бораётганини қалбан ҳис этиб туришлари керак. Демак, воиз-нотик нутқида ишлатиладиган рамзлар – сўзлар, иборалар, ишоралар, хатти-ҳаракатлар нарса ва ҳодисалар тингловчи талаб-эҳтиёжи, орзу-умидлари ва манфаатларига бевосита алоқадор бўлгандагина таъсирчан ҳамда ишончли бўлади.

Масалан, ўзингиз мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг эл билан учрашувларига телеэкран орқали кўп бора гувоҳ бўлгансиз. Давлатимиз раҳбари ўзининг ўта масъулиятли лавозими ва мавқеидан қатъи назар, оддий фуқаролар билан учрашганда ёки Ватан, юрт тақдирига алоқадор масалалар юзасидан интервьюлар берганда, ҳар бир киши учун тушунарли ва раво тилда, аниқ жумлалар билан гапирадиларки, унинг мазмуни кекса онахондан тортиб, талаба-ўқувчиларгача – ҳаммага бирдек тушунарли бўлади. Юртбошимиз чет эллик меҳмонлар ва давлат делегацияларини қабул қилганларида, яъни соф расмий маросимларда эса сиёсий атамалар, жумлалардан шундай оқилона фойдаланадиларки, меҳмонларимиз Президент тимсолида бутун жамият ва халқнинг ақл-иродаси ва интеллектуал салоҳияти тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қиладилар. Юртбошимизнинг нотиклик қобилиятлари ҳар бир юртдошимиз учун ҳақиқий воизлик, зиёилик мактаби ҳисобланади.

Президент маъруза, нутқ, мулоқот, учрашув суҳбатлари тилининг хусусиятларини ўрганиб, тарғиботчи, нотик, ташвиқотлар учун баъзи амалий тавсиялар бериш мумкин:

а) тил бойлигини ҳамиша ошириб бориш, кенг оммалашмаган ёки янги сўзларнинг аниқ маъносини топиш, уларнинг бошқа сўзлар билан мослашиши эҳтимоллигини аниқлаш учун луғатларга мурожаат этиш, шунингдек тарғибот олиб борилаётган жойдаги тингловчиларнинг нутқ хусусиятларига алоҳида эътибор бермоқ даркор;

б) услубий дидни ривожлантириш: ёрқин, ўчмас таассурот қолдирадиган нутқларни ўқиш ва тинглаш чоғида унинг услубий хусусиятларини, ифодали, образли воситалар ишлатиш усуллари таҳлил этиш, келгусида фойдаланиш учун ибратли факт, далил, мисолларни кўчириб олиш мумкин;

в) нутқнинг тушунтириш хусусиятларини оширадиган тил усуллари: такрорлаш, савол-жавобларга тез-тез мурожаат этиш, ёрқин образли ўхшатиш ва мажоз (сўз ёки иборанинг кўчма маънода ишлатилиши ва шундай маънода ишлатилган сўз, ибора)лар билан нутқ таъсирчанлигини кучайтириш;

г) нутққа тайёргарлик чоғида ифодалашнинг турли вариантларини танлаш, айни вақтда ўз фикрининг аниқ, равшан, ихчам, лўнда ифода этилишини текшириб кўриш, тингловчилар томонидан нотик мақсадларини у ўйлагандек англаб олиншини таъминлашга эришиш лозим.

Бу, албатта, ҳазилакам ва осон иш эмас. Аммо бу нарса ўз нутқининг аниқлилигига, образлилигига, таъсир кучини исталган томонга йўналтиришга эришишни истаган ҳар бир киши учун зарурдир. Бутун тарғибот иши муваффақияти тарғиботчининг маданияти, билим даражаси, ўзини тута билиши, тилни яхши ўрганиб олганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бу – бутун нутқ маданияти савиясини кучайтириш устида ишлаш учун асосдир.

Шу ўринда минг йил ортга чекиниб, мозийнинг бугунга дахлдор сабоғини олиш зарурияти туғилади. Кайковуснинг «Қобуснома»сидаги ХХІ асрга ҳам бевосита алоқадор ўта муҳим пандларга амал қилиш миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз: «Эй фарзанд, билғилки, сўз тўрт нав бўлур, ундоқким халойиқ ҳам тўрт нав бўлгондек. Бири улким, билур ва билғоғин ҳам билур. Ул олимдир, унга тобе бўлмоқ керакдур. Бири улдурким, билмас ва билмағонин билур, ул қобилдур, унга ўргатмоқ керак. Бири улдурким, билур ва билғонин билмас, ул уйкудадур, уни бедор қилмоқ керакдур. Бири улдурким, билмас ва билмағонин ҳам билмас, ул жоҳилдур, ундин қочмоқ керакдир. Аммо деб эрдимки, сўз ҳам тўрт навдир: бири, билинмайтурғон ва айтилмайтурғон; иккинчиси, айтилатурғон ва билинатурғон; учинчиси, ҳам билинатурғон ва ҳам билишга заруратсиз, аммо айтса бўлатурғон; тўртинчиси, билинатурғон ва айтилмайтурғон. Аммо айтилмайтурғон ва билинмайтурғон ундоқ сўздурки... дунёнинг салоҳи унга боғлиқдир. Ул сўздин айтувчига ҳам, эшитувчига ҳам кўп наф етар... Ҳар сўзни халойиққа зоҳир қилсанг, яхши юз била зоҳир қил, токи мақбул бўлсун ва халойиқ сенинг сўз била баланд мартабага эғалиғингни билсунлар. Нединким кишининг мартабасини сўз била билурлар...»

Тарғиботнинг ушбу маъруза, нутқ, мулоқот, суҳбат шакли самарадорлигини ошириш алоҳида диққат-эътиборни талаб қилади. Чунки, биринчидан, воизлар нутқ сўзлайдиган аудиторияларга одамларни тўплаш баъзида мажбурий тус олади. Аудиторияга ихтиёридан ташқари бошлаб келинган инсонда ҳали воизни эшитмай турибкок ички қаршилиқ пайдо бўлади. Демак, бу ҳолда ҳали тарғибот бошланмасданок унинг тесқари самара бериши эҳтимоли кучаяди. Иккинчидан, бундай норози аудиторияни ўз томонига оғдириш, унга таъсир кўрсатиш, уни илҳомлантириш воиздан жуда катта истеъдод, маҳоратни талаб этади. Афсуски, воизларнинг ҳаммасида ҳам шундай истеъдод мавжуд деб бўлмайди.

Тингловчиларнинг қалбига йўл топа билиш ва уларга кучлироқ таъсир кўрсатиш учун, бизнингча, қуйидагиларни ҳисобга олмоқ даркор:

- мазкур жамоа, мазкур ижтимоий гуруҳнинг мамлакатимиз олдида бугун ва истикболда турган вазифаларни ҳал этишдаги роли;

- тингловчиларнинг ҳаётий тажрибаси;

- уларнинг билим даражаси (умумий, махсус ҳамда сиёсий-ҳуқуқий), шунингдек, ҳозирги замон ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган воқеа, ҳодиса, жараёнлардан қанчалик хабардорлиги;

- тингловчиларнинг кайфияти, уларнинг долзарб масалаларга ёндашуви, содир бўлаётган воқеаларга муносабатлари, истикбол тўғрисидаги тасаввурлари;

- тингловчиларнинг турмушда тутган йўли ҳамда ҳаёт мавқеи, нуқтаи назарининг фаоллиқ даражаси.

Нутқ сўзлаш, маъруза ўқиш, мулоқот, суҳбат жараёнида қуйидаги маълумотларни изчиллиқ билан ҳисобга олиш ҳам фойдадан холи эмас:

- мавзун асослаш ҳамда бир мақсадни кўзлаб тарғиб-ташвиқ ва даъват қилиш;

- асосий муаммони ўртага қўйиш, уни муҳокама қилиш ва кўриб чиқиш;

- муаммони тингловчилар эътиборига ҳавола қилиш учун услуб ва усулларни танлаб олиш;

- мисоллар ва кўргазмали қуроллар танлаш;

- амалий маслаҳат, тавсиялар бериш, муаммони ҳал этишга тарғиб-ташвиқ қилиш;

- нутқнинг бир бутун аудиторияга ҳамда шу билан бирга ҳар бир тингловчига алоҳида қаратилганлиги муштараклиги таъминлаш ва ҳоказолар.

Аудитория ҳақида ҳар томонлама маълумотларни билиш ҳамда тарғибот-ташвиқот жараёнида уларни ҳисобга олиб бориш тингловчиларга таълим ва тарбиявий таъсир этиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий фаоллигига таъсир кўрсатиш имконини беради.

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини оширишдаги энг асосий шартлардан бири – зимдан тарғибот қилишдир. Инсон унга таъсир ўтказилаётганлиги сезмаслиги лозим. Аслида, тарғибот давомида ғоя, мафкура сўзларининг ишлатилиши ҳам унчалик шарт эмас. Бу жараёнда ишларни пухта режалаштириш, ҳиссиётларга кучли таъсир қилиш, жозибалиқ, ноанъанавий усулларни қўллаш, ошқоралиқ, қадриятлар доирасидан чиқмаслиқ, оммабоп ва тушунарли бўлиш, тақрорланишлар билан кишиларнинг «меъдасига тегмаслиқ» талаб қилинади. Миллий ғоя тарғиботига айнан шундай ёндашиш кўпроқ самара беради. Фақат шундагина кишилар салоҳияти, меҳнати, вақти, мулки ва маблағларини кўзланган мақсад сари йўналтириш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, мафкуравий сиёсат натижасини моддий нарсаларда – юқори сифатли маҳсулотларда, турмушимизда, бунёдкорлиқ ишларида, иқтисодий ўсишда «ўлчаш» имконини беради.

Одатда кишиларни фаоллиқка чақирадиган, ҳаракатга ундайдиган тарғибот-ташвиқот кўпроқ самара беради. Шунинг учун «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Ватанни севмоқ иймондандир» ғоялари билан бир қаторда «Ватан сенинг хизматингга муҳтож» деган ғояни ҳам тарғиб қиладиган вақт келди. Чунки «Яхшими-ёмонми, бу – менинг Ватаним» каби нофаол ватанпарварлиқ эмас, балки «Менинг Ватаним фақат яхши

бўлиши керак!» кабилидаги фаол тарғибот-ташвиқот ватанпарварлик кутилган натижага олиб келади.

## ХОТИМА

Юқорида қайд этилганидек, буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанд фикрича, «Агар мамлакат хароб бўлса, шохдан хафа бўлма, ҳақиқат аҳли наздида бу дарвешларнинг – зиёлиларнинг, илм аҳлининг гуноҳидир». Абу Лайс Самарқандий билганларини бошқаларга ўргатмаган, амру маъруф қилмаган олимлар, зиёлилар гуноҳи хусусида шундай ёзганди: «Қиёмат кунда жоҳиллар олимларга ёпишиб ёқасидан оладилар ва «Сизлар билган эдинглар, лекин бизларга далолат қилмадинглар, бизларни ёмон ишлардан қайтармадинглар, шу ишларингиз учун биз бу ҳолга (дўзах азобига) тушиб ўтирибмиз» дейдилар». Аждодларимиз айнан шу хусусда илмни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки мол-дунёни йиғиб, ундан сарф қилмай кўмиб қўйиш билан баробардир, деб ҳисоблаганлар.

Юсуф Хос Ҳожиб нуктаи назарича: «Ҳақиқий зиёли ҳақиқат таянчи бўлади. Агарки оламда донишлар бўлмаганда, ерда ризқ-рўз унмас эди. Уларнинг зиёси халқ йўлини ёритувчи машғалдир. Донишларга ширин сўз билан баҳра бер, моддий манфаатини қондиришга ҳаракат қил».

Ҳазрат Алишер Навоий талқини бўйича «авом» – ўзини ҳали англаб етмаганлар, «хос» эса ўзлигини англаб етган, демек зиё аҳлидир. Бу олий зиёлилар табақасининг фақат битта Олий имтиёзи бор, у ҳам бўлса жамият олдидаги масъулияти оғирроқ, вазифаси жиддийроқдир. Шу боисдан ҳам Робиндранатх Тҳакур миллатнинг тараққийпарвар намояндалари зиммасига шундай вазифани юклаган эди: «Ўз халқининг маданиятини жаҳон майдонига олиб чиқмаган зиёли жиноятчидир...» Шу сабабдан ҳам «Авесто» замонида аждодларимиз: «–Эй, Ахураинг ахуравий суви! Менга хонумон, кишлок, шаҳар ва ўлка, унинг ном ва овозасини оламларга ёйгувчи фарзандлар ато эт» (Гох, 68-Ясна, 5-банд), – дея тилак қилганлар.

Оламга куёш зиё тарқатса, одамзод қалбига зиёли нур сочади. Илм, тараққиёт, эзгуликка тарғибот йўлида машаққат чекишдан ҳайикмайдиган, қанчалик оғир ботмасин ва аччиқ бўлмасин, бор ҳақиқатни айта оладиган кишиларни зиёли дейдилар. Миллатнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий қиёфаси кўп жиҳатдан унинг зиёлилари дунёқараши, билимдонлик савияси ва жасоратига боғлиқ.

Ислом Каримов фикрича: «Жамиятимиздаги бугунги вазият, мавжуд хавф-хатарлар ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида олимларимиз, пешқадам зиёлиларимиз халққа ўз сўзларини айтишлари керак, улар бу борада жамият олдида қарздор эканликларини унутмасликлари лозим».

Ҳақиқий зиёлилар олис кишлокларда ҳам кўп. Баъзи соҳаларда улар шаҳардаги ҳамкасбларидан устун бўлса устунки, асло кам эмас. Қолаверса, дипломга эга бўлиш – бу ҳали том маънодаги зиёли дегани эмас. Зиёли одам ўз тафаккур савияси, пок юраги, ички маданияти билан мутлақо бўлакча инсон бўлади.

Зиёлилик ҳар қандай мамлакат ҳаётида бўладиган ҳар бир ўзгаришни юзага келтирувчи асосий қудрат ҳисобланади. Халқ кўпинча баъзи бир нопок амалдорларга нисбатан уларга кўпроқ ишонади ва эргашади. Шу маънода зиёлилар оммани уюштириб, демократик жараёнлар сари йўналтирадилар. Лекин, зиёлиларнинг ўзлари ҳам демократик жараёнларнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишга бардош бера оладиган, уюшган куч даражасига кўтарилган бўлишлари керак. Зиёлиларнинг характерли хусусияти шундаки, улар бошқа ижтимоий табақалардан кўра, жамият ҳаётида юзага келадиган жараёнларни

олдиндан билишга интиладилар ва ижобий ўзгаришларнинг бошида тура оладилар. Зиёлилар – халқни турли офату-балолардан ҳимоя қилиб турадиган, огоҳликка чорлайдиган ўзига хос «озон қатлами»дир. Зиёлилар – ҳар бир халқнинг тафаккур гуллари. Шу маънода, ҳар бир халқнинг маънавий маданияти тарихида зиёлиларнинг саҳия миқёси, савия даражаси давр дидини, миллат дидини белгилаб келган.

Зиёли инсон атроф зулматни ёритади, ўзга кишилар руҳини ҳам маърифатли этади, кўнгилларни нурлантиради. Зиёли, яъни ўзлигини англаб етган инсонда илм, имон ва амал бирлиги вужудга келади. Баъзилар ҳозирги даврда зиёли деганда одатда, олий маълумотли кишини тушунадилар. Аслида, оддий фермер-деҳқон ҳам, ҳайдовчи ҳам, фаррош ҳам зиёилик тамойили билан иш кўриши ва «зиёли» деган юксак ижтимоий баҳога лойиқ бўлишлари мумкин. Биз маълумотлиликни зиёилик билан адаштирмаслигимиз лозим. Маълумотлилик эски мазмун билан яшайди, зиёилик эса – янгини яратиш, бунёд этиш, бунёдкор ғояларга таяниш, эскини янгидек идрок этиш, мозий сабоқларига таяниш билан тирикдир.

Зиёилик билимдонликкина эмас, ўзгаларни англаш, тушунишга қобилият, бағрикенглик ҳамдир. У маънавий-маърифий мунозара юрита билиш, ўзини камтарона тутиш, бошқаларга сездирмай кўмаклашиб юбориш, атроф-муҳитни асраш, ўз атрофини ёмон сўз, иғво, ғийбат ёки ёмон ғоялар билан ифлослантирмаслик (ёвуз ғоялар аслида ахлатдан фарқ қилмайди) каби минглаб кўзга кўринар ёки кўринмас хатти-ҳаракатларда намоён бўлади.

Зиёилик – бу ўзгаларни, дунёни тушунишга, ақл-идрокли бўлишга қобилият деганидир. Бу – оламга ҳам, одамларга ҳам сабот, сабр-қаноат, бағрикенглик билан муносабатда бўлиш, қараш демакдир.

Ҳар қандай киши ўзида зиёиликни ривожлантириб, машқ қилдириб бориши, ўз руҳий кучларини худди жисмини машқ қилдирганидек чиниқтириб бормоғи лозим. Чунки, доимий норозилик, атрофга ғазабнок қараш, бошқаларни тушунмаслик, англашга интилмаслик ва қўполлик, лоқайдлик аслида одамнинг маънавий ва руҳий заифлиги, кишининг яшашга қобилиятсизлиги белгисидир. Ижобий ўзгаришларни кўра олмайдиган, ўзгаларни тушуна билмайдиган, барчани ёмонлайдиган, ҳамиша ҳаммадан жаҳли чиқадиган киши ўз ҳаётини ўзи қашшоқлаштириб, ўзгаларнинг яшашига ҳалал бераётган одамдир. Руҳий заифлик, ўз навбатида, ҳар қандай кишини жисмоний заифликка ҳам олиб келади.

Зиёли бўлиш – кишининг ижтимоий бурчидир. Бу инсоннинг ўзи, миллати, Ватани, умуман башарият олдидаги бурчи ҳамдир. Бу унинг шахсий саодати учун гаров, қолаверса, ўз атрофидаги ва унинг ўзига нисбатан «эзгулик муҳити»нинг гаровидир. Оддий ҳақиқат: ҳар бир одам – академикдан тортиб фаррошгача ўз соҳасининг зиёлиси бўлиши, эл-юртни, ёшларни тинимсиз эзгуликка, яхшиликка, келажакка чорлаб туриши шарт.

Чунки Ўзбекистон Президенти таъбири билан айтганда «Маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир». Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга тарғибот-ташвиқот, даъват ва шунга мувофиқ ҳаракат ҳар бир кишининг муқаддас инсоний бурчига айланмоғи даркор. Чунки, шу азиз Ватан барчамизники, Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.

## МУНДАРИЖА

|                                                           |     |
|-----------------------------------------------------------|-----|
| Маънавият–маърифат ва зиёлилар<br>(Мукаддима ўрнида)..... | 4   |
| Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви.....                | 12  |
| Эътиқод – маънавиятнинг ўзак томири.....                  | 29  |
| Огоҳлик – давр талаби.....                                | 42  |
| Мафкуравий сиёсат, иммунитет ва профилактика.....         | 58  |
| Жаҳолатга қарши – маърифат.....                           | 69  |
| Тарғибот тамойиллари, омиллари ва воситалари.....         | 78  |
| Миллий ғоя тарғиботи услуб ва усуллари.....               | 97  |
| Хотима.....                                               | 113 |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Бахтиёр ИСОҚОВ**

**ЖАМИЯТ  
ТАРАҚҚИЁТИ  
АСОСИ**

(Илмий-услубий қўлланма)

|                   |                 |
|-------------------|-----------------|
| Муҳаррир:         | Мусоҳон Акмалов |
| Бадий муҳаррир:   | Фарҳод Исоқов   |
| Дизайнер:         | Баркамол Исоқов |
| Мусахҳиҳ:         | Комила Қаюмова  |
| Компьютер устаси: | Наргиза Исакова |

Теришга берилди 01.04.2007. Босишга рухсат этилди 06.04.2007. Газета қоғозига офсет усулида босилди. Бичими 84x108. 1/16. Ҳажми 7,0 босма табоқ. Адади 2000 нусха. Буюртма №19 Баҳоси шартнома асосида.

“Наманган” нашриёти, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси,  
Матбуот уйи, 3- кават.

---

“Фаҳризода” кичик корхонаси (Дўстлик шоҳ кўчаси 2) да тайёрланди